

Рахматулла Ҳайитбоев

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЧЎЛЛАРИДА ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**



*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг
85 йиллик юбилей-тўйига
бағишлайман.*

Самарқанд-2018

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Р. Хаитбоев

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛЛАРИДА
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ
(Монография)**

Самарқанд-2018

Ҳайитбоев Р. Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантириш
истикболлари. Монография. СамИСИ, Самарқанд, 2018, 144 б.

Монографияда Ўзбекистон Республикасининг 70% худудларини эгаллаган қуруқ иқлимли чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришнинг долзарб, назарий ва ижтимоий–иқтисодий масалалари, чўлларнинг табиий географик тавсифи, чўлларнинг туристик ресурслари ва уларнинг географияси, чўлларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари муаммолари ва уларнинг ечимлари, чўлларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш механизмлари тадқиқ қилинган. Монография институтлар ва университетларнинг профессор-ўқитувчилари, талабалари, туризмдаги тадбиркорларга мўлжалланган.

Такризчилар: и.ф.д., проф., М. Қ. Пардаев (СамИСИ).
қ.х.ф.д., проф., М.М. Махмудов (ҚЧЭИТИ).
г.ф.н., доцент Т. Жумобоев (СамДУ).
и.ф.н., доцент Р. С. Амриддинова (СамИСИ).

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг 2016 йил 12 июлдаги илмий
Кенгашида кўриб чиқилди ва нашр қилишга
тавсия этилди (13-Баённома).

Самарқанд-2018

Мундарижа

	Кириш.....	7
1.Боб.	Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари.....	11
1.1.	Ўзбекистон чўлларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий масалалари.....	11
1.2.	Ўзбекистоннинг чўлларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантириш концепцияси.....	13
1.3.	Ўзбекистон чўлларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий аҳамияти	19
1.4.	Чўлларда туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлашининг зарурлиги.....	24
2.Боб.	Ўзбекистон чўлларининг табиий географик тавсифи. Чўлларда туризм соҳасини ривожлантиришдаги имкониятлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари	35
2.1.	Қумли чўллар минтақаси.....	35
2.2.	Гипсли чўллар минтақаси.....	37
2.3.	Шўрхок чўллар минтақаси.....	38
2.4.	Адирлар минтақаси.....	38
2.5.	Чўлларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги имкониятлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	40
3.Боб.	Ўзбекистон чўлларидаги туристик ресурслар ва уларнинг географияси.....	43
3.1.	Чўллардаги туристик ресурслар, уларнинг географияси, таснифи ва тавсифи.....	43
3.2.	Чўлларда археология туризмнинг ресурслари.....	51
3.3.	Чўлларда зиёрат туризмнинг ресурслари.....	56
3.4.	Чўлларнинг ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси - экотуризм ресурслари	62
3.5.	Чўллардаги табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмахоналари- экотуризм ресурслари	70
3.6.	Чўлларда овчилик туризмнинг ресурслари.....	79
3.7.	Чўллардаги сардобалар -туризмнинг ресурслари.....	82
3.8.	Чўллардаги аҳолининг миллий маҳсулотлари ва миллий ўйинлари -туризм ресурслари	87
4-Боб.	Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантиришда хориж давлатларининг тажрибаларидан фойдаланиш	95
4.1.	Европа давлатларининг туризм соҳаси билан худуларни бир текис ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари.....	95
4.2.	Европа давлатларининг туризм соҳаси билан худудларни бир текис ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделлари.....	98
4.3.	Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантиришда	101

	хориж давлатларининг дастурлари ва моделларидан фойдаланиш	
5.Боб.	Ўзбекистон чўлларида туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш механизмлари.....	103
5.1.	Чўлларда туризм фаолиятини ташкил қилиш ва туризмнинг асосий турларни ривожлантириш механизмлари.....	103
5.2.	Чўлларнинг туристик ресурслардан фойдаланиш моделини яратиш.....	108
5.3.	Чўлларда туризм хизматларини, туризм инфратузилмаларини яратиш.....	111
5.4.	Чўллардаги туристик ресурсларга туристик маршрутлар яратиш ва маршрутларнинг рекламаси.....	116
5.5.	Чўлларда туризмни ривожлантиришда «Буюк ипак йули»нинг Ўзбекистон чўл ҳудудларидан ўтган маршрутини тиклашдаги вазифалар.....	120
5.6.	Чўллардаги биологик хилма-хилликни сақлаш, муҳофаза қилиш ва бойитиб бориш туризмни ривожлантиришнинг истиқболлини таъминловчи омил сифатида.....	125
	Тавсиялар.....	139
	Фойдаланилган адабиётлар.....	141

КИРИШ.

Мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ўрни ва роли ғоят сезиларли бўлиб, бунда туризм соҳасининг аҳамияти бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларига қараганда юқори суръатлар билан ривожланиши даражаси билан белгиланади.

Туризмнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти, таъсир доирасининг кенглиги, оммавийлиги ва аҳамияти-буларнинг ҳаммаси туризмни тушуниш иборалари- «дам олиш», «бўш вақт», «кўриш», «танишиш», «билим олиш», «зиёрат», «рекреация», «кўнгил очиш», «соғломлаштириш», «туризм хизматлари», «иш билан бандлик»-ҳозирча битта-туризм соҳасини ташкил қилмоқда. Мамлакатимизнинг миллий туризм соҳаси ўз таркибига ижтимоий-иқтисодий тармоқларни тобора қамраб бориши билан бирга келгусида маънавий, маданий ва бошқа йўналишларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши аниқ бўлиб қолди.

Туризм соҳаси иқтисодиёт соҳалари ичида даромад келтириш бўйича энг олдинги ва истиқболли ўринларни эгалайди, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий кўрсаткичларининг юқори бўлишига шароит яратади ва шу имкониятлари билан туризм ҳар доим барқарор ривожланишга эга. Шунинг учун ҳам туризм соҳаси жадал ривожланаётган мамлакатлар биринчи навбатда, бу соҳани ҳаракатга келтирувчи *туристик ресурслардан* ва *туризмнинг турларидан* самарали фойдаланиш йўллари қидирмоқда ва унинг барқарор ривожлантириш йўналишларига эътиборини қаратишмоқда.

Ўтган вақт давомида туризмнинг соҳалари ва турларининг ресурслари ҳаммамизга маълум. Лекин, нима учун Ўзбекистон миллий туризми ҳозиргача нотекис, аниқроғи тарихий шаҳарларимизда ривожланиб бормоқда. Экотуризмнинг, қишлоқ туризмнинг барча ресурслари қишлоқларда, табиат минтақаларида жойлашган, рекреация ресурслари ҳам худди шундай масофаларда ҳисобланади, зиёрат туризмнинг ресурслари ҳақида ҳам шундай хулосаларни билдирилса ҳам хато бўлмайди, тарихий обидаларимизнинг ҳам кўпчилиги қишлоқларимизда, тоғларимиз ва чўлларимизда ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш ҳақидаги фармон ва қарорлари ҳозирги кунгача туризм соҳасини ривожлантиришдаги сусткашликлар, тушунмовчиликлар, тўсиқлар ва бошқа кўплаб муаммоларни тобора тўпланиб боришига нуқта қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармонида¹: *-ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс*

¹.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони

ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” белгиланган.

Фармонга асосланган ҳолда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда миллий туризмни истиқболда ривожлантирилиши режалаштирилган туризмнинг турлари ва соҳаларини янги ҳудудларда ва минтақаларда ташкил этиш, янги туризм йўналишларини, марказларини шакллантириш туризм соҳасидаги энг долзарб муаммолар ҳисобланади. Бу фармон мамлакатимиз ҳудудларидаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти даражаларини бир текис ривожлантиришда туризм соҳасидан фойдаланиш имкониятларини излаш, муаммоларини илмий-амалий тадбиқ қилишда, туризмни катта ҳудудларда ва минтақаларда ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, туризм соҳасини ривожлантиришдаги илмий-амалий тадқиқотлари ҳозиргидек алоҳида вилоят ёки маъмурий бирликларда эмас балки, мамлакатимизнинг катта ҳудудларини, минтақаларини қамраб олиши лозим. Бунинг учун эса, мамлакатни туризм соҳаси йўналишида районлаш тириш талаб қилинмоқда. Аммо мамлакатимизда туристик районлаштириш ҳали амалга ошган эмас.

Ўзбекистонда туризм соҳасини районлаштиришнинг илмий–услубий масалалари ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу жиддий муаммонинг ўз ечимини топмагани туризм соҳасининг шаклланиш босқичи вақт муддатлари жиҳатидан чўзилиб бораётганлигини билдиради. Айниқса, туристик районлаштириш омиллари, туристик районлар таснифи ва типологияси, уларнинг ҳудудий туристик мажмуа ёки тизимлар билан иқтисодий муносабатлари каби назарий масалалар келажакда жиддий тадқиқотлар, изланишлар олиб боришни тоқозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармонни ижро этиш, шунингдек, Республикада халқаро туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмни миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралда ПҚ-3509-сонли Қарорни² имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони³ ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимиз

². Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралда ПҚ-3509-сонли қарори

³. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони

нинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида 2018 йил 7 февралда ПКҚ-3514-сонли Қарорини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда миллий туризмни ривожлантиришда улкан имкониятларни юзага чиқарди. Ўзбекистон туризм соҳаси ўзининг янги, истиқболли босқичини бошлади. Бу қарор ва фармонлар бўйича туризм соҳасидаги тадбиркорлар, мутасадди ташкилотлар, туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар ўз олдларига жиддий ва маъсулли мақсад ва вазифаларни қўйишлигини талаб қилади. Яъни, туризмнинг барча соҳаларида ишлаётганлар ушбу фармон ва қарорларга ассланиб, туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини, янги туристик ҳудудларни, марказларни, стратегик режаларини яратшга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Шу сабабли, Ўзбекистоннинг 70% ҳудудларини эгаллаган чўлларимизнинг ўзига хос бўлган табиати, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси, биологик хилма-хилликлари, иқлим хусусиятларидан туризмда фойдаланиб, бу бепаён минтақаларда яшаётган 4 млн. аҳолининг маънавий, маданий, ижтимоий-иқтисодий турмуши даражаларини кўтариш учун туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш илмий-амалий тадқиқотларни бажаришимиз давлат миқёсидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Танланган мавзунинг долзарблиги, биринчидан, Ўзбекистоннинг асосий ҳудудларини эгаллаган чўл ва адир минтақаларида туризмнинг ривожлантиришнинг объектив-ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича зарурлигининг юзага келиб чиқганлиги;

Иккинчидан, ватанимизнинг миллий туризмида бу долзарб масала ҳамон четда, эътиборсиз ҳолатда қолаётганлиги, чўлликларни янги иш ўринлари билан таъминлашда туризмни ривожлантириш энг қулай ижтимоий-иқтисодий усул эканлиги асосланмаётганлиги;

Учинчидан, туристик ресурсларга бой бу ҳудудлардан туризмда фойдаланиш йўналишида илмий-амалий тадқиқотларнинг умуман бошланмаганлиги ҳисобланади. Мамлакатимизда миллий туризм соҳасини ривожлантиришда қайд қилинган долзарб масалалар монография мавзусини танлашга асос бўлди.

Ўзбекистоннинг чўлларининг маданий марказлардан, шаҳарлардан узоқ масофаларда жойлашганлиги ва чўллар иқлимининг кескин континенталлиги чўлларда яшаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир қилиб келаётганлиги албатда ҳаммамизга маълум. Лекин шу билан бирга Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилишининг ўзи чўл аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаларини маданий минтақалардаги аҳолининг турмуш даражаларига тенглаштиришни талаб қилади. Бу тенглаштириш йўналишида фақат чўл чорваси билан шуғулланадиган чўлликлар учун янги иш ўринларини ташкил қилишдаги энг қулай имкониятлардан бири бу- улкан ҳудудлардаги қишлоқлар, овуллар ва туманлар марказларида туризмни ташкил қилишдир.

Биринчидан, чўлларимиздан қадимий “Буюк Ипак йўли” нинг излари ҳозиргача сақланиб қолган. Чўлларимизда 1000 ёшли мақбаралар ва 1000ёшли дарахтлар, табиат қўриқхоналари, табиат буюртмахоналари, халқаро “Қизил китоб”даги ноёб, эндемик ҳайвонлар, ўсимликлар, халқаро миқёсдаги табиий марказлар, муқаддас зиёратгоҳлар бор.

Чўлларимизда эрамиздан олдинги V-VI асрларда қурилган, хоразмшоҳлар саройларининг харобаларига, чўлга айланган Орол денгизининг ҳавзасига ҳозирнинг ўзида дунёнинг 81 та мамлакатларидан туристлар келмоқда. Шунинг учун ҳам чўлларимизда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг истиқболли эканлигини исботловчи тадқиқотларни кучайтиришимиз лозим.

Ўзбекистонда туризмни барча вилоятларда бир текис ва барқарор ривожлантиришда жиддий муаммоларнинг тўпланиб бораётганлигининг энг асосий сабаби вилоятлардаги туризм салоҳиятларидан, туристик ресурслардан нотекис фойдаланаётганлигимиз ҳисобланади. Президентимизнинг мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қабул қилган фармон ва қарорлари бу муаммоларни ечишда давлат аҳамиятидаги муҳим босқич ҳисобланади. Иккинчидан, туризмни иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларига айлантириш нуқтаи-назаридан қараганимизда, унинг учта асосий ҳудудий ташкилланишини ажратишимиз мумкин:

1. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш;
2. Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш;
3. Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантириш.

Ўзбекистоннинг чўл минтақалари туризм соҳасининг қайд қилинган йўналишларини ривожлантиришга тўлиқ жавоб беради. Чўлларимизнинг ўзига хос бўлган табиати, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси, иқлим хусусиятларидан туризмда фойдаланиш ҳақида илмий-амалий тадқиқотларни бошлашимизнинг вақти келди. Шунинг учун ҳам мавзумизни жаҳонда қишлоқ туризмнинг шаклланиши масалаларидан бошладик чунки, чўлларимизда асосан қишлоқ ва овулларнинг аҳолиси яшашади.

Ҳозирги кунда ҳукуватимиз қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга жиддий эътибор бермоқда. Бу йўналишда қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг салоҳиятли имкониятлари ҳам бор. Чўл минтақаларидаги қишлоқ ва овуллардаги имкониятлар ушбу монографиянинг мавзуларида тўлиқ келтирилади.

Монография мавзусининг долзарблиги, биринчидан, Ўзбекистоннинг асосий ҳудудларини эгаллаган чўл ва адир минтақаларида туризмнинг ривожлантиришнинг объектив зарурлигининг юзага келиб чиққанлиги, иккинчидан, ватанимизнинг миллий туризмада бу долзарб масала ҳамон эътиборсиз ҳолатда қолаётганлиги, учинчидан, туристик ресурсларга бой бу ҳудудлардан туризмда фойдаланиш йўналишида илмий-амалий тадқиқотларнинг умуман бошланмаганлиги ҳисобланади.

1.БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ МИНТАҚАЛАРИДА ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантиришнинг назарий масалалари

Ватанимизнинг қуруқ иқлимли чўллари Республикамизнинг шимолий, маркази ва ғарбий ҳудудларида жойлашган. Табиий иқлим хусусиятлари бўйича бундай иқлимли ҳудудлар халқаро илмий тилда арид зоналар-минтақалар деб аталади. Мамлакатимизнинг арид иқлимли минтақаларига Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг катта ҳудудлари киради. Энг «чўлли» ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳисобланади. Шунингдек, Сирдарё вилояти ҳам типик чўллар ҳудудига (Мирзачўл) киради.

Юқоридаги вилоятлардан кейинги ўринларда Қашқадарё (Қарши чўли), Сурхондарё (Сурхон-Шеробод чўли), Самарқанд (Қарнабчўл) ва Жиззах туради. Кичик ҳажмдаги чўллар Тошкент (Далварзин), Хоразм (Ўнг соҳил, Тупроққалъа массиви) ва Фарғона массивида ҳам бор. Жумладан, Марказий Фарғона чўли Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг бири-бирига туташ ҳудудлари-қишлоқ туманларини (Ёзёвон, Улуғнор, Бўз, Мингбулоқ ва бошқ..) бирлаштиради.

Ўзбекистон қадимги тараққиёт мамлакати. Унинг ҳудудида археологик ва меъморчиликга оид минглаб ёдгорликлар сақланиб қолган, илмий марказлар ва музейларда ўлканинг кўп асрлик тарихидан гувоҳлик берувчи кўп миқдордаги қўлёзма ва ашёлар сақланмоқда. Ўзбек халқининг тарихи ушбу ҳудудда яшаган инсоният жамияти тарихининг энг қадимги даврларидан бошланиши тарихидан исботланган.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди ибтидоий одамлар томонидан фаол ўзлаштирилган ерлардан ҳисобланади. Ибтидоий одам яшаганлигининг содда меҳнат қуроллари, турар жойлар ва вақтинчалик манзилгоҳлар кўринишидаги излари тоғлиқ жойлардан тортиб Қизилқум чўллариғача қадар чўзилган турли минтақаларда топилган, қайд этилган.

Чўлларимизда аҳоли асосан қишлоқлар ва овулларда яшашади. Шу сабабдан бу қишлоқларда яшаётган халқларнинг мозийнинг асрлари давомида сақланиб, ардоқланиб келинаётган, бири-бирига ўхшамаган, такрорланмас ҳаёти, яшаш тарзи, миллий урф-одатлари, миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариши, миллий маданияти ва миллий ўйинлари, миллий қадриятларини кўриш, ўрганиш ўзликимизни англашда жуда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, ватанимизнинг тарихи, маданияти, иқтисодиёти, маънавий-маърифий ҳаёти чўллардаги қишлоқлар ва уларнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ватанимизнинг Биринчи Президенти

И.А.Каримов-«Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаравон бўлади»⁴ - деб таъкидлаган эди.

Ҳозирда Ўзбекистонда 10865 та қишлоқлар бор. Қишлоқларнинг таснифи бўйича қишлоқлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади⁵:

- Майда қишлоқлар-аҳоли сони 500 кишигача;
- Кичик қишлоқлар-500-1000 киши;
- Ўрта қишлоқлар-1000-3000 киши;
- Катта қишлоқлар-3000-5000 киши;
- Йирик қишлоқлар-5000 кишидан зиёд.

Ўзбекистоннинг қуруқ иқлимли чўл ва адир ҳудудларидаги қишлоқлар қайд қилинган таснифдаги биринчи гуруҳга-майда қишлоқларга киради. Адирларимизда Республикамиздаги Жом, Чиял каби жуда катта қишлоқлар ҳам жойлашган.

Монографиянинг мақсади-Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш ҳисобланади .

Монографиянинг вазифалари:

- Ўзбекистон чўлларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантириш давлат аҳамиятига молик долзарб масалалардан эканлигини асослаш;
- Чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон чўлларида туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий асослари ва давлат томонидан қувватланишининг зарурийлигини асослаш;
- Чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришдаги муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги туристик ресурсларнинг умумий рўйхатини тайёрлаш, уларнинг манзиллари географиясини аниқлаш ва тариф-тавсифларини, таснифларини яратиш;
- Чўл минтақаларида туризмнинг истиқболли турларини ривожлантиришнинг имкониятлари ва салоҳиятларини белгилаш;
- Чўл минтақаларида туризм тадбиркорлигини ва фаолиятини ташкил қилиш ва туристик ресурслардан фойдаланиш моделини яратиш;
- Чўл минтақаларидаги туристик ресурсларга туристик маршрутлар ва маршрутларнинг рекламасини яратиш.
- Чўл минтақаларида туризмнинг истиқболли турларини ривожлантириш харитаси ишлаб чиқиш;
- Чўл минтақаларидаги туристик ресурсларнинг ва улардан туризмда фойдаланиш харитаси ишлаб чиқиш;

⁴.Каримов И.А.,Ўзбекистон конституцияси-биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқоралик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир.Халқ сўзи ,2009 йил 6 декбр.

⁵.Солиев А.,Назаров М.,Ўзбекистон қишлоқлари.Тошкент. «Фан ва технология»,2009,210 б.

Адабиётларни ўрганишдан маълум бўлдики, Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш масалалари мавзусида санокли илмий мақолалар эълон қилинган⁶. Ушбу маълумотлар билан танишишнинг ўзиёқ Ўзбекистон чўлларида туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятлари мавжудлигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Чўл минтақаларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги туристик фирмалар, туристик ташкилотлар ва туризм тадбиркорлари фойдаланиши мумкин.

1.2. Ўзбекистоннинг чўлларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш концепцияси

Концепция сўзи-асосий фикрлар тўплами, қарашлар тизими деб таржима қилинган. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳар қандай соҳалари, тармоқлари ўзининг «Ривожлантириш концепцияси» га эга бўлиши керак. Яъни «Ривожлантириш дастури» -режаси асосида ўзининг тараққиёт йўлини белгилаб олгандагини ривожлантиришга мўлжалланган соҳа ёки тармоқ истиқболда муваффақият билан ривожланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантириш концепцияси дейилганда мамлакатимизнинг миллий туризм соҳасининг мақсадларидан келиб чиқадиган, катта муддатларга мўлжалланган, ташкил қилинадиган ва ривожлантириладиган соҳанинг аҳоли ва истеъмолчилар учун самарали фаолият кўрсатишга қаратилган янги ғоялар тизими тушунилади.

I. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида туризмни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ватанимизда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари ва қарорлари ва «Туризм

⁶.Хаитбоев Р., Толипова Л., Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида туризмни ривожлантириш масалалари. СамИСИ илмий анжумани материаллари,Самарқанд,2008,8-10 май.; Хаитбоев Р., Бобоев Ш., Ўзбекистоннинг чўл ва адирларидаги туристик ресурсларнинг таснифи ва тавсифи. Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Республика аънавий илмий-амалий конференцияси материаллари. (VI-қисм). Самарқанд-2015, 20-21 феврал,102-105 б.; Хаитбоев Р., Хамитов М., Ўзбекистоннинг чўлларида ва адирларида туризм фаолиятини ташкил қилишдаги вазифалар. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика аънавий илмий-амалий конференция материаллари, IV-Қисм, 2017 йил 24-25 феврал, Самарқанд-2017, 76-81 б.; Хаитбоев Р., Хайдаров О., Чўлларимиздаги сардобалардан фойдаланишдаги устивор вазифалар. “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги республика аънавий илмий-амалий конференция материаллари, IV-Қисм, 2017 йил 24-25 феврал, Самарқанд-2017, 88-93 б.;Хаитбоев Р.,Бойназаров У., Ўзбекистон чўлларида туризмни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари. “Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман” Материаллари,IV-қисм, Самарқанд-2017 йил 25-27 май, 180-185;

тўғрисида» ги конунга мувофиқ ҳолда белгиланиши лозим. Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантиришнинг концептуал йўналишларида Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантириш дейилганда-«Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантириш» масалалари ва муаммолари тушунилса миллий туризмни ривожлантиришда истиқболли йўналишларни танлаган бўламиз.

1.1. Биз биринчи навбатда, мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришга жадал киришишимиз ва бу йўналишда қишлоқ туризмни ривожлантириш тадқиқотларини бошлашимиз ҳозирги туризмни ривожлантиришдаги энг муҳим, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги 4 млн. аҳолининг асосий қисми чўллардаги қишлоқ ва овулларда яшашади.

1.2. Мавзунинг долзарблиги, биринчидан, Ўзбекистоннинг асосий ҳудудларини эгаллаган чўл ва адир минтақаларида туризмнинг ривожлантиришнинг объектив зарурлигининг юзага келиб чиқгани, иккинчидан, ватанимизнинг миллий туризмида бу долзарб масала ҳамон четда, эътиборсиз ҳолатда қолаётганлиги, учинчидан, туристик ресурсларга бой бу ҳудудлардан туризмда фойдаланиш йўналишида илмий-амалий тадқиқотларнинг, тажрибаларнинг умуман бошланмаганлиги ҳам, Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг концепциясини ишлаб чиқишни талаб қилади.

II. Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида туризмни ривожлантиришда илмий-тадқиқотлар қуйидагиларни қамраб олишлари лозим:

2.1. Ўзбекистоннинг чўл ва адир ҳудудларидаги туристик ресурсларнинг умумий рўйхатини тайёрлаш, уларнинг манзиллари географиясини аниқлаш ва тариф-тавсифларини яратишдаги илмий-тадқиқотларни амалга ошириш;

2.2. Бу йўналишда туризм таълимидаги фанлардан курс ишларининг, бакалавр битирув ишларининг ва магистрлик диссертацияларининг мавзуларини чўл ва адир ҳудудларида туризмни ривожлантириш масалаларига, муаммоларига йўналтириш мақсадли илмий-тадқиқотлардан ҳисобланади.

2.3. Туризм соҳасига мутахассислар тайёрлаётган кафедраларнинг илмий-тадқиқотларига Ўзбекистонда қишлоқ туризмни ривожлантириш мавзуларини киритиш ҳам мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда самарали йўналишлардан ҳисобланади.

III. Ўзбекистоннинг чўл ва адир ҳудудларидаги туристик ресурсларнинг умумий рўйхатини яратишда ҳозирда туризм таълими йўналишида бакалавр ва магистрлар тайёрлаётган институт ва университетларнинг профессор-ўқитувчилари, бакалаврлари ва магистрлари салоҳиятларидан фойдаланиш;

3.1. Бу йўналишда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг чўл ҳудудларидаги туристик ресурсларни рўйхатга олишни Урганч Давлат университети зиммасига, Бухоро ва Навоий вилоятлари

чўлларидаги туристик ресурсларни рўйхатга олишни Бухоро Давлат университети зиммасига, Самарқанд вилояти чўлларидаги туристик ресурсларни рўйхатга олишни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти зиммасига, Қашқадарё вилоятидаги чўл ва адирлардаги туристик ресурсларни рўйхатга олишни Қарши муҳандислик университети зиммасига, Сирдарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги чўл ва адирларидаги туристик ресурсларни рўйхатга олишни «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси»га ушбу вилоятларидаги «Бошқармалари» зиммасига қарор билан топшириш кутилган натижаларни беради.

3.2. Бу ишларни амалга ошириш учун мамлакатимизда туризм мутахассислари тайёрлаётган Тошкент иқтисодиёт университети, Бухоро давлат университети, Урганч Давлат университети, Қарши муҳандислик университети ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» билан биргаликда «Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида туризмни ривожлантиришнинг «Давлат дастури»ни ишлаб чиқиши лозим бўлади. Дастлабки босқичда эса юқорида қайд қилинган университетлар иштирокида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида «Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгаш»ни ташкил қилиш ҳам кутиладиган самараларни бериши аниқ. Чунки, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Республикамизда туризм таълими йўналишидаги асоосий ва кўп сонли мутахассисларни тайёрлаётган ва шу билан бирга туризм таълимидаги таянч институт ҳисобланади.

IV. Чўлларда, адирлардаги туристик ресурслардан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий меъёрлари билан бирга ишлайди. Яъни чўл ва адирларда туризмни ривожлантириш учун алоҳида ҳуқуқий- меъёрлар қабул қилиш талаб қилинмайди. Фақат чўллар ва адирлардаги туристик инфратузилмалар ҳозирча туманлар ва шаҳарлардаги туристик инфратузилмалар, хизматлар кўрсатиш шароитларидан анча орқада ҳисобланганлиги учун дастлабки вақтларда бу улкан ҳудудларда дастлабки туристик инфратузилмалар яратиш талаб қилинади. Бунинг учун эса қуйидаги ташкилий ишларни амалга ошириш зарур бўлади;

4.1. Чўл ва адир ҳудудларидаги туманлар ҳокимликларининг ташаббуслари ва уларнинг харажатлари ҳисобига чўлликларни «туризм соҳаси»га ўқитиш ишларини бошлаш;

4.2. Туризмни ташкил қилиш йўналишида шаҳарлардаги туристик фирмалар раҳбарлари, меҳмонхона хўжаликлари раҳбарлари ва туризм мутахассислари иштирокида тарғибот ишларини бошлаш;

4.3. Туризм бизнесини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқ буклетларини, ахборот varaқаларини бепул тайёрлаш ва тарқатишни ташкил қилиш;

4.4. Туризм соҳасига чўллик тадбиркорларни бепул ўқитиш ва тайёрлаш ишларини бошлаш;

4.5. Давлатимизнинг туризм соҳасидаги фармонлари ва қарорларидаги имтиёзлар ва енгилликлар билан чўлликларни доимий таништириб бориш;

4.6. Чўллик туризм тадбиркорларига туристик фаолиятлар учун лицензиялар ва сертификатлар олишда амалий ёрдам бериш;

4.7. Чўллик туризм тадбиркорларига имтиёзли кредитлар олишига ёрдам бериш;

4.8. Чўл ҳудудларида хусусий меҳмонхоналар ва туристик инфра тузилмалар яратиш лойиҳаларини тайёрлашда амалий ёрдам бериш;

4.9. Чўл ва адир ҳудудларида туризмни ривожлантириш йўналишида давлат грантларини ташкил қилиш;

4.10. Чўл ва адир ҳудудларида туризм таълимида мутахассислар тайёрлаётган институт ва университетларнинг малакавий амалиётларини ўтказувчи доимий «туристик лагер»ларини ташкил қилиш;

4.11. Университет ва институтларнинг бакалаврият ва магистратурасини давлат грант таълими бўйича битирган ёш мутахассисларни дастлабки мажбурий хизматларини ўташи учун чўл ва адир ҳудудларида фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар ва меҳмонхоналар хўжаликларида ишга жойлаштиришни амалга ошириш;

4.12. Мамлакатимиз марказий телекўрсатувларида ва доимий матбуотда чўл ва адир ҳудудларида туризмни ривожлантириш масалаларини, муаммоларини доимий ёритиб боришни ташкил қилиш.

V. Чўл ва адир минтақаларида 3 та табиат кўриқхоналари жойлашган ва бу кўриқхоналар чўллар ва адир минтақаларида туризмни дастлабки ташкил қилиш ва ривожлантиришни бошлашда муҳим туристик ресурслар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Матбуот хабарларидан маълумки, чет эллик туристлар биринчи навбатларда табиат кўриқхоналаримизга қизиқишмоқда. Бу кўриқхоналардан туризмда фойдаланишга рухсат берилиши натижасида чўлларимизда туризмнинг ривожланиши жадаллашади. Чунки, кўриқхоналари миз табиатига халқимизнинг қизиқиши ҳам жуда кучли ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг чўллари ва адирларида экотуризмни ривожлантиришда яна бир салоҳиятли экотуристтик объектларнинг бири-табиат Буюртмахоналари ҳисобланади⁷. Ватанимизда турлари камайиб кетаётган ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиий ландшафтларни маълум бир муддатларда муҳофаза қилувчи 10 та табиат буюртмахоналари (Заказниклари) бор. Ушбу табиат буюртмахоналари нинг барчаси ватанимизнинг чўл ва адирлари ҳудудларида жойлашган. Чўллар ва адирларда табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан фойдаланиш бу ҳудудларда экотуризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиши имкониятлари жуда катта. Чўллар ва адир минтақаларидаги табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан фойдаланиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришимиз керак бўлади:

5.1. Чўл ва адир ҳудудларидаги табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан экотуризмда фойдаланиш бу кўриқхоналар ва

⁷. Фуломов П., ва бошқ., Туркистон табиий географияси. Тошкент, 2000, 192 б.

буюртмахоналарга фақат ижобий натижалар келтирилишини ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан асослашни ташкил қилиш.

5.2. Чўл ва адир минтақаларидаги кўриқхоналар ва буюртмахоналарнинг табиати, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси тоғолди ва тўқайзорлар табиати билан улашиб кетиши натижасида мажмуали экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқишнинг салоҳиятли ресурслари борлигини асослаш ва уларнинг ички ва халқаро туризмга мўлжалланган рекламаларини ишлаб чиқиш.

5.3. Табиат кўриқхоналари ва буюртмахоналарига ички ва халқаро туризмга мўлжалланган туристик маршрутларни ишлаб чиқиш.

5.4. Табиат кўриқхоналари атрофларида ёзги туристик инфратузилмаларни ташкил қилиш муаммоларини ҳал қилиш.

5.5. Чўл ва адир ҳудудларидаги кўриқхоналар ва буюртмахоналардан экотуризмда фойдаланиш натижасида ушбу кўриқхоналар ва буюртмахоналар атрофларидаги қишлоқ ва овуллардаги маҳаллий аҳолида туризм тадбиркорлигининг юзага келиши ва кўриқхоналар, буюртмахоналарнинг ҳам моддий жиҳатлардан манфаатдор бўлишлигини асослаш.

5.6. Чўл ва адирлардаги табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан ички экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш халқимизнинг экологик билими, экологик маданиятини ва экологик онгини шакллантиришда давлатимиз миқёсида ва халқаро миқёсларда зарурий талаблардан эканлигини асослаш.

VI. Ўзбекистоннинг чўллари ва адир минтақаларида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш йўналишида қуйидаги масалаларнинг ечимларини топиш талаб қилинади:

6.1. Чўллар ва адир минтақаларидаги туманлар ҳокимликларининг ва чўллар ва адир минтақаларидаги кон-қазлов бирлашмаларининг маблағлари ҳисобига дастлабки туристик фирмаларни ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини яратиш.

6.2. Чўл ва адир ҳудудларида кичик ҳажмли меҳмонхоналар қурилишига имтиёзли кредитлар ажратишни асослаш.

6.3. Чўл ва адир ҳудудларида миллий овқатлантириш тизимларини яратишда кичик ҳажмли ресторанлар ва овқатлантириш корхоналарининг макетларини тайёрлаш ва амалиётга жорий қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

6.4. Давлатимизнинг туризмни ривожлантиришга ажратилган маблағларининг бир қисмини чўлларда туризмни ривожлантириш лойиҳаларига йўналтириш.

6.5. Чўллар ва адирларимизда жойлашган туман ва вилоят ҳокимликларининг туманлар ва вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режаларига туризмни ривожлантириш режаларини, лойиҳаларини қўшишнинг мажбурий меъёрларини яратиш.

6.6. Чўлларда туристик фаолиятни бошлаган тадбиркорларни рағбатлантириш тизимларини яратиш.

6.7. Шаҳарлардаги иқтисодий кучли туристик фирмалар ва туристик ташкилотларнинг чўл ва адирлар туризмни ривожлантиришдаги ҳомийлигини ташкил қилиш.

6.8. Чўллар ва адир минтақаларидаги туристик ресурсларнинг (объектларнинг) салоҳиятини ички ва халқаро туризмда фойдаланиш даражаларини аниқлаш, ушбу даражаларда туристик ресурсларга туризм маршрутларини ва бу маршрутларнинг рекламаларини яратиш.

Чўллар ва адир минтақаларида туризмни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ҳақида юқорида қайд қилинганлардан ташқари бу бепаён ҳудудлардаги туристик ресурслардан туризмнинг турлари бўйича фойдаланиш масалаларини, йўналишларини ҳам белгилаш мумкин. Лекин бу табиий минтақаларда туризмни ривожлантиришнинг дастлабки концептуал йўналишлари асосан туризмни ташкил қилиш йўналишларини қамраб олиши бизнингча тўғридек ҳисобланмоқда. Чўллар ва адир минтақаларида туризмни ривожлантиришни бошлаганимиздан сўнг унинг барча муаммоларию, долзарб масалалари бирин-кетин ўз ечимларини топиб бораверади.

Туризм муракаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан, ташкилий-иқтисодий механизмлардан иборат бўлганлиги учун бу ҳудудларда туризмни ривожлантиришнинг давлат миқёсидаги дастури ва стратегик режалари ишлаб чиқиши лозим. Бу ўринда биз албатда Европа давлатларининг қишлоқ туризмни ривожлантириш давлатнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ижтимоий-иқтисодий ёрдамсиз амалга ошириши анча қийин кечиши бўйича тажрибаларини яна бир бор эслашимиз лозим бўлади.

Шу ўринда ватанимизнинг чўллари ва адирларидаги туристик ресурслардан фойдаланиб, бу улкан минтақаларда туризмни ривожлантириш орқали минглаб иш ўринларини яратиш, чўл туризми тадбиркорлигини ташкил қилишдек истиқболли йўналишларга мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга маъсул бўлган Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташаббускорлиги, давлат аҳамиятига молик ушбу муҳим янги йўналишни ўз вақтида англаб олиши ва барча ташкилий ишларга раҳбарлик қилиши талаб қилинмоқда.

Бунинг учун Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасидаги давлат ваколатларидан ўз вақтида унумли фойдаланиши, Республикамиздаги вилоятларидаги “Бошқармалари”нинг фаолиятларини кучайтириши, мавжуд маблағларини, айниқса хорижий инвестицияларни чўллар туризмни ривожлантиришга мақсадли йўналтириши, чўлларда туризми соҳасини ривожлантиришдан манфаатдор бўлиши ва уни ташкил қилишда бош ҳакам ҳам бўлиши, ватанимизда миллий туризмни ривожлантиришда улуғ ишларни амалга ошириши талаб қилинмоқда.

1.3. Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий аҳамияти

Ғарбий Европа давлатларида қишлоқ туризмини ривожлантириш қайд қилганимиздек давлат сиёсатига молик масала деб қаралади. Чунки, бу давлатлар ҳар бир қишлоқни унинг маданий, моддий ва табиий ресурслари, маданий ландшафтлари, қишлоқ ҳаёти ва бошқа ресурсларни нодир, бетакрор деб қабул қилишга ўрганган. Ғарбий Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантириш билан бирга ўз мамлакатининг энг муҳим, жиддий ва долзарб ижтимоий–иқтисодий муаммоларини ҳал қилади. Бу долзарб муаммолари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқларда иш билан бандликни ҳал қилиш;
2. Қишлоқ аҳолисининг иқтисодини кўтариш;
3. Қишлоқда ишлаб чиқаришни кўпайтириш;
4. Шаҳарликларнинг руҳий, жисмоний дам олишини таъминлаш;
5. Қишлоқ маданияти, урф–одати ва табиатини муҳофаза қилиш.

Европа давлатлари ўзларидаги қишлоқларнинг туризмда фойдаланиш имкониятларига қараб қишлоқ туризмини ривожлантириш стратегик режаларини ишлаб чиқадилар ва қишлоқ туризмини бир хил усул ёки шаблонда ривожлантиришга йўл кўйишмайди. Қишлоқлар жойлашган табиий минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, табиий ресурслари, туризмда фойдаланишдаги имкониятлари ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам Европа Иттифоқи қишлоқ туризмини Европа давлатларидаги ривожланишини мувофиқлаштириб бошқариб боровчи “УмумЕвропа Лидер” ташкилотини доимо қувватлайди ва молиявий ёрдамлар беради.

Энг муҳими шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кўтаришнинг давлат дастурларини тузишган. Бу дастурлар қишлоқларни мажмуали ривожлантириш режаларига асосланган бўлиб қишлоқ туризмини ривожлантириш замирида қишлоқлар аҳолисини иш билан таъминлаш, қишлоқларда ишлаб чиқаришни кучайтириш, шаҳар аҳолисини қишлоқларга дам олиш мақсадларида йўналтириш масалалари ҳал қилинмоқда.

Фақат бир нарсага эътибор беришимиз зарурки, мамлакатимиздаги қишлоқларнинг аҳолиси туризмнинг тартиб-қоидалари ва жараёнларидан мутлақо ҳабарсиз ҳолда. Туризм тўғрисида қишлоқларимизда ҳеч қандай ташвиқот ёки таништирув ишлари амалга оширилмасдан келинмоқда. Туризм ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганганимизда маълум бўлдики, бу давлатлар дастлаб ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар. Шу сабабли, бу давлатлардаги кўплаб оилалар туризм соҳасига оила бюджетидан маблағлар ажратишадилар.

Биз қишлоқ туризмини ривожлантириш учун дастлаб давлат аҳамиятига молик бўлган “Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишимиз керак. Чунки, ҳозиргача қишлоқ туризмини ривожлантириш ҳақида катта-кичик ҳажмдаги тадқиқотларни ҳам бошлаганимиз йўқ. Масалан, Франция давлатида 1971-йилдан “Туризм ва қишлоқ жойлари” ассоциацияси, Англияда «Туризм ва қишлоқларни ривожлантириш агентлиги» 2000-йилдан, Австрияда 1991-йилдан “Австрия

фермерлик туризми ассоциацияси” мувафақият билан ишлаб келмоқда. Бу ташкилотларнинг иш услубини ўрганганимизда улар биринчи навбатда “туризмнинг қишлоқларга юриши” дастурини амалга оширганлар ва бу дастурни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқдалар.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилганимизда мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда биринчи навбатда «Ўзбекистонда туризми ривожлантириш давлат қўмитаси» таркибида “Қишлоқ туризмини ривожлантириш” бўлимини ташкил қилишимиз лозим бўлади. Бундан кейин, «Ўзбекистонда туризми ривожлантириш давлат қўмитаси»нинг вилоятлардаги бўлимлари ҳам, вилоят ҳокимликлари ва туман ҳокимликлари ўз таркибларида қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича туристик штатлар очиши қишлоқ туризмини ривожлантиришда мақсадли йўналиш бўлади. Бу бўлимлар ва туристик штатлар қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириши зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Туризмсоҳасида талаб ва таклифлар мувозанатини мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги имкониятлар бўйича тенг тақсимлаш ва такомиллаштириш.

2. Ҳудудлар даражасида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг кам чиқимли, камомадсиз ҳолатига эришишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш.

3. Қишлоқларимиздаги туристик маҳсулотларнинг турларини ва сифатларини кўтариш.

4. Қишлоқларнинг табиий ва агроландшафтларини муҳофаза қилиш тизимларини ишлаб чиқиш.

5. Қишлоқларда туристик фирмаларни ташкил қилиш ва туристик фирмаларга ходимлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш.

6. Қишлоқ туризмида ҳамма учун имкониятли бўлиши шароитларини яхшилаш.

7. Қишлоқ атроф муҳитини туризмга тайёрлаш.

8. Қишлоқ туризмдан келган даромадни қишлоқ аҳолиси ўртасида тенг тақсимлаш тизимини ишлаб чиқиш.

9. Ҳар бир фермер хўжалигининг қишлоқ туризми билан шуғулланиш шароитларини яратиш.

10. Қишлоқ туризмини ғаройиб миллий туристик маҳсулот ўрнида кўриш.

11. Қишлоқ туризмнинг менежменти ва маркетингни ташкил қилиш ва талаб-таклиф, истеъмолчи тизимидаги стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Чўл минтақаларида туризми ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий–иқтисодий аҳамиятини белгилаганимизда қуйидаги имкониятларнинг, ҳолатларнинг келиб чиқишини албатда ҳисобга олишимиш керак:

1. Чўлнинг қишлоқларида, овулларида янги иш ўринлари пайдо бўлиши имкониятлари юзага келади.

2. Чўл ҳалқида туризм соҳасида тадбиркорликга қизиқиш ҳосил бўлади.

3. Чўл халқининг қишлоқ хўжалик ва миллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини туристлар сотиб олади.

4. Маҳаллий бюджетга валюта туша бошлайди.

5. Чўлнинг қишлоқларида, овулларида туризм инфратузилмалари яратила бошланади.

6. Чўллар табиатини ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишда иқтисодий манбалар ҳосил бўла бошлайди.

Маълумки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳамда унинг жаҳон миқёсида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида туризм соҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги барча туристик ресурслар ва туризм инфратузилмалари бир текис ишлаганда туризмнинг самарадорлиги кучаяди. Шул нуқтаи-назардан Ўзбекистоннинг улкан майдонларини эгаллаган чўл минтақаларида туризмни жадал ривожлантиришга киришиш ҳозирги давр талабларидан бирига айланмоғи лозим.

Ҳозирга келиб туризм жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётининг асосларини ташкил қилмоқда. Туризм дунёдаги йирик экспорт соҳаларининг-нефт қазиб олиш саноати ва автомобил созлик саноатидан кейин учинчи ўринни эгаллаган соҳага айланди. Кўплаб соҳалар бўйича дунёда энг рентабелли йўналиш ҳисобланади. БТТ маълумотлари бўйича туризм жаҳондаги 40% давлатлар иқтисодининг асосини ташкил қилиб биргина меҳмонхона хизматларида 200 млн. кишини иш билан таъминлаб турибди, 80% давлатларнинг иқтисодида 5 йўналишдаги сердаромад соҳа ҳисобланмоқда.

Ғарбий Европа давлатларида халқаро ва ички туризм соҳаси шиддат билан ривожланмоқда. Бу регионда халқаро туризмнинг ҳиссаси 60%ни ва валюта тушумларининг ҳиссаси 50% ни ташкил қилмоқда. Бундай кўрсаткичлар Осиё-Тинч океани регионида 17% ва 20% ни, Америкада 17% ва 24% ни ва Яқин Шарқ мамлакатларида 8% ва 5% ни ҳосил қилади.

Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг ҳисоб-китоблари бўйича 2020 йил ларгача халқаро туризмнинг ўсиши 4,1% ни ташкил қилади, Жумладан, қуйидаги туризм регионлари бўйича: Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳавзаларида-6,1%, Жанубий Осиёда-6,5%, Яқин Шарқда 7,1%га тенг бўлади

Келтирилган башоратлардан маълум бўлмоқдаки, қитъамиздаги туризм ўсиши албатда туристик ресурслар салоҳияти бўйича кучли давлатлар қаторига кирувчи мамлакатимизга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Хусусан, халқаро туризм дунёнинг бошқа мамлакатлари билан амалга ошириладиган интеграция жараёнларида муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмайди. Чунки, мамлакатимиз жаҳон туризмнинг ноёб макону-манзилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг халқаро туризми-бу туризм соҳасидаги ташкилотларнинг, туристик фирмаларнинг ва туристик бошқарувларнинг мақсадлаштирилган ва тизимлаштирилган туристик хизмат ва туристик маҳсулотларни чет эл туристларига Ўзбекистон ҳудудида таклиф этиш (қабул тизими) ва чет элга

туристик хизмат ва туристик маҳсулотларни таклиф(жўнатма туризм) этиш билан боғлиқ фаолиятдир.

Мамлакатимиз ҳудудларидаги барча туристик ресурслар ва туристик инфратузилмалар бир текис ишлаганда халқаро туризмнинг ҳам ички туризмнинг ҳам самарадорлиги кучаяди. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистоннинг улкан ҳудудларини эгаллаган чўл ва адир минтақаларида туризмни жадал ривожлантириш вақти келди. Юқорида қайд қилинган маълумотлар, таҳлиллар ва мулоҳазалар чўл ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ва мамлакатимизнинг чўлларида ҳам ички ва халқаро туризмни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти дейилганда жуда кўплаб фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин. Дастлаб қайд қилиш лозимки, халқаро туристлар оқимининг кучайиши мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаётнинг барқарорлигидан, халқаро туристларнинг ватанимизда эркин туристик фаолияти таъминланганлигидан, уларга кўрсатилаётган хизматларнинг меҳмондўстлик талаблари асосида ташкил қилинганлигидан ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистонда халқаро туризм фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрлари яратилганлиги, халқаро туристларнинг ватанимизда эркин туристик фаолиятда бўлишликларининг халқаро қонуний актлари яратилганлиги ҳам халқаро туризмни мамлакатимизнинг барча табиий географик минтақаларида, вилоятларида ва туманларида янада ривожлантириш имкониятларини келтириб чиқаради ва мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида халқаро туризмни ривожлантиришнинг аҳамиятини белгилаганда қуйидагиларни эътиборга олишимиз мумкин:

- Давлатимизнинг халқаро миқёслардаги обрўсини оширади;
- Мамлакатимиз иқтисодиётига валюта тушумлари кўпаяди. Шу билан бирга халқаро туристлардан маҳаллий хизматлар кўрсатувчилар ҳам валюталарни оладилар;
- Туристик инфратузилмаларнинг комфортлилик даражаларини халқаро талаб даражаларига кўтаради;
- Ўзбекистон халқлари кўплаб чет элликлар билан танишадилар, ўзаро, оилавий ҳамдўстлик алоқалари келиб чиқади;
- Янги иш ўринлари кўпаяди;
- Саноатда ва қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш кучаяди. Бу маҳсулотларнинг сифати халқаро даражаларга кўтарилади;
- Халқаро миқёсдаги барча туристик ресурслар-объектлар таъмирланади, кўкалазорлаштирилади, ободонлаштирилади;
- Ўзбекистонликларнинг миллий меъроси бойликлари, миллий маданияти, санбати ва миллий анъаналари жаҳондаги кўплаб давлатларда таниладилар;
- Миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кучаяди;
- Транспорт-коммуникация тармоқлари хизматлари яхшиланиб боради;

- Туризм хизматларининг турлари кўпаяди ва сифатлари халқаро талаблар даражаларига кўтарилиб боради;
- Ўзбекистон туризмига хорижий инвестициялар кириб келишига шароитлар ва имкониятлар яратади;
- Хорижий давлатларнинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги халқаро лойиҳаларида ишлаш, ҳамкорлик қилиш имкониятлари келиб чиқади;
- Меҳмонхоналар хўжаликларида хизматларнинг тури кўпаяди, сифатлари ошади, комфортликлари кўтарилиб боради;
- Халқаро туристларни овқатлантириш хизматлари яхшиланиб боради, миллий таъомларни тиклаш ва сифатли тайёрлаш кучайиб боради;
- Халқаро даражалардаги туристик ресурсларимизнинг, объектларимизнинг довруғи дунё халқларига тарқалади;
- Халқаро туристик маршрутлар яратиш талаблари келиб чиқади;
- Халқаро туризм рекламаларини ишлаб чиқиш кучаяди;
- Халқаро туризмни ривожлантириш йўналишларига иштисослашув такомиллашиб боради;
- Меҳмонхона хўжаликларида хизматларнинг баҳоларини арзон, ўрта, қиммат, жуда қиммат(люкс) даражаларига мослаштириш талаблари келиб чиқади;
- Ўзбекистон халқаро туризмида туристларни қизиқтирувчи аосий турлар, йўналишлар умумий туризмдан ажралиб чиқиб такомиллашиб боради;
- Халқаро туроператорлар тайёрлаш талаблари келиб чиқади;
- Халқаро туристик марказларни ташкил қилиш талаблари келиб чиқади.

Мамлакатимизнинг чўлларида халқаро туризмни ривожлантиришда, янги истиқболли йўналишларни ташкил қилишда халқаро экотуризм оқимини ташкил қилиш миллий туризмдаги энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиши ҳеч шубҳасиздир. Чунки, халқаро экотуризм ривожланишини таҳлил қилганимизда халқаро экотуристлар биринчи навбатларда миллий паркларга, табиат қўриқхоналарига ва табиат буюртмахоналаридаги бетакрор табиий лашдшафтларга, биологик хилма-хил ресурсларга ва эндемик ўсимликлар ва ҳайвонот турларига қизиқмоқдалар. Халқаро экотуризмдаги иккинчи йўналиш эса давлатлардаги «Халқаро қизил» китобдаги ўсимликлар ва ҳайвонот оламига қизиқмоқдалар. Халқаро экотуризмдаги учинчи йўналишда экотуристлар ҳар бир давлатлардаги халқаро биосфера миллий паркларига, резерватларига ва алоҳида муҳофазадаги табиий ҳудудларга қизиқмоқдалар. Уларни қизиқтирадиган экотуристтик ресурсларнинг барчаси чўлларимизда мавжуд ҳисобланади.

1.4. Чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлашининг зарурлиги

Чўл минтақаларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантиришни қуйидаги уч босқичда босқичда амалга ошириш мумкин:

Биринчи босқич-Чўлларда туризм соҳасини ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини, дастлабки ташкилий-иқтисодий жараёнларини давлат ўз зиммасига олиши.

Иккинчи босқич-Чўл минтақаларининг табиий экологик иқлим шароитларини ҳисобга олиб, туризм географиясининг усуллари асосида янги туризм ҳудудларини ва марказларини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда давлатнинг қўллаб-қувватлашининг зарурлиги.

Учинчи босқич-Янги туризм ҳудудларини ташкил қилишда туризм соҳаси ривожланган хориж давлатларининг тажрибаларини, технологияларини кўриб чиқиш ва Ўзбекистон чўллари шароитларида қўллаш имкониятларини амалга оширишда давлатнинг қўллаб-қувватлашининг зарурлиги.

Биринчи босқичда-Давлатимиз Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратиши керак. Бунинг учун Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилган Фармонлар ва Қарорларга «Чўл минтақаларида туризм соҳасини ривожлантириш» банди киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Иккинчидан, давлатимиз томонидан «Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ривожлантириш Дастури» ишлаб чиқилиши талаб қилинади. Бу чора тадбирлар шунинг учун ҳам ишлаб чиқилиши лозимки, Ўзбекистоннинг 70% ҳудудларини эгаллаган чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш маданий минтақаларга нисбатан кескин фарқ қилади.

Иккинчи босқич-Ушбу монографиянинг кириш қисмида Ўзбекистонда туризм соҳасининг анча даражаларда нотекис ривожланаётганлигининг биринчи сабаблари мамлакатимизни туристик районлаштириш амалга оширилмаганлиги дейилганди. Мамлакат ҳудудларини бу ҳудудлардаги туристик ресурслар ва улардан туризмда фойдаланиш имкониятлари бўйича районлаштириш «Туризм географияси» фанининг методлари бўйича амалга оширилади.

Хозирда республикамызда туризмнинг соҳаларини, турларини, ривожланишини, уларнинг ички ва халқаро туризмдаги ўрнини белгилаш, географиясини аниқлаш ва туризмда фойдаланиш даражаларини ишлаб чиқиш юзага чиқмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда туризм географиясини тадқиқ қилиш туризмдаги долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Туризм географияси ҳақида ҳозирча дастлабки тадқиқотлар натижалари эълон қилинди холос^{8,9,10}. Ушбу тадқиқотлар ҳам мамлакатимизнинг вилоятларидаги туризм ресурсларидан фойдаланиш йўналишида амалга оширилди. Ўзбекистондаги туризм таълимида туризм географияси фанининг ҳозиргача ўқитилмаётганлигининг, ташкил топмаганининг албатта объектив сабаблари бор.

⁸. Солиев А., Усманов М., Туризм географияси. Самарқанд, 2005. -131 б.

⁹. Ибодуллаев Н., Фан номозоди олиш учун ёзилган дисс.автореф. Самарқанд, 2011. -22 б.

¹⁰. Матякубов У., Фан номозоди олиш учун ёзилган дисс.автореф. Самарқанд, 2011. -24 б.

Биринчидан, туризм соҳаси мамлакатимиз ҳаётида эндигина шаклланиб келаётган бутунлай янги ижтимоий–иқтисодий соҳа бўлиб бораётганлигидан туризм ривожланиши билан боғлиқ барча илмий ва ишлаб чиқариш соҳаларини, йўналишларини барданига қамраб олиб бўлмайди.

Иккинчидан, ўз–ўзидан маълумки, бу фан бўйича хали республикамызда туризм географиясининг мутахассислари йўқ. Шунинг учун ҳам, биз туризм географиясининг методологияси, методлари ва минтақаланиши мавзусида ушбу фаннинг ўрганиш объекти, предмети ва бу фаннинг шаклланиши, мақсади ва вазифалари, методологияси ва методлари, туризм ривожланишидаги ўрни ҳақида дастлабки тадқиқотларнинг таҳлилий натижаларини келтирамиз.

Ҳар қандай фаннинг бошланиши иккита муҳим саволдан бошланади: 1) нимадан ва 2) қайси усул ва услубиятлардан фойдаланиб ўрганилади?. Фанлар эса бири – биридан ўз олдига қўйилган вазифалар, тадқиқотларнинг усуллари ва атроф муҳитни билиш услубиятларини тадқиқ қилиш билангина фарқланади. Ҳар бир фан воқеъликнинг маълум бир чегараларини ўрганади. Бу чегараларнинг аниқлиги эса дунёда ушбу фан ҳақидаги аниқ маълумотларга асосланади.

Туризм географияси ўзининг махсус тадқиқот объекти ва предметиға эга бўлган фан сифатида шаклланмоқда. Россиялик таниқли географ В.С. Преображенский¹¹ туризм географиясини ижтимоий–иқтисодий география фанларининг ўхшаш йўналиши-ижтимоий ва иқтисодий географиянинг муҳим тармоғи деб атади. Шу нуқтаи-назардан туризм географиясининг маъносини, моҳиятини тушуниш бу фаннинг асоси бўлган ижтимоий–иқтисодий географиянинг тадқиқот объектини ва предметини аниқлашдан бошланмоғи лозим. Лекин, бу масала қарийиб 200 йилдан буён яъни М. В. Ломоносов фанға иқтисодий география атамасини киритганидан буён ҳозиргача мунозарали, тортишувли бўлиб келмоқда.

Ижтимоий географиянинг (жамоавий) билиш предмети ҳудудий жамоавий тизим ҳисобланади. Ҳудудий жамоавий тизим эса жамиятнинг интеграллаштирилган (бир мақсадға бирлаштирилган), жамият ҳаётини вақтинча ташкиллаштирган ҳудудий қайта ишлаб чиқаришиға асосланади.


Ижтимоий географиянинг, яъни жамият географиясининг тадқиқот объекти ва предметини аниқлангандан кейин унинг таъриф ва тавсифини қуйидагича бериш мумкин–, „Иқтисодий ва ижтимоий“ (жамоавий) география аниқ табиий муҳитда жамиятнинг ҳудудий ташкилланишини ўрганади¹². Жамият географиясининг кўплаб тармоқлари табиий география, сиёсий география ва бошқалар жамият ҳаётининг ўзига хос соҳаларини ўрганади. Бу фанларнинг ўз мақсади ва вазифалардан келиб чиққан хусусий ўрганиш объектлари ва предметлари бор.

Туризм географиясининг предмет жиҳатдан мавжудлиги унинг рекреация географияси билан ўзвий боғлиқлигини келтириб чиқаради. Туризм

¹¹.Преображенский В.С. Физико-географические аспекты и проблемы организации отдыха./Географические проблемы организации туризма и отдыха.Выпуск 1.М.Центральное рекламно-информационное бюро «Турист».1975.-28 с.

¹².Александрова А.Ю. География туризма,Москва, КНОРус, 2010,590 с.

географиясининг чегараларини белгилаш, унинг тадқиқот объекти ва предметини аниқлашда туризмни рекреация билан ажратилган ҳолда таҳлил қилган маъқул. Шунингдек, бўш (бекор) вақт, ишдан холи вақт ва дам олиш, тиним, ором олиш (отдых) нинг ўзаро муносабатларини ҳам аниқлаш талаб қилинади. Чунки, бу атамалардан экотуризм, рекреация ва туризм жараёнларини ўрганишда кўплаб фойдаланилади.




1-Чизма. Вақт ўтказишда ижтимоий ва биологик тушунчаларнинг ўзаро нисбати¹³.

Туризмнинг ижтимоий–иқтисодий моҳияти унинг чегарасизлиги, катта оқимдалиги ва ахамияти–туризмдаги – „дам олиш“, „бўш вақт“, „рекреация“, „туризм“ларининг биргаликдаги ёки алоҳида–алоҳида харакатланишларини англатади. Бу қатнишишлардаги туристик фаолиятларда рекреация деярли сезилмайди. „Дам олиш“, „бўш вақт“, „рекреация“ ва „туризм“ тушунчаларини чегаралаш туризм географиясининг бош масаласи, тадқиқот объект ва предметини аниқлашни енгиллаштиради(1-чизма).

Лекин, ҳамма вақт ҳам туристик фаолият рекреация ҳисобланмаганидек, рекреацион фаолият ҳам ҳамма вақт туристик фаолият бўлаолмайди. Масалан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти съездларга, илмий конференцияларга, ишлаб чиқариш йиғилишларига, кўргазмаларга, симпозиумларга қатнашишни хизмат сафари билан боғлиқ ишчанлик туризм деб баҳолаган. Худди шундай фикрларни, яъни туризм, бўш вақт, иш, жиддий дам олиш ва рекреациянинг бир- бири билан бирга аралашган ҳолда туризмни хосил қилиши ва бирга жамланган ҳолда келиши инглиз географлари С.М. Холл ва С.Ж. Пейжларнинг¹⁴ тадқиқотларида ҳам келтирилган (2-Чизма).

¹³.Александрова А.Ю., География туризма.Москва,КНОРус,590 с.

¹⁴.Hall С.М. Page S.J .The Geography of Tourism and Recreation Environment piase and Spase. London-N.Y..Routledge.1999.-256 p.



2- Чизма. Бўш вақт, рекреация ва туризмнинг ўзаро нисбатлари

Туризм географияси туризмдаги одамларнинг ҳар хил фаолиятларини ўрганади. Бу фаолиятлар эса маълум вақтда ва маълум географик макон, манзилда амалга оширилади. Бу фаолият туризмда туристик ҳудуд ва туристик вақт деб аталади. Шунинг учун ҳам, туризм географияси назариясининг асосчиларидан бири С. Р. Ердавлатов¹⁵ рекреацияли ҳудудлар ва туристик ҳудудларнинг бири-бирига тўғри келишини ўз вақтида эътироф этганди. Юқорида қайд қилинган дам олиш турлари мажмуали ҳолда юзага чиқади ёки бир-бири билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Айниқса, саёҳат вақтида бир-бири билан боғлиқ ҳолда бирданига ёки кетма-кетликда амалга оширилади.

География, ижтимоий ва иқтисод, ишлаб чиқаришларнинг илмий тадқиқотларида рекреация, рекреация фаолияти, рекреация жараёни (рекреация муҳити) атамалари кўп ишлатилади. Бу сўзлар меҳнат қилиш хусусиятлари ўзгарганда, жисмоний жиҳатдан энг яхши дам-тинчлик эмас фаолиятнинг ўзгариши деб тушинилганда алоҳида-алоҳида маъноларга эга бўлади. Оғир жисмоний меҳнатдан кейин қувватни тиклаш, тикланиш учун дам олиш асосан яшаш жойида амалга оширилиб келинади, ҳозир ҳам шундай.

Аста-секинлик билан суткалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик меҳнат қилишнинг тўпланиб бориши натижасида инсон ўзини-ўзи авайлаши нуқтаи назаридан дам олишни тобора самаралироқ ўтказишни хоҳлайдиган ва бу “самарали ўтказиш” учун моддий-иқтисодий шароитлар яратилганидан кейин санатория, курортларни танлай бошлайди.

Шунинг учун ҳам туризм тушунчаси рекреация тушунчасига нисбатан ҳам анча тор маънони, тор доирани ҳосил қилади. Демак, инсоннинг барча фаолияти бўш вақт давомида амалга оширилганлигидан ”дам олиш” ёки “дам”

¹⁵.Ердавлатов С.Р.,География туризма,история, теория, методы, практика. Алматы,2000.-232 с.

туризм, рекреация, экскурсия машғулотларидан иборат бўлиб, бу машғулотлар билан уйда ҳам, уйдан бошқа жойда ҳам шуғулланиш мумкин. “Рекреацияда” инсон албатта ўз уйдан рекреация маконига бориши керак. Бу бориш ўзида туризм ва экскурсияни бирлаштиради. Туризм эса дам олиш тури, аниқроғи туризм рекреациянинг бир қисми. Экскурсия ҳам дам олиш, ҳам рекреация + туризм.



3-Чизма. П. Мариотнинг туристнинг танлаган объектига бориши ва қайтишида рекреацияли дам олдириш маршрути.

Шундан маълумки, рекреация географияси аҳоли рекреацион фаолиятининг худудий ташкилланишини ўрганади. Туризм географиясининг тадқиқот предмети эса, инсонлар туристик фаолиятининг худудий ташкилланиши ҳисобланади. Қайд қилинган таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, туризм географияси ижтимоий–иқтисодий (жамоавий) географиянинг муҳим тармоғи, таркибий қисми бўлиб, инсонларнинг туристик фаолиятини худудий ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳақидаги мустақил, алоҳида фан ҳисобланади.

Туризм мутахасисларининг фикрича, туризм географиясининг энг муҳим вазифалардан бири худудларнинг туризмга яроқлилиги ва туризм тизимини худудий ва минтақавий лойиҳалаштиришдир¹⁶. Туризм географиясининг назарий асосларини яратган “туризм географиясининг халқаро моделлари” ўтган асрнинг 1970-1980 йилларида яратила бошланди. Бу моделларнинг муаллифлари Канада, АҚШ ва Европа мамлакатларининг олимлари ҳисобланишади¹⁷. Шунингдек, туристик маршрутларнинг ҳам мажмуали қулайликларга эга бўлган усуллари яратилди.


Дастлабки вақтларда чех олими П. Мариотнинг¹⁸ “саёҳатларнинг рекреацияли маршрути” туризмда жуда оммавийлашган. У биринчилардан бўлиб, туристларни улар хоҳлаган туристик ресурсларга олиб бориш ва дастлабки жойига қайтариш маршрутларида “дам олиш жойларини” ташкил қилишни таклиф қилди (3- Чизма). Бу маршрутнинг қулайлиги шундан

¹⁶.Александрова А.Ю. География туризма.Москва,КНОРус, 2010.-592 с.

¹⁷.Haggett P. Models. paradigms. And the new geography-In: R.J. Chorley. P. Haggett (edc}. Models in geography. London: Methuen. 1967.-p. 19-42.

¹⁸.Александрова А.Ю. бўйича келтирилди. География туризма.Москва,КНОРус,590 с.

иборатки, туризм географиясини ташкил қилишда туристларнинг кўп ҳолларда асосан узоқ маршрутларда чарчаши ва зерикшининг олдини олади ва туристик марказнинг оммавийлашувиға сабабчи бўлиб, янги туристик марказлар ва ҳудудларни ташкил қилишда кўпроқ қўлаш мумкин.



4-Чизма. С.К. Кэмпбеллнинг саёҳатларнинг кенглиги модели маршрути

Туристтик саёҳатларнинг кўчиш модели (кенглик) ҳам туризм географиясини ташкил қилишда, ҳозирги туризмни ташкил қилишда муваффақият билан ишламоқда. Бу моделнинг асосчиси Америкалик географ С.К. Кэмпбелл ҳисобланади¹⁹. Туризм географиясини ташкил қилишда бу моделнинг қулайлиги шундан иборатки, туристик марказдаги кўплаб туристик гуруҳларни марказ атрофидаги рекреация марказларига ва марказга яқин бўлган шаҳарларга тақсимлаш мумкин. Бунинг учун туристик марказ хилма-хил рекреацияли хизматларга эга бўлган рекреация марказларини яратиши лозим бўлади (4-Чизма).

Туризм географиясининг юқорида қайд қилинган моделларидан мамлакатимизда туризм марказларини ташкил қилишда муваффақият билан қўллаш мумкин. Туризм географиясининг тадқиқот методлари ҳозирга келиб асосан Европа мамлакатларида, АҚШ ва Францияда такомиллашиб бормоқда. Россия давлатида ҳам туризм географиясининг кўплаб тадқиқот методлари яратилган. Ҳозирги вақтда жаҳонда туризмни ва туристик марказларни ташкил қилишда энг кўп ишлатиладиганлари қуйидаги методлар ҳисобланади:

Туризм ҳудудларини ташкил қилишда туризм географиясининг методлари:

¹⁹.Александрова А.Ю. бўйича келтирилди. География туризма.Москва,КНОРус,590 с.

1. *Баҳолаш методи.* Бу методнинг талаблари қуйидагилардан иборат:

- туристик объектни баҳолаш (табiiй мажмуаларни, уларнинг компонентларини ва хусусиятларини баҳолаш);
- баҳолашнинг субъектини ажратиш (туризмнинг тури, рекреацион машғулотларнинг цикли, дам олувчиларнинг даражалари, фойдаланиш юкламаларини баҳолаш);
- баҳолашнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш;
- баҳолаш баллларини ишлаб чиқиш.

2. *Табiiй биологик баҳолаш.* Бу баҳолаш методида иқлим шароитларининг инсонга таъсир даражалари, табiiй иқлим шароитларнинг қулай ва ноқулайликлари ўрганилади. Айниқса, инсон организмнинг иқлим ўзгаришларига ёки доимийликка мос келиши юзасидан кўп йиллик тадқиқотлар олиб борилади. Табиатдаги бир ёки бир нечта ресурснинг шифобахшлиги, соғломлаштириш хусусиятлари аниқланади. Соғломлаштириш марказлари ва курортлар яратишда туризм географиясининг ушбу методи кўпроқ қўлланилади.

3. *Рухий эстетик метод.* Бу методда табиатдаги бетакрор кўринишлар ландшафтлар(тоғ даралари, кўллар, булоқлар, табиат музейлари ва хайкаллари, ноёб ҳайвонлар турлари ва б...) туристларни қизиқтириши ўрганилади.

4. *Технологик баҳолаш методи.* Туризм географиясининг бу методида янги ташкил қилинадиган туристик марказларни ташкил қилишда биринчидан, ушбу жойлардан туристик мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги ёки имкониятлари иккинчидан, ушбу жойлардан технологик жихатдан фойдаланиш даражалари ўрганилади.

5. *Ижтимоий сўров методи.* Туризм географиясининг бу усулида янги туристик марказларни ташкил қилишда оммавий ахборот воситалари, телерадио эшиттиришлар орқали аҳоли орасида сўров анкеталари тарқатилади, жавоблар таҳлил қилиниб хулосалар ишлаб чиқилади.

6. *Хариталаш методи.* Туризм географиясининг энг замонавий методларидан ҳисобланиб, асосан икки хил йўналишда ривожланмоқда:

- туристлар ва экскурсантларга реклама, ҳаракатланиш ва фойдаланиш хариталарини ишлаб беради;
- мамлакатда, унинг ҳудудларида туризм индустриясини ривожлантириш хариталарини ишлаб беради. Бу хариталардан фойдаланиб туристик манзилларни ташкил қилиш мумкин.

Туризм географиясининг қайд қилинган методларидан янги туристик ҳудудларни ва марказларни ташкил қилиш учун:

- табiiй ресурсларнинг салоҳияти;
- аҳоли ва ижтимоий соҳалар;
- меҳнат ресурслари ва меҳнат тақсимооти;
- ҳудудлардан иқтисоди ва хўжалик жихатдан фойдаланиш;
- ҳудудларнинг туристик рекреацион салоҳиятларини тадқиқ қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон туризмини районлаштиришда туризм географиясининг долзарб вазифалари. Туризмда минтақаланишнинг, районлаштиришнинг кўп жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида мамлакат туризмини ривожлантириш учун албатта туризм географиясини мукамал ўрганишимиз зарур бўлади. Чунки, туризм географиясининг методлари давлатда туризмни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ишлаб чиқишда ишлатилади, туристик районларни ва уларнинг туристик сифимларини аниқлайди, туристик талаб ва туристик оқимнинг географиясини башоратлайди, иқтисодиётда туризм соҳасининг самарали фаолият кўрсатишдаги кўплаб муоммоларнинг ечимини ишлаб чиқади, туристик ҳудудларнинг туризмдаги даражаларни белгилайди, туризмни ташкил қилиш муаммоларини ечиб беради.

Иккинчидан, ҳар қандай соҳа ўзининг ривожланишида тўғри районлаштирини талаб қилади. Айнан районлаштириш ишлаб чиқаришда ҳам ҳудудий ёки маъмурий бўлинишда ҳам истиқболда ривожлантириш режаларини тузишни осонлаштиради. Талабаларнинг районлаштириш бўйича тушунчаларини ва билимларини ошириш ва районлаштиришда туризмни географиясининг аҳамиятини билиб олиш учун мамлакатимизда туризмни районлаштиришнинг ҳозирги ҳолатларига тўхталамиз.

Чунки, туризм ривожланган Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Малайзия, Австралия ва бошқа давлатлар ўз давлати ҳудудларини туристик–географик жиҳатдан районларга ажратиб ривожлантирмоқда. Мамлакат ҳудудларини туризмни ривожлантириш жиҳатларидан районлаштириш истиқболда асоосий йўналишлардан бўлиши кутилаётган экотуризмни ривожлантириш районларини белгилашни ёки экотуризм ресурсларининг географик жойланишини районлаштиришни осонлаштиради. Бу талабларни амалга ошириш учун ҳам туризм географиясининг туризмни районлаштириш масалаларини ўрганиш лозим.

Қачонки, миллий туризм географиясининг назарияси ва методологиясини, туризмда туристик–географик тадқиқотларнинг методологиясини (баҳолаш, сўров, таснифлаш, типологик, технологик, хариталаш) ва туризм тадқиқотларида замонавий илмий туризм географияси концепциясини ишлаб чиққанимизда мамлакат туризмини географик минтақаланиш, районлаштирилишининг имкониятлари яратилади.

Ҳозирда республикада туризм географиясини ўрганиш тадқиқотларига бағишланган илмий ишлар вилоят чегараларида амалга оширилмоқда^{20, 21}. Бу тадқиқотчилар ўз тадқиқотлари чегаралари маълум бир вилоятнинг маъмурий ҳудудлари доирасида бўлсада, ушбу маъмурий вилоят номига минтақа сўзини қўшиб (масалан Самарқанд минтақаси мисолида, Хоразм минтақаси мисолида ва хоказо) ишлатмоқдалар. Маълумки, республикада вилоятлар номланишда ҳозиргача минтақа сўзини ишлатилиши илмий жиҳатдан асосланган ҳам эмас. Албатта, бу ҳолат географик жиҳатдан жиддий хато ҳисобланади ва бунга

²⁰. Солиев А.С., Усманов М.Р., Туризм географияси, Самарқанд, 2005.-131 б.

²¹. Усмонов М.Р., Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида), г.ф.н. дисс. автореферати. Тошкент ЎзМУ, 2003.-25 б.

Республиканинг географлари ўз вақтида фикрларни айтиши зарур бўлиб қолмоқда.

Хозирча туризм географиясини районлаштиришда вилоятларнинг маъмурий бўлиниши, вилоят ҳудудларидаги туристик салоҳият, туристик ресурслардан фойдаланиш ва вилоятларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришда вилоятларнинг маъмурий бўлинишини ҳисобга олиш тўғри бўлиши мумкин.

Қайд қилинган таҳлиллардан маълум бўладики, Ўзбекистон Республикаси туризмида туристик географик минтақаланиш масалаларини ўрганишга илмий–амалий жиҳатдан киришилган эмас. Бу ҳолатнинг асосий сабаби албатта, туризм соҳасида етакчи мутахассисларнинг йўқлиги, юқорида қайд қилганимиздек, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлашга киришганимиз ва туризм соҳаси ҳали жуда ёш янги соҳа бўлиб шаклланаётганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, мамлакатимиз туризми шаҳарларда ва вилоятлар бўйича шаклланиб бораётгани учун минтақалардан эмас, республикамизнинг вилоятлар бўйича маъмурий-ҳудудий бўлинишидаги номланишидан фойдаланиш хозирча тўғрироқ бўлади.

Чўл минтақаларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги биринчи босқичда режалаштирилган-Чўл минтақаларининг табиий экологик иқлим шароитларини ҳисобга олиб, туризм географиясининг усуллари асосида янги туризм ҳудудларини ва марказларини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни амалга ошириш фақат давлатнинг қўллаб–қувватлаши асосида бажарилишини юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазалар исботлайди.

Учинчи босқич-*Янги туризм ҳудудларини ташкил қилишда* туризм соҳаси ривожланган хориж давлатларининг тажрибаларини, технологияларини кўриб чиқиш ва Ўзбекистон чўллари шароитларида фойдаланиш имкониятларини амалга оширишни давлатнинг қувватлашисиз тасаввур қилиш ҳам жуда қийин. Чунки, чўллардаги қишлоқлар, овуллар, хўжалик ва ҳатто туман марказлари ҳам республикамиздаги маданий, ижтимоий ва маърифий инфратузилмалар жиҳатидан суғориладиган минтақалардагига нисбатан анча орқада эканлигини доимо яшириб келишимизни тўхтатишимиз керак.

Шундай экан, маданий марказлардан жуда узоқ бўлган чўл минтақаларидаги аҳолининг туризм тадбиркорлигига тайёрлаш ва туризм инфратузилмаларини яратишни давлатимиз ўз зиммасига олиши керак. Бу йўналишда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар, инвестициялар, дотациялар ва имтиёзли кредитлар чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришни бошлаган тадбиркорларга берилиши лозим. Бунга мисол қилиб, Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг Буюк Британия давлатининг Дастури келтириш ўринли бўлади (5-Чизма).



5-Чизма. Қишлоқ туризмини ривожлантиришининг Буюк Британия давлати Дастурининг таркибий қисмлари

Буюк Британия давлати ўз ҳудудларида қишлоқ туризмини муваффақият билан ривожлантиришни бошлаган ва ҳозирда ҳам қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича жаҳондаги лидер давлат ҳисобланади. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Буюк Британия давлатининг Дастури 5 қисмдан иборат. Биринчи қисмда *қишлоқ туризмини ривожлантиришга асос қилиниб*: 1-келгусида қишлоқ хўжалик ерларининг олиб қўйилиши хавфи ва 2-қишлоқ жойларда қадим маданият жойларининг борлиги олинган. Иккинчи қисмдаги асосий вазифалар: 1-фермерлик туризмини ривожлантириш ва 2-қишлоқ туризмини ривожлантиришда нотекисликни йўқотишни давлат аҳамиятига молик масалалар қаторига киритилган.

Шунинг учун ҳам Буюк Британия давлати қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг асосий қуроллари: 1-қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурини кредитлаш, дотациялаш деб тўғри белгилаган. Буюк Британия давлати ўз қишлоқларини ривожлантиришга жиддий киришганлигини Дастурнинг 4-қисми ҳам тасдиқлайди-4-*Молиялаштириш манбалари*: Давлат ва хусусий инвесторлар(5-Чизма).

Юқорида келтирилган фикрлар ва таҳлиллардан шундай хулоса келиб чиқадики, чўлларимиздаги аҳоли яшаётган барча ҳудудларда туризм соҳасини

ташқил қилишни давлатимиз тўлиқ зиммасига олиши давлат аҳамиятига молик, долзарб масала ҳисобланади (6-Чизма).



6-Чизма. Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ташқил қилиш ва ривожлантиришининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлашининг объектив зарурлигининг схемада ифодаланиши

2.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛЛАРИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

2.1. Қумли чўллар минтақаси

Қурғоқчил минтақа (чўл, қуйи адир)ларнинг бошқа табиий шароитли минтақалардан фарқи шундаки, бу табиий минтақаларда йиллик ёғингарчилик миқдори жуда кам(100-250 мм), тупроқдаги намлик заҳиралари тез буғланади, ҳаво ҳароратининг суткалик, мавсумий, йиллик кўрсаткичлари кучли ўзгарувчан, тупроқлари турли даражаларда шўрланган ва гипслашган, ўсимликлар қоплами нисбатан сийраклашган ва қурғоқчил турлардан ташкил топган.

Ўзбекистонда чўл минтақалари денгиз сатҳидан 300-500м баландликгача бўлган жойларини ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикаси майдонининг 70% ҳудудларини эгаллаган. Чўл иқлими жуда иссиқ, қуруқ эканлиги, атмосфера ёғинларининг жуда кам ёғиши билан тавсифланади. Ёғингарчилик кеч куз мавсумида, қисман қиш ва асосан эрта баҳорда. Ёзда деярли ёғин ёғмайди. Бу мавсумда кундуз кунлари ҳаво ҳарорати $+45+50^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, кум юзаси то $+70^{\circ}\text{C}$ гача қизийди.

Чўл тупроқлари хилма-хил бўлиб, унда сур-қўнғир, қумли, қумоқ, шўр ва тақир буз тупроқлари учрайди. Чўлларимизнинг табиий иқлим шароитлари натижасида чўл тупроқларининг хилма-хил бўлиши ҳар-хил экологик типли чўлларни ташкил қилган. Ўз навбатида бундай иқлим шароитлари ҳар бир экологик типли чўлларда ўсимликлар қопламининг, ҳайвонот дунёсининг турли-туман ва ўзига хослигини келтириб чиқарган.

Қумли чўллар минтақаси денгиз сатҳидан 400-500 метр баландликдаги жойларни ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг 9 млн. гектар майдонларини ишғол қилади, ўсимликлари—498 тур. Шулардан 64 тури шифобахш ўсимликлар, 273 тури чорва моллари учун озуқавий хусусиятларга эга бўлган ўсимлик турлари ҳисобланади. Бундай ҳароратли иссиқ ва қурғоқчил иқлим, сийрак ўсимликлар шароитида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни жуда суст бўлади. Қумли чўл флорасида эндемик ўсимликларнинг кўплиги халқаро миқёсда туристик оқимларнинг кучайишига қизиқишни ҳосил қилиши мумкин. Ўсимликлар қоплами: 1-ярус-лишайниклар;



2-ярус-эфемер ва эфемероидлар; 3-ярус-ярим буталар ва 4-ярус-буталар. Оқ ва қора саксовул, Рихтер черкези ва Палецкий черкези, кандимлар, куён суяк, боржок ўсимликлари буталар ҳисобланади ва баландлиги 3-4 метргача боради.



Чўллардаги ҳайвонот оламидаги турлар (жайрон, сайғоқ, Қизилқум эчкиэмари, калтакесаклар, «Қизил китоб»даги йўрға тувалоқ, тасқара, чўл бургутлари, миккий, қирғий, қорабовур, чўл каптари ва бошқ.) нафақат хори жий балки, ички экологик туризмда ҳам қизиқарли экотуристтик объект ҳисобланади. Ўзбекистоннинг чўллари қуйидагилар: Қизилқум, Устюрт чўли, Ўртачўл, Қарнобчўл, Конимехчўл, Муборак чўл, Қарши чўли, Мирзачўл, Марказий Фарғона чўллари, Каттақум ва Сандикли чўллари.



Булардан ташқари 1.0 млн. гектарли ўсимликсиз кўчма барханли қум ҳудудлари ҳам бор. Барханли қумликларда араб мамлакатлари экотурист ларни туяда сайр қилиш турларига таклиф қилишади. Бундай экотурларнинг Европаликлар учун жуда қизиқарли бўлишини араб турсоператорлари жуда яхши билишади. Бизнинг чўлларимизнинг қумликларида ҳам шундай экотуристтик имкониятлар бор.

Ўзбекистонда майдони жиҳатидан энг катта ҳудудларни Қизилқум чўли эгаллайди. Қизилқумнинг чегаралари шимолдан Орол денгизи ва Сирдарёнинг қуйи ўзани, шарқдан Сирдарёнинг ўрта оқими, Пистали тоғ, жанубдан-Нурота тизмасининг охири, Зарафшоннинг ўрта оқими ва Фороб қишлоғидан пастки Амударё воҳаси ва ғарбдан Амударёнинг ўрта оқими ҳисобланади²².

Қизилқумда яшовчи халқлар чўлни «Улу Қизил», «Кичик Қизил», ва «Ёмон Қизил»деб аташади. «Улу Қизил»массиви ҳудуднинг шимолида жойлашган бўлиб илмий адабиётларда Марказий Қизилқум деб номланган. «Кичик Қизил» Жанубий Қизилқумни, «Ёмон Қизил»-Томдитов, Оқтов ва Бўкантов атрофларидаги ҳудудларни билдиради. Йиллик ёғин миқдори шимолда 80-90 мм, марказий қисмда-110-130 мм, жанубда-130-140мм. Ёғингарчилик асосан қиш ва эрта баҳор мавсумларига тўғри келади.

2.2. Гипсли чўллар минтақаси

²².Махмудов М.М.,Ҳайитбоев Р.,Қизилқум яйловлари ҳолатини яхшилаш усуллари.Тошкент,2008.-34 б.

Гипсли чўллар майдони жиҳатидан иккинчи ўринда туради-6 млн.га. Бу чўл учламчи-бўр жинсларидан ташкил топган текисликлар, проллювиал ва аллювиал текисликлар, шунингдек, чўлдаги паст тоғликлар-Қулжуктов, Томдитов, Мурунгов, Кўкчатовлардир.

Гипсли чўлларнинг асосий иқлим-тупроқ хусусиятлари қумли чўлларга ўхшаш: жуда қурғоқчил континентал иқлимли, тупроқ копламининг сув хусусиятлари ўта ноқулай бўлган гипсли майдонлардан ташкил топган.

Ёғин микдори 80-110 мм атрофида, об-ҳаво жуда қулай келган йиллари-180-230 мм ёғин тушади. Тупроқлари таркибидаги гипсли қатлам тупроқ юзасидан 25-30 см дан бошланади. Бу қатламдан кейин турли тоғ жинсларидан иборат қўнғир-бўз тупроқ қатламлари учрайди.

Ўсимликлар қоплами фан тилида ярим бута-барра ўтли ва бута бара ўтли яйловлар деб аталади. Чўл минтақаларининг ҳайвонот олами хилма-хил бўлиб улар чўл шароитига мослашган бўз ва сарғиш рангда бўлади. Чуллардаги бази бир ҳайвонлар бутунлай сув ичмай яшайди. Улар истеъмол қиладиган ўсимликлар таркибидаги нам билан қаноатланади. Чўл ҳайвонлари жазирама иссиқга ҳам мослашган. Кўпчилик ҳайвонлар чопқир, кўзлари ўткир бўлади.

Чўлда судралиб юрувчи калтакесаклардан агама, думалоқ бош, гекконлар яшайди. Эчкиэмар энг йирик калтакесак бўлиб, унинг узунлиги 1,5 метрга етади. У майда калтакесаклар, илонлар, кушлар, майда зараркунандалар билан озикланади. Республикамиз чўлларида илонлар кўп. Бу ҳудудларда бўғма илон, чарх илон, эфа, қалқонбош илон, чипор илон, кобра илонлари яшайди. Чўл минтақаларида кўшоёқ, юмронқозик, сассиккўзан каби кемирувчилар, тулкилар кўп учрайди. Шунингдек, йиртқичлардан, чиябўри, бархан мушуги, бўри ҳам яшайди.

2.3. Шўрхок чўллар минтақаси

Шўрхок чўллар. Ўзбекистоннинг чўллари ҳудудларидаги яна бир экологик тизимга эга бўлган ҳудудлар шўрхок чўллар деб аталади. Бу типдаги чўлларнинг асосий майдонлари Қизилқум чўли ҳудудларида маҳаллий-минтақавий ҳолатларда жойлашган. Шўрхок чўлларнинг майдонлари денгиз сатҳидан ва маҳаллий текисликлар сатҳидан паст бўлган ҳудудлар ҳисобланади. Ўзбекистонда шундай майдонларга Оёқ оғитма чўкмаси, Қора хотун чўкмаси, Мингбулоқ чўкмаси, Бешбулоқ, Шўрбулоқ ва Мўллали



чўкмалари киради. Бу чўкмаларнинг денгиз сатҳидан энг пастликни қайд қилгани Оёқоғитма чўкмаси бўлиб, бу чўкманинг денгиз сатҳидан пастлиги-81 метрдир. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларидаги шўрхок чўллар турли даражаларда шўрланган тупроқлар қатламларидан иборат бўлиб, Оёқоғитма шўрхогидаги шўрланиш даражаси энг юқори кўрсаткичларга эга ҳисобланади.

Шўрхок чўлларнинг майдонларида асосан шўрсеवार ўсимликлар ўсади ва ушбу оғир табиий шароитда яхши озуқа массасини беради. Шўрхок чўллар яйловларидан чўл чорвадорлари унумли фойдаланадилар. Бу типдаги яйловларда куз ойларида чўл чорваси боқилса чорванинг кузги куйиқиши ўз вақтида келади, эгиз кўзилар ва эгиз улоқчалар туғилиши кўпаяди.

2.4. Адирлар минтақаси

Адирлар минтақаси океан сатҳидан 500 метрдан-1200 метргача бўлган баландликларни ўз ичига олади. Бу табиий минтақалар асосан тоғлар олдидаги ҳудудлар ҳисобланиб рельефи нотекис, паст-баланд. Баландликга кўтарилган сари ҳаво ҳарорати пасайиб ёғинлар миқдори орта боради. Ватанимиз табиатидаги адирлар минтақасида



нафақат экотуризмни балки, қишлоқ туризмни, агротуризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Чунки, адир минтақаси асосан мамлакатимиздаги тоғ олди минтақалари ҳисобланиб бу минтақанинг асосий қисми суғориладиган ерлар бўлганлигидан қишлоқлар анча қалин жойлашган ва деҳқончилик кучли ривожланган.

Ватанимизда адирлар минтақасига Тошкент, Фарғона водийси, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг тоғлар олди ва тоғлар этакларида жойлашган ҳудудлар киритилган. Адирлар минтақасидаги баҳорикор ерлардаги ўзига хос бўлган деҳқончилик (ғаллачилик, лалми нўхат, зиғир, қовун, тарвуз етиштириш) нафақат хорижий туристларни балки, шаҳарларда яшаётган аҳолини ҳам қизиқтириши мумкин. Бундай имкониятларни экотуризм операторлари яхши билишларини талаб қилади. Адирларнинг об-ҳавоси чўллардаги об-ҳавога қараганда бирмунча намроқ ва салқинроқ: йиллик ўртача ҳаво ҳарорати-13-15 градус С. Йиллик ёғин миқдори-250-350 мм. Ёғингарчиликнинг асосий қисми куз-қиш ва эрта баҳор мавсумларига тўғри келади.

Табиий географик жиҳатлардан адирларни икки қисмга бўлишади: пастки адирнинг рельефи бирмунча текисроқ, қисман қирлардан иборат, денгиз сатҳидан баландлиги 900 метргача. Асосий тупроқ типлари-оч ва типик бўз

тупроқлар; таркибидаги гумус (чиринди) миқдори-1,1-1,5%. ўсимликлари асосан чим ҳосил қилувчи эфемер ва эфемероидлардан ташкил топган.

Юқори адир-рельефи анча нотекис, паст-баланд, катта-кичик тепаликлардан иборат. Денгиз сатҳидан 900-1200(1600) метр баландликда жойлашган. Асосий тупроқ тип-тўқ бўз тупроқлар. Адир яйловларининг қоракўлчиликдаги моҳияти шу билан ардоқлики, бу яйловлар чорва қишловида анча чарчаб чиқган кўй-эчкиларни эрта баҳорда тўйимли кўкатлар-яшил майсалар билан таъминлайди. Чўлларимизда ва адирларимизда қадимдан қоракўл кўйлари, эчкилар ва туялар боқилиб ва чўлларимизда яшаётган аҳолининг асосий турмуш тарзини, унинг ижтимоий-иқтисодий даражаларини белгилаб келмоқда.

Адирларнинг табиий географик тавсифи ва туризм объектлари сифатида баҳоланишини белгилаганимизда адирларда қисман деҳқончилик ва чегараланган шароитлардан сув манбаларининг мавжудлиги бу минтақаларда туристик ресурсларнинг кўплиги ва аҳоли миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг чўллар минтақасига қараганда анча кўплиги билан таърифланади. Шунингдек, адир минтақаларида тоғолди ҳудудларининг ҳам мавжуд бўлиши натижасида қадим булоқлар атрофларида халқ-эл таниган мўътабар, азиз-авлиёларнинг яшаш жойлари, муқаддас зиёратгоҳлари мавжудлиги билан ҳам белгиланади.

2.5. Чўлларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Чўлларда туризмни ривожлантиришдаги муаммолар. Чўлларимизда туризмни ривожлантириш муаммоларини ёки масалаларини ихтиро ёки кашф қилиш керак эмас, бу муаммолар туризм мутахассисларига ҳам чўллардаги ҳокимликларга ҳам, мамлакатимизнинг туризми бошқарувига ҳам маълум ҳисобланади. Бу ерда энг ачинарли ва таасуфли жойи шундаки, чўллар ҳудудларида жойлашган вилоятларнинг ҳокимликлари чўл ҳудудларида туризмни ривожлантириш чўлликларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида истиқболли йўналиш эканлигига эътиборсизлик қилаётганлигида, чўлларнинг ҳудудларида туризмни ривожлантириш масалаларида ташаббускорликни ташкил қилмаётганлигида ҳисобланади.

Чўл минтақаларидаги туристик ресурслардан туризмда фойдаланишдаги ташкилий муаммоларқуйидагилардан иборат:

1. Чўл ва адир ҳудудларининг марказлардан, шаҳарлардан узоқ масофаларда жойлашганлиги.

2. Чўллардаги туманларнинг марказларида меҳмонхоналарнинг йўқлиги.

3. Чўлларда туристларнинг сифатли овқатлантириш хизматларининг ташкил қилинмаганлиги.

4. Чўлларда туристик инфратузилмаларнинг йўқлиги.

5. Чўллар ва адирлардаги қизиқарли туристик ресурсларга туризм маршрутларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

6. Чўллар ва адир ҳудудларидаги туризм ресурсларидан туризмда фойдаланиш рекламаларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

7. Чўлларнинг аҳолисида туризм соҳаси ҳақида тўлиқ маълумотларнинг тарғибот ва ташвиқот ишларининг йўқлиги.

8. Чўл ҳудудларидаги туманлар ҳокимликларининг ўз ҳудудларида туризмни ривожлантиришга бефарқлиги.

Бу муаммоларни ечишда ва чўлларимизда туризмни ривожлантиришдаги дастлабки лойиҳаларда мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилишимиз зарур бўлади. Чунки олдинги бўлимларда қайд қилганимиздек, туризм ривожланган давлатлар дастлаб ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар.

Ўзбекистоннинг чўллар ва адир ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг яна бир қатор муаммоларига тўхталиш лозим. Халқ хўжалигидаги ҳар қандай янги соҳанинг ривожланишида дастлаб шу соҳани ривожлантиришнинг муаммолари ўз заҳиралари билан мавжуд бўлади. Ҳар қандай соҳада ривожланишни таъминлаш учун дастлаб бу соҳанинг ҳуқуқий-меъёрий асослари давлатнинг қонунлари билан мустаҳкамланмоғи лозим.

Мамлакатимизнинг чўл ва адир ҳудудларида туризмни ривожлантиришдаги муаммолар бу бепаён минтақаларда туризмни ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан ташкил қилиш масалалари билан узвий ҳолатларда боғлангандир. Қуйида шундай муаммолар келтирилади:

1. Чўллар ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш муаммоларининг биринчиси-бу ҳудудлардаги туристик ресурсларни рўйхатга олиш, ҳужжатлаштириш, асосий ва кўшимча туристик объектларнинг тариф ва тавсифларини батафсил ёзиб чиқиш, бу туристик ресурслардан туризмда фойдаланишда ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш, истикболда иқтисодиётимиздаги ўрнини белгилаш.

2. Ўзбекистоннинг чўл ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш бепаён ҳудудлардаги табиат бойликлари, биологик хилма-хиллик ресурслари билан боғлиқ туристик ресурс манзиллари, объектлари, овчилик майдонлари, сув ҳавзалари, дарёлар соҳиллари давлат муҳофазасида бўлганлигидан бу ҳудудлардан туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Хусусан чўл ҳудудларидаги табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмаҳоналаридан туризмда фойдаланишда давлат ҳокимияти рухсатномалари ҳозиргача олинмаган.

3. Чўл ва адир минтақаларидаги маҳаллий аҳоли яшаш жойлари ва аҳолига яқин бўлган туристик объектларда аҳолини, меҳнат ресурсларини туристик объектларга жалб қилиш, бу тадбирлардан маҳаллий аҳолини иш билан банд қилиш муаммолари ечилиши, туристлар билан дўстлашув алоқалари вужудга келишидек муҳим масалаларнинг тарғиботи, ташвиқоти, тушунтириш ишлари умуман ташкил қилинмаган.

4. Чўллар ва адир минтақаларида жойлашган ёки қисман жойлашган Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах вилоятларидаги ҳокимликлар, туманларнинг ҳокимликлари ва

“Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг бу вилоятлардаги Бошқармалари ўз вилоятларидаги туристик ресурслардан “Вилоятда туризмни ривожлантириш чора-тадбирларида” чўл ва адир ҳудудларидаги туристик ресурслардан туризмда фойдаланиш масалаларига эътиборсиз бўлганлиги бу ҳудудларда туризмни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати далолат бермоқда.

5. Чўллар ва адир минтақаларидаги туристик ресурслардан фойдаланишда экологик, рекреация ва овчилик туризмларини ривожлантириш имкониятлари устувор эканлигини ҳисобга олиб, бу туризм ресурсларига замонавий туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ишлари бошланмаган.

Ҳар қандай соҳадаги муаммолар ўз ечимларини топмаган вақтда соҳадаги вазиятлар оғирлашиб, чалкашиб бораверади. Вазиятни ўнглаш учун эса яна қўшимча вақт ва қўшимча маблағлар талаб қилинади. Бу ҳолатлардан вақти келиб чиқилиши мумкин, чиқилади албатда. Бу ерда энг афсусланадиган жойи шундаки, кўп маблағлар, энг асосийси, инсон умрининг қулай фурсатлари бой берилган бўлади. Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг барча шарт – шароитлари, ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган ҳозирги вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг бу асослар, шароитлар ва қулайликлардан фойдаланмасликлари асло кечирилмас ҳолат ҳисобланади.

Чўлларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришдаги муаммоларнинг ечимлари. Чўллар ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, келажакда чўлликлар иқтисодийетини кўтарувчи бу соҳани ўз вақтида ривожлантириш “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бўлиши лозим.

Чўл ва адирларда туризмни ривожлантириш муаммолари туризмни ривожлантиришга маъсул бўлган ташкилотлар, туризм таълимини ўқитаётган, ўргатаётган профессор-ўқитувчилар ва туризмдаги катта-катта назарийчилару амалиётчиларга ҳам маълум. Бу ерда энг таассуфли жойи шундаки, вилоятларнинг ва туманларнинг ҳокимликлари давлатимизнинг туризм соҳасини жадал ривожлантириш ҳақидаги фармонлари ва қарорларини фақат қоғозда лойиҳалаштириш ва декларатив бажариш билан банд.

Чўллар ва адирларнинг ҳудудларидаги қишлоқлар ва овулларнинг миллий ижтимоий-иқтисодий ҳолатларини тубдан ўзгартиришда ҳозирги муносабатларимизни Республикаимизнинг қишлоқларига тенг қараш ва тенг ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида 2018 йил 29-мартда қабул қилган Фармонида- “Мамлакатимизнинг бой ва қадимий тарихидан маълумки, аجدодларимиз томонидан маҳаллаларни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш энг бебаҳо қадриятлардан ва анъаналардан ҳисобланади. Мазкур қадриятларимизни изчил давом эттирган ҳолда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини *барча ҳудудларда амалга ошириш* орқали қишлоқ аҳолиси учун муносиб шароитлар яратиш ва уларнинг турмуш маданиятини янада юксалтириш, энг асосийси ёшларни хайрли ишларга даъват этиш алоҳида

аҳамият касб этади²³. Президентимизнинг бу фармонида ҳам тараққиётни барча ҳудудларда амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг 11-бандида -“Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, хўжалик бирлашмалари корхона ва ташкилотлар билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг иш билан бандлигини оширилишини таъминласин” дейилган.

Қайд қилинган муммоларни ечиш учун Ўзбекистоннинг чўллар минтақаларида жойлашган вилоятлар, туманлар ҳокимликлари биринчи навбатда “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз вилоятларидаги бўлимлари билан “Вилоятнинг барча ҳудудларида туризмни ривожлантириш” дастурларини ишлаб чиқишлари лозим.

Яна шуниси муҳимки, чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш бу-келгусида чўл минтақаларида ободончилик, чўлдаги йўлларнинг яхшиланиши, меҳмонхоналарнинг қурилиши, янги ошхоналарнинг, ресторанларнинг яратилиши, транспорт коммуникация тизимларининг яхшиланиши, маҳаллий аҳолида ташаббускорликнинг кўтарилиши, туризм тадбиркорлигининг юзага келиши, янги иш ўринларининг кўпайиши, чўлликларнинг хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг келиб чиқишига мустаҳкам замин, пойдевор яратишини бугун англамоғимиз керак.

3.БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛЛАРИДАГИ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ

3.1. Чўллардаги туристик ресурслар, уларнинг географияси, таснифи ва тавсифи

Чўл ҳудудларининг қисқача тавсифидан маълум бўладиги, чўлларимиз табиати ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликлар оламига, қуруқ ва совуқ иқлимнинг устиворлиги, рельеф шаклларининг турли-туманлиги, бепоён майдонларда кўчма қум барханларининг борлиги жиҳатларидан экотуризмни ривожлантириш имкониятларининг мўллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, туризмни ривожлантириш мақсадларида ўрганилаётган чўл ва адир ҳудудларида барча туристик ресурсларни рўйхатга олиш, уларнинг манзилларини аниқлаш, бу манзиллардан туристик ресурсларнинг туристларни қизиқтирадиган асосий объект (ҳайвон ёки ўсимлик турлари, рельеф шакллари, зиёротгоҳ жойлар, тарихий жойлар, археологик топилмалар ва бошқ..) ларига тўлиқ таъриф бериш талаб қилинади.

²³. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисидаги Фармони, Тошкент ш., 2018 йил, 29-март.

Чўл ҳудудларидаги туристик ресурслар туризмни ривожлантириш мақсадларида ҳозиргача тадқиқ қилинмаган. Шунинг учун ҳам биз адабиётлардаги манбалар ва чўлларда ўтказган илмий экспедицияларимиз асосида чўл ҳудудларида туризмни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган туризм ресурсларини рўйхатини тузиб чиқдик. Қуйида шу маълумотлар келтирилади.

I-Гуруҳ-Археологик топилмалар ва қадимий шаҳарларнинг қолдиқлари:

- 1.1. Эски Бухоро-Варданза шаҳри.
- 1.2. Тупроқ қалъа.
- 1.3. Қўй қирилган қалъа.
- 1.4. Яккапарсон қалъаси.
- 1.5. Қозокли шаҳри харобалари.
- 1.6. Тоғ қалъа.
- 1.7. Аёз қалъа.
- 1.8. Раҳимхон(Феруз)нинг эски саройи қолдиқлари.
- 1.9. Уст-юртнинг тош ҳайкаллари.

II-Гуруҳ-Экотуризм ресурслари:

- 2.1. Чўлларнинг турли-туман табиати, экологик турлиликга эга чўлларнинг типлари, рельефи, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси.
- 2.2. «Жайронхона» халқаро экологик маркази.
- 2.3. Қизилқум давлат табиат қўриқхонаси.
- 2.4. «Нурота» давлат табиат қўриқхонаси.
- 2.5. Арнасой табиат буюртмахонаси.
- 2.6. Денгизкўл табиат буюртмахонаси.
- 2.7. Қорақир табиат буюртмахонаси.
- 2.8. Қарнобчўл табиат буюртмахонаси.
- 2.9. Қўшрабод табиат буюртмахонаси.
- 2.10. Нуробод табиат буюртмахонаси.
- 2.11. Оқтоғ табиат буюртмахонаси.
- 2.12. Сайгачи табиат буюртмахонаси.
- 2.13. Судочье табиат буюртмахонаси.
- 2.14. Муборак табиат буюртмахонаси.
- 2.15. Фозилмон ота булоғи.
- 2.16. «Нурота» тоғларидаги Пангатсой.
- 2.17. Амударё соҳиллари.
- 2.18. Чўлларнинг ичидаги тўқайзорлар.
- 2.19. Чўллардаги мавсумий кўллар.

III-Гуруҳ-Чўлликларнинг ҳаёт кечирishi ва турмуш тарзи:

- 3.1. Чўпон оиласининг ҳаёти.
- 3.2. Чўллардаги қишлоқлар, овуллар ва фермерларнинг яшаш тарзи.
- 3.3. Чўлликларнинг маросимлари, тўйлари ва урф-одатлари.
- 3.4. Чўлдаги фермерларнинг фаолияти ва яшаш тарзи.

IV. Табиат музейлари ва табиат ҳайкаллари:

- 4.1. Қарнобчўлнинг «Тим» қишлоғидаги 1000 ёшли арча дарахти.
- 4.2. Нурота тоғ тизмаларидаги тош ва қоятошлардаги қадимий расмлар.
- 4.3. Сармишсой қоятошларидаги қадимий расмлар.
- 4.4. Уст-юрт чинклари.

V-Чўлликларнинг миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариши:

- 5.1. Миллий палос ва гиламлар ишлаб чиқариш.
- 5.2. Қоркўл тери, пўстин, қоракўл палто ва камзуллар, қоракўл телпак, мўйнали қалпоқлар, гўшт ва жун (қўй, эчки, туя) ишлаб чиқариш.
- 5.3. Туя сутидан қимиз-шубат тайёрлаш (нафас олиш йўллари ва сил касаллигига қарши).
- 5.4. Шифобахш ўтлар (чўл кийик ўти, доривор ўсимликлар, чўлялпиз, кўзикорин ва бошқ..).

VI-Даволаниш масканлари:

- 6.1. Чўллардаги иссиқ артезиан сувларидан фойдаланиш.
- 6.2. Радонли сув (ревматизм, шамоллаш, бўғин оғриқларига қарши ваннали даволаш усули, иссиқ шифобахш балчиқлар).
- 6.3. Нурободдаги «Ибн Сино» давлаш санаторияси.
- 6.4. Саратонда иссиқ кумда даволаниш.

VII-Қадимий зиёратгоҳлар:

- 7.1. Аработа мақбараси.
- 7.2. Авлиё Нурота зиёратгоҳи ва муқуддас булоқ.
- 7.3. Султон Увайс зиёратгоҳи.

VIII- Овчилик манзиллари:

- 8.1. Бутун чўл ва адир ҳудудларидаги овчиликга рухсат берилган майдонлар.
- 8.2. Денгизкўл сув омбори.
- 8.3. Тўдакўл сув омбори.
- 8.4. Аёзкўл сув омбори.
- 8.5. Амударё соҳиллари.
- 8.6. Айдаркўл-Арнасой сув ҳавзаси.
- 8.7. Шўркўл сув ҳавзаси.
- 8.8. Чўлларнинг ичидаги тўқайзорлар.
- 8.9. Бургут ва қирғий билан ов қилиш майдонлари.

IX-Чўл халқининг миллий ўйинлари:

- 9.1. Кўпқари-улоқ.
- 9.2. Қўчқорлар жанги.
- 9.3. Миллий кураш.
- 9.4. Бухороча кураш.
- 9.5. Бургут ва қирғий билан ов қилиш мусобақаси.

X-Чўл ҳудудларида замонавий шаҳарсозлик:

- 10.1. Навоий шаҳари.
- 10.2. Зарафшон шаҳари.
- 10.3. Учқудуқ шаҳари.
- 10.4. Зафаробод шаҳари.

Чўллардаги туристик ресурсларни туризмнинг турлари бўйича гуруҳлаш.

Гуруҳлар	Туризмнинг турлари бўйича туристик ресурслари	Сони
1.	Археологик топилмалар ва қадимий шаҳарларнинг қолдиқлари	9
2.	Экотуризм ресурслари	19
3.	Чўлликларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш тарзи	4
4.	Табиат музейлари ва табиат ҳайкаллари	4
5.	Чўлликларнинг миллий маҳсулотлар ишлаб чиқиши соҳалари	4
6.	Даволаниш масканлари	4
7.	Қадимий зиёратгоҳлар	3
8.	Овчилик манзиллари	9
9.	Чўл халқининг миллий ўйинлари	5
10.	Сардобалар	23
11.	Чўл ҳудудларида замонавий шаҳарсозлик	4
Жами		74

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг чўл ва адир ҳудудларида келгусида туризмнинг асосий объектлари, ресурслари бўладиган манзиллар, биологик хилма-хил ресурслар, туризмнинг турли-туман ресурслари кўп экан. Чўл ва адир ҳудудларидаги ушбу туристик ресурслардан фойдаланиш муаммоларини мажмуали ҳолда ечилишни тадқиқ қилиш лозим бўлади.

Бундай хулоса шунинг учун ҳамки, бепаён чўл ва адир ҳудудларимизда туризмнинг бир турига (масалан, ҳайвонот ёки зиёрат туризмига) қизиқиб чўлга келган ҳар қандай турист бир тур туристик объектдан иккинчи бир туристик объектга беихтиёр қизиқиши туфайли ўтишга мажбур бўлади. Чунки, чўлларнинг рельефи, табиати биологик ресурслари қисқа масофаларда бир кўринишдан иккинчи бир кўринишга алмашади.

Қайд қилинган туристик манзиллар, обидалар, табиатнинг мўжизавий ҳайкаллари, зиёратгоҳ жойлар, чўл халқи ҳаёти, миллий ишлаб чиқариш, миллий ўйинлари ва археологик манзиллари тарихий асрлар йилномасидан ўтиб ҳозирги кўринишини олган. Бу бойликлар чўлларимизнинг ўта қийин табиий-иқлим шароитларига чидам бериб яшаб келаётган, сабр-тоқатли халқнинг асрлар давомидаги ижоди, меҳнати, санъати, чўл табиатини сақлаб келаётганлиги, ўзига хос бўлган турмуш кечириши, ҳаётидир(2-Жадвал).

2 -Жадвал

Чўл минтақаларида туризмнинг турлари бўйича туристик ресурсларнинг географияси

Туризм ресурслари	Туризмдаги объект номи	Туристик ресурсдаги асосий қизиқиш объекти	Жойлашган ўрни-географик манзил
1.Экотуризм ресурслари-	1.1.«Жайронхона»х алқаро биологик	«Қизил китоб»даги жайрон,Пржевальск	Бухоро шаҳридан 25 шимолдаги «Когон» темир

табиат қўриқхоналари	хилма-хилликни сақлаш экомаркази	ий ёввойи оти, Бухоро буғуси, йўрға тувалоқ ва бошқа турлар	йўли бекатидан автотрасса бўйлаб 25 км масофада
	1.2. Қизилқум давлат қўриқхонаси	Бухоро буғуси, тўқай силосини-корақулоқ, тустовук ва 20 тур қушлар, 100 тур ўсимликлар	Бухородан Газли шаҳарчаси орқали ўтадиган марказий автотрассанинг 240 - километрида. Автотрасса қўриқхона чегараси бўйлаб ўтади.
	1.3. «Нурота» давлат қўриқхонаси	«Қизил китоб» даги архар, бургутлар, каклик ва бошқа тур ҳайвонлар, 600 тур ўсимликлар	Жанубий-ғарбий Қизилқум, Нурота тоғ тизмасининг шимолий ҳудудлари, Жиззах вилоятининг Фориш туманида
Табиат буюртма хоналари	Матнда ёзма шаклида берилди	Матнда ёзма шаклида берилди	Матнда ёзма шаклида берилди
Экотуризмнинг чўл ва адир ҳудудларидаги типик табиий ландшафтлари	1.4. Кўчма қум-барханли сахро табиати	Барханли сахро экзотикаси, флора ва фаунаси	Марказий Қизилқум, Ёмонқум, Муллали, Фозилбекқум массивлари
	1.5. Саксовул, қандимлар, қуёнсуяк қизилча, черкезлар каби чўл дарахтлари ўсадиган қумтепалик ландшафтлари	Чўлнинг ўрмонлари ва ҳайвонот дунёси экзотикаси	Томди тумани, Марказий Қизилқум, Жанубий-ғарбий Қизилқум.
	1.6. Шувох-барра ўтли (дарахтсиз)-ярим бутали типик гипсли чўл ландшафтлари	Чўлнинг типик яйловлари, қоракўл қўйлари, эчкилар, туялар	Қарнобчўл, Ўртачўл, Конимехчўл массивлари, Нурота адирлари
	1.7. Фозилмон ота булоғи.	Баланд тоғ бағридаги ўта хушманзара, дарахтзорларга ўралган қадимий булоқ	Нурта тоғининг марказий қисмида.
	1.8. Нурота тоғидаги Пангатсой	Нурта булоқлари оқиб ўтувчи бетакрор дара	Нурота туманидаги Пангатсой қишлоғида.
2. Табиат музейлари ва табиат ҳайкаллари	2.1. Қароб чўлининг Тим қишлоғидаги 1000 ёшли арча дарахти	Табиат мўжизаси. Давлат муҳофазасида	Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, «Қарноб ота» ш/х, Тим қишлоғида
	2.2. Нурота	Қадимий рассомлар	Нурота тоғ тизмаларининг

	тизмалари қоятошларидаги қадимий расмлар	ижоди	жанубий қисмидаги 4 манзилда
	2.3. Уст-юрт чинклари	Табиатнинг ғаройиб рельеф шакллари	Уст-юртда
	1.4. Сармишсой қоятошларидаги минглаб қадимий расмлар	Қадимий расомлар ижоди	Сармишсой дарасида
3. Археологик туризм ресурслари	3.1. Қадимий Бухоро-Варданза шаҳри қолдиқлари, майдони-324 га	Мозийдаги шаҳарларга қизиқиш	Бухоро вилоятининг Шоффрикон туманида. Бухородан 50 км шарқда. Шоффрикон яқинида
	3.2. Тупроқ қалъа	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Қорақалпоғистонда, II-III-асрлар.
	3.3. Аёз қалъа	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Қорақалпоғистонда, IV-V асрлар.
	3.4. Яккапарсон қалъаси	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Қорақалпоғистонда, VI аср.
	3.5. Қўй қирилган қалъа	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Хоразмда, IV аср.
	3.6. Қозокли шаҳри харобалари	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Қорақалпоғистонда, милоддан олдинги IV-III асрлар
	3.7. Тоғ қалъа	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Хоразмда
	3.8. Рахимхон (Ферузнинг) эски саройи қолдиқлари	Қадимий шаҳар қолдиқлари	Хоразм вилояти, Урганч шаҳрига кириш йўлида, 18 аср
	3.9. Уст-юртнинг тош ҳайкаллари	Қадимий халқлар-массагетларнинг тоштарашлик ижоди	Уст-юртнинг ғарбида, эрамиздан олдинги IV-III асрлар
4. Чўлликларнинг ҳаёт кечириши ва турмуш тарзи	4.1. Чўпон оиласининг ҳаёти.	Чўпон оиласининг ҳаёти ва турмуш тарзига қизиқиш	Чўл ва адир ҳудудларида
	4.2. Чўллардаги қишлоқлар, овуллар аҳолисининг яшаш тарзи	Чўллардаги қишлоқлар, овуллар аҳолисининг яшаш тарзига қизиқиш	Чўл ва адир ҳудудларидаги қишлоқлар ва овуллар
	4.3. Чўлликларнинг маросимлари, тўйлари ва урф-одатлари	Чўлликларнинг маросимлари, тўйлари ва урф-одатларига қизиқиш	Чўл ва адир ҳудудларидаги қишлоқлар ва овуллар
	4.4. Чўл ва адирлардаги фермерларнинг фаолияти ва яшаш тарзи	Чўлда ва адирлардаги фермерларнинг фаолияти ва яшаш тарзига қизиқиш	Чўл ва адирлардаги фермер хўжаликлари
5. Миллий ҳунармандчил	5.1. Чўл халқларининг	1. Миллий палос ва гиламларга	Чўл ва адир ҳудудларидаги барча қишлоқлар ва

ик туризми ресурлари	миллий махсулотлар ишлаб чиқариши	қизиқиш. 2.Қорақўл тери мўйнаси,қорқўл тери мўйнасидан тикилган кийим-бошларга қизиқиш	овулларда
6.Миллий пазандачилик ва миллий таъомлар	6.1.Шифобахш ичимликлар ишлаб чиқариш	1.Туя сутидан шифобахш қимиз-шубат тайёрлашга қизиқиш 2.Шифобахш,чанқов босди ичимликлар тайёрлашга қизиқиш(чўл кийик ўти,доривор ўсимликлар,чўлялпи з)	Чўл ва адир ҳудудларидаги барча қишлоқлар ва овулларда
	6.2.Чўл қўзиқорини	1.Фақат чўлларда ва адирларда ўсадиган тўйимли оқ қўзиқорин теришга ва ундан тайёрланадиган миллий таъомларга қизиқиш	Чўл ва адир ҳудудларидаги барча қишлоқлар ва овулларда
	6.3.Қозон кабоб	2.Чўлликларнинг қадимий таъоми қозон кабоб тайёрлашга қизиқиш	Чўл ва адир ҳудудларидаги барча қишлоқлар ва овулларда
7.Соғломлаштриш ва рекреация туризмлари ресурслари	7.1.Чўллардаги иссиқ артезиан сувлари	1.Чўллардаги иссиқ артезиан сувларидан фойдаланишга қизиқиш	Қумли чўл ҳудудлари, Бухоро,Навоий вилоятлари
	7.2. Радонли сув(ревматизм,шам оллаш,бўғин оғриқларига қарши ваннали даволаш усули,иссиқ шифобахш балчиқлар)	Даволанишга қизиқиш	Қумли чўл ҳудудлари, Бухоро,Навоий вилоятлари
	7.3. Саратонда иссиқ қумда даволаниш.	Даволанишга қизиқиш	Қумли чўл ҳудудлари, Бухоро,Навоий вилоятлари
	7.4. Нурободдаги «Ибн Сино» даволаш санаторияси	Даволанишга қизиқиш	Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида
8.Зиёрат туризми	8.1.Араб ота зиёратгоҳи	X –асрда қурилган Араб ота дахмаси ва	Самарқанд вилояти,Нуробод тумани, «Қарноб ота» ш/х,

ресурслари		мақбасига, зиёратга қизиқиш	Тим қишлоғида
	8.2. Нурота зиёратгоҳи	Авлиё Нурота қабрини зиёрат қилишга ва қабр ёнидаги қадимий булоқга қизиқиш	Навоий вилоятидаги Нурота туманининг марказида
	8.3. Авлиё Увайс ота зиёратгоҳи	Авлиё Увайс ота дахмасини зиёрат қилишга ва зиёратгоҳ мажмуасига қизиқиш	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти чегараларида, Амударёнинг чап қирғоғида
9. Овчилик туризми ресурслари	9.1. Бутун чўл ва адир худудларидаги овчиликга рухсат берилган майдонлар	Ов қилишга рухсат берилган ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи паррандаларнинг ҳаётига ва ов қилишга қизиқиш	Чўл ва адир худудлари
	9.2. Денгизкўл сув омбори	Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш	
	9.3. Тўдакўл сув омбори	Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш	
	9.4. Аёзкўл сув омбори	Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш	
	9.5. Амударё соҳиллари	Балиқ ови ва тўнғиз, тулки, қуён, ёв войи паррандалар овига қизиқиш	
	9.6. Айдаркўл- Арнасой сув ҳавзалари	Балиқ ови ва тўнғиз, тулки, қуён, ёв войи паррандалар овига қизиқиш	
	9.7. Шўркўл сув ҳавзаси	Балиқ ови ва ёввойи паррандалар овига қизиқиш	
	9.8. Чўлнинг ичидаги тўқайзорлар	Тўнғиз, тулки, қуён, ёв войи паррандалар овига қизиқиш	
	9.9. Бургут ва қирғий билан ов қилиш	Экзотик овга қизиқиш, тустовук, каклик, ўрдақлар, қуён, тулки	
10. Миллий спорт ўйинлари туризм ресурслари	10.1. Кўпқари-улоқ	Кўпқари-улоқ миллий мусобақа спорт ўйинига қизиқиш	Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида

	10.2. Қўчқорлар жанги	Қўчқорлар жанги миллий томоша ўйинига қизиқиш	Бухоро, Навоий, Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида
	10.3.Миллий кураш	Полвонлар беллашувига қизиқиш	Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятларида
	10.4. Бухороча кураш	Полвонлар беллашувига қизиқиш	Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятларида
	10.5.Паррандалар жанги миллий ўйини	Экзотик томошага қизиқиш	Бухоро шаҳри ва туманлар марказлари
11.Шаҳарсозлик туризми ресурслари	11.1. Навоий шаҳри	Чўлдаги шаҳарга қизиқиш	Навоий шаҳри ва атрофдаги чўлнинг ўзлаштирилиши
	11.2.Зарафшон шаҳри	Чўлдаги шаҳарга қизиқиш	Зарафшон шаҳри ва атрофдаги чўлнинг ўзлаштирилиши
	11.3.Учқудук шаҳри	Чўлдаги шаҳарга қизиқиш	Учқудук шаҳри ва атрофдаги чўлнинг ўзлаштирилиши
	11.4.Зафаробод шаҳарчаси	Чўлдаги шаҳарга қизиқиш	Зафаробод шаҳарчаси ва атрофдаги чўлнинг ўзлаштирилиши

Чўл ва адир худудларидаги туристик ресурсларни туризмда фойдаланиш учун гуруҳлаш ёки туризмнинг турларига ажратишнинг зарурлиги шундан иборатки, бу худудларда туризмни ривожлантиришни қайси ресурслардан бошлаш ва қандай фойдаланиш тизимларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳал қилиш талаби келиб чиқади, туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишни осонлаштиради.

Шунингдек, чўл ва адир минтақаларига туризмнинг турлари бўйича мажмуали туристик маршрутлар ишлаб чиқишда асосий туристик объектларни ва қўшимча туристик объектларни танлашда, ушбу мажмуали туристик маршрутнинг экскурсия объектларини танлашда ҳам- 2-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

3.2. Чўлларда археология туризми ресурслари

Археология туризмини - Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Термиз, Тошкент, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарларнинг қолдиқлари, қадимий қалъаларнинг харобалари, қадимий Марказий Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги археологик топилмаларга қизиқиш деб тарифлаган эдик²⁴. Кейинчалик, адабиётларни ўрганишдан маълум бўлдики, халқаро туризмда ҳам археология туризмнинг тарифи шундай экан.

Ўзбекистоннинг чўллари минтақаларида ҳозиргача топилган ва тарихи ўрганилган археологик маконлар ва масканларнинг барчасини ушбу ишимизда

²⁴.Хайитбоев Р., Саттаров А., Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. Самарқанд, 2009, 87 б.

келтириш катта ҳажмларни олади. Шунинг учун ҳам биз, ҳозирда ҳам қадим мозийда бунёдкор боболаримизнинг теран ақли-заковатини, маданиятини эслатиб турган энг йирик археологик объектларнинг рўйхатини келтириш билан чегараланамиз.

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги энг йирик қадимий. Археологик объектлар:

1.1. Эски Бухоро-Варданза шаҳри.

1.2. Қадимги Нурота қалъаси.

1.3. Раҳимхон(Феруз)нинг эски саройи қолдиқлари.

1.4. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудларида эрамиздан олдинги 20 дан зиёд қадимий шаҳарлар ва қалъаларнинг қолдиқлари яхши сақланган ва ҳозирда туризмда фойдаланилмоқда (1-Харита схема). Бу шаҳарлар ва қалъаларнинг энг катталари қуйидагилар:

1.5. Тупроқ қалъа.

1.6. Қўй қирилган қалъа.

1.7. Яккапарсон қалъаси.

1.8. Қозоқли шаҳри харобалари.

1.9. Тоғ қалъа.

10. Аёз қалъа.

11. Уст-юртнинг тош ҳайкаллари.

12. Гулдурсин қалъаси.

13. Бозор қалъаси.

14. Қум босган қалъаси.

15. Канга қалъаси.

16. Гаур қалъаси.

17. Бургут қалъаси.

18. Жанбас қалъа.


19. Барактам қалъаси.

20. Шох санам қалъаси.

21. Дарялик қалъаси.

22. Кят қалъаси.


23. Қават қалъаси ва бошқалари.



1-Харита схема. Қуйямударё соҳилларида қадимги Хоразм давлатининг қалъалари топилган жойларнинг карта-схемаси



Қазоқли ётган шаҳар харобалари




Қўй қирилган қалъа харобалари(милоддан олдинги IV аср,қум барханларидан тозаланган кўриниши)



*Эрамиздан IV-III асрлардан олдинги қалъаларнинг қолдиқлари
(Қорақалпоғистон Республикаси)*

*Яккапарсон қалъаси.
Крепость Якке - Парсан.*



Яккапарсон қалъаси



Аёз-қалъа



Хоразм тарихини жаҳонда танилган, машҳур олимлар- Яҳё Ғуломов С. П. Толстов, А. Ю. Якубовский, М. В. Воеводский, Ю. А. Рапопорт, В. А. Лившиц, Е. Е. Неразик, У. Каримов, П. Г. Булгаков ва уларнинг шогирдлари, таниқли олимлар-С. К. Камалов, В.Н. Ягодин, Г. Хўжаниёзов, М. Мамбетуллаев, С. Баратов ва бошқалар ўрганишган. Уларнинг умумий хулосалари бўйича бу қалъалар эрамиздан олдинги IV-II асрлардаги Хоразмшоҳларнинг саройлари ва шаҳарларнинг марказлари эканлиги археологик тадқиқотлар натижасида тасдиқланган. Яна бир ишончли тахминлар бўйича бу қалъалар ва шаҳарлар ўтмишда Амударё ўзанини ўзгартириб Каспий денгизига қуйила бошлагандан кейин, сувсизлик туфайли харобаларга айланган

Археология туризмига қизиқувчиларни қуйидаги икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Инсоният тараққиёти билан боғлиқ қадимий иншоатларни излаш, топиш, уларнинг ҳозиргача сақланиб қолган қолдиқларининг ёшини аниқлаш, қурилиш усулларини, қурилиш ашёларини аниқлаш ва ушбу жойларда мозийда яшаган халқлар, уларнинг маданияти, дини ва яшаш тарзи ҳақида хулосаларни кенг оммага эълон қилувчи тарихчи олимлар. Ҳозирда дунёнинг янги 7 мўжизасига киритилган инкларнинг Мачу-Пикчу тош шаҳри шу тариха топилган эди. Бундай жойларнинг мавжудлиги ҳақидаги афсоналар, қадимий қўлёзмалар кўпинча халқаро фондлар, давлатлар ва тарихга қизиқувчи бойларнинг маблағ ажратишидан кейин изланади, текширилади, натижалар дунё матбуотида эълон қилинади.

2. Археологик объектларнинг ҳозирги ҳолатини кўришни хоҳлаган қизиқувчилар.

Ўзбекистоннинг чўлларидаги қадимий иншоатларнинг сақланиб қолган харобалари ҳозирнинг ўзидаёқ 80 дан зиёд мамлакатларнинг (Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти департаментлари маълумотлари) туристларини жалб қилмоқда. Бу ҳақида қуйидаги иккита халқаро туристик маршрутнинг қисқача тавсифларини келтирамиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги энг йирик қадимий, тарихий обидалар жойлашган, Тошкент-Самарқанд-Бухора-Шаҳрисабз-Хива шаҳарлари га 2 та йирик- *“Тарихга сайёҳат”* ва *“Тарих ва ҳозирги давр”* деб номланган ички ва халқаро туризмга мўлжалланган туристик маршрут (ҳаво, автотранспорти ва туя транспорти) муваффақият билан ишламоқда.

«Тарихга сайёҳат» туристик маршрутида туристлар Хива шаҳридаги тарихий обидаларни кўриб чиқандан кейин, эртасига Хива шаҳридан 95 км масофадаги “Аёз қалъа” туристик лагерига (Қорақалпоғистон Республикасида) таклиф қилинади. Туристлар учун бу жойларда қадимий “Гулдурсин қалъа”, “Қўйқирилган қалъа”, “Бозор қалъа” ва “Қумбосган қалъа”ларга экскурсиялар уюштирилади.

Тунаш “Аёз-қалъа” харобалари яқинида жойлашган “Аёз-қалъа” туристик лагерига. Бу лагер қорақалпоқ қора уй-юртларидан қурилган. Тушликдан кийин туристлар туяларда “Аёз-қалъа” кўлига боришади. Кечқурун туристларга қорақалпоқ миллий фольклёр ансамбли концерт беришади. Эртасига туристлар автотранспортда Қизилқум орқали 500 км лик йўл босиб Бухора шаҳарига етиб келишади. Бухоро шаҳридан туристлар Самарқандга йўл олишади. Худди шу маршрут “Тарих ва ҳозирги давр” халқаро маршрутида ҳам такрорланади.

Бу маршрутларга батафсил тўхталишимизнинг сабаби шундаки, маршрутда қатнашган ички ва ташқи туристларда қадимги Хоразм давлати нинг харобалари(қалъалари), чўпон уйи-юртларда тунаш, туяларда сайр қилиш ва автотранспортда Хивадан Бухорогача Қизилқум чўли орқали келиши унутилмас таъсуротлар қолдирган.

Бундан хулоса шулки, чўллар ва адирлардаги туристик ресурслар ишламоқда ва туристларни ўзига чорламоқда. Бу ютуқнинг асосий сабаби шундаки, юқорида қайд қилинган талаблар бу иккала туристик маршрутда тўлиқ бажарилган. Иккала маршрутнинг ҳам бир хил туристик объектларни кўрсатиши ватанимиздаги тарихий шаҳарлар ва Орол денгизи бўйига чет эллик туристлардан ушбу маршрутларга талабларнинг кўплиги ҳисобланади. Чўллардаги археологик туристик ресурсларга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш чўлларимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ўзига хос рекламаси ҳам ҳисобланади.

3.3. Чўлларда зиёрат туризми ресурслари

Ҳалқимизнинг зиёратгоҳларга ташриф буюриши ғоятда турли-тумандир. Зиёратга боришни мақсад қилиш жуда кўп сабабларга боғлиқ бўлади. Баъзи бир оилалар фарзандли бўлиш учун, баъзилари қурбонлик қилиш учун, баъзилари эса оиладаги инс-жинсларни ҳайдаш учун, баъзилари омадли бўлиш, ишлари юришиб кетиши учун узоқ-узоқлардаги муқаддас жойларга сафарга чиқишади. Яна бир мақсад шунга қаратиладики, оилада ишнинг юришиб кетиши ёки ҳосилнинг тўқис бўлиши ёки сафарнинг эсон-омон бўлиши учун ҳам азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишни маълум бир мақсад асосида режалаштирилади.

Зиёратгоҳларга сиғинишга, зиёратга боришдан ҳамма халқларда ҳам фақат яхши ниятлар, яхши истаклар, яхши режалар асосида юзага келади. Инсонларнинг бу истаклари, мақсадларининг бажарилишида зиёратгоҳларнинг маънавий-тарбиявий аҳамияти бекиёсдир. Чунки, зиёратга бориб келган ҳар қандай кишида ўзига хос ҳотиржамлик, тинчлик, ишонч ҳосил бўлиши маълум жараёндир.

Зиёратгоҳлардан туризмда фойдаланишда биринчи навбатда ички туризм мақсадларини белгилаб олиш зарур бўлади. Бунинг учун дастлаб зиёратгоҳ масканларини тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, таъриф ва тавсияларни ёзиш, ушбу масканларнинг зиёратга чорловчи хусусиятларини яхши ўрганиш ва зиёратгоҳ атрофида хизматлар кўрсатиш инфратузилмаларини яратиш талаб қилинади.

Республикамизда ислом дини таълимотининг дунёга таниқли бўлган алломаларининг жуда кўпчилиги ватандошларимиз ҳисобланади ва уларнинг мангулик билан боғлиқ ишлари, фаолиятлари ва қабрлари жойлашган зиёратгоҳ жойларни ҳалқимизнинг билиш даражаси ўрганилмаган.

Иккинчидан, зиёрат туризмида азиз-авлиёларнинг қабрлари жойлашган ерлар, масканлар ҳақида етарли ахборотларнинг тарқатилмаганлиги, ишончли маълумотларнинг реклама қилинмаганлиги ҳам ушбу масканлар зиёратчиларни жалб қила олмайди. Шунинг учун ҳам зиёратгоҳ жойлардан ички туризмда ҳам, халқаро туризмда ҳам фойдаланиш масалаларини, муаммоларини ўрганиш, маршрутларини яратиш зиёрат туризмини ривожлантиришда жуда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда зиёрат туризмини ривожлантиришдаги яна бир муҳим долзарб масала шундан иборатки, Республикамиздаги зиёратгоҳ жойлар, масканларга туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаганлигидан, зиёрат туризми имкониятларимиз даражасида ривожланмасдан қолмоқда. Бу ҳолатда муҳим бир масалага эътибор бериш зарурки, зиёратгоҳ масканларга туристик маршрутларга ташкил қилишгина бу жойларда туристларга хизмат қилувчи инфратузилмаларни юзага келтиради. Чунки, маълум бир туристик объектга турист оқимининг кўпайиши албатта эҳтиёж нуқтаи-назаридан уларга хизматлар қилувчиларни чорлайди. Натижада туристларнинг эҳтиёжларини сезган маҳаллий аҳоли туристларга мажмуали хизматларни таклиф қила бошлайди. Шунинг учун ҳам бундай муқаддас зиёратгоҳларни дунё миқёсида реклама қилиш республикамизда ички ва халқаро туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидаги зиёратгоҳларнинг асосий қисми чўл ҳудудларидаги воҳаларда ва шаҳарларда яхши сақланиб қолган ва ҳозирда тўлиқ таъмирланиб обод зиёратгоҳларга айлантирилган (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари). Айнан чўлларнинг ўзида жойлашган зиёратгоҳлар ҳали тўлиғича ўрганилмаган. Чўл минтақаларида зиёратгоҳларнинг камлиги албатда бу бепаён ҳудудларда аҳолининг жуда сийрак яшаётганлиги ҳисобланади. Биз кўйида айнан чўлларнинг ичидаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида қисқача маълумотларни келтирамиз. Ҳозирги вақтда чўлларимизда халқимизнинг қадимдан азиз, муқаддас деб билган Нурота, Аработа ва Султон Увайс ота зиёратгоҳларидир.

Нурота зиёратгоҳи.

Нурота зиёратгоҳи халқаро ислом оламида қадимдан маълум. Нурота зиёратгоҳи ҳам, Нурота чашмаси ҳам яхши ўрганилган. Ҳатто эрамыздан олдинги III-асрда ўша давр дунёсининг эгаларидан бири бўлган Александр Македонский ўз кўшинлари билан Нурота зиёратгоҳида бир вақт яшаб турганлиги ва Нурота атрофларидаги қориз сувларига қизиққанлиги ва ҳатто ўрганганлиги ҳақида ҳам тарихий маълумотлар мавжуд.

Юртимизнинг бой тарихга эга бўлган Нурота шаҳри географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг марказида жойлашган бўлиб, Нурота тумани шимолий-шарқдан Жиззах, жанубий-шарқ ва шарқдан Самарканд вилоятлари, ғарб ва жанубий-ғарбдан Навоий вилоятининг бошқа туманлари билан чегарадошдир. Нурота- “нур” ва “ато” сўзларидан ташкил топган бўлиб “ёруғлик”, “рўшнолик” таратадиган, яъни нур ато этадиган жой маъносини англатади. Нуроталиклар ҳар эллик йилда чашма узра Нур таралишини сўзлаб беришади. Бу ҳолат 2005 йилнинг баҳорида ҳам такрорланганлиги қайд қилинган. Чашма бўйлаб нур таралиши Абдулла ибн Маъсуд томонидан баён қилинишича пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом даврлари (VI аср)да ҳам рўй берган (Абдулла ибн Маъсуд, 2005, 7-бет)²⁵.



²⁵ Асрор Низомов. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси. Тошкент, 2008, 135-б.

Бу воқеъа Пайғамбаримизнинг меърожга чиқиши воқеълари билан боғлиқ ҳолда юз берган. Меърожга чиқиш жараёни Э. Каримов томонидан ҳам таъкидланган²⁶.

Туман маркази бўлмиш Нурота шахри ўзига хос бой ва бетакрор табиати, зилол ҳамда муқаддас булоқлар билан машҳур. Шу билан бирга шаҳарнинг тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Нурато ёки Нури Бухоро номи билан тарих саҳифаларидан ўрин олган мазкур тарихий шаҳар ҳақида Абу Бакр Наршахий маълумот бериб, уни Бухоро таркибидаги тарихий жой сифатида кайд этади²⁷. Наршахий IX-X асрларда яшаб ўтганлигини назарда тутадиган бўлсак ва унинг бу ҳудуд ҳақида ўша даврда маълумотлар ёзиб қолдирилганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Нурнинг қадимийлигига шубҳа қолмайди.



Ўша даврда ҳам бу маскан зиёратчилар ташриф буюрадиган қадамжо бўлган. Зиёратгоҳнинг ғарбий қисмидаги муқаддас чашма ва чашмадаги муқаддас ҳисобланган балиқлар киши эътиборини ўзига тортади. Бу ёдгорлик Нурий нисбаси билан машҳур Саййид ад-Дин Абу Ҳасанга тегишли. Меъморий ёдгорликлар асосан Шайбонийлар даврининг маҳсулидир ва кейинги даврларда яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган вақтда таъмирланган. Наршахийнинг ёзишича, Нурда жомеъ масжиди ва роботлар бўлган. Зиёратга келувчиларнинг асосий қисми Бухоро аҳолиси, шунингдек, бошқа жойлардан ҳам бу ерга кўплаб кишилар ташриф буюришган.

Ҳозирги вақтда ҳам бу ерга келувчиларнинг аксарияти Бухоро ва унинг атрофидандир. Наршахий Нур зиёратига бориб қайтганларни ҳожилар фазилатига эга бўлиши тўғрисида ҳам ёзиб қолдирган. Нурнинг зиёратгоҳ бўлиши, бу жойдаги ерда муқаддас қадамжоларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Муқаддас булоқ, балиқлар, тарихий обидалар, Саъид ад-Дин Абул Ҳасан Нурий, Ар-Румий сингари тарихий шахсларнинг қабрлари мавжудлиги, шунингдек, араблар истилоси даврида Мовароуннаҳрга келиб қолган ва шу тупроқда фанийликдан боқийликка кетган ҳамда Нурда дафн этилган тобеинлар²⁸ қабрлари борлиги шундан далолат беради.

Нурнинг қадимий тарихини Искандар Зулқарнайн истилоси билан боғлашади. Нур атрофидаги қишлоқлардан бирида унинг ва онасининг рамзий мақбараси мавжуд ва бу жой ҳам муқаддас зиёратгоҳ саналади. Бироқ македониялик истилочининг Нурга асос солганлиги ҳақида аниқ далиллар йўқ, фақат ривоятлар, халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган айрим узуқ-юлуқ афсонавий ҳикоялар мавжуд.

²⁶. Каримов Э. Меърожнома тасвирларда. «Фан ва турмуш», № 6, Тошкент, 1997.

²⁷. Нарахший. «Бухоро тарихи», Тошкент, 1991, 95 б.

²⁸. Тобеинлар-Мухаммад Пайғамбар(с.а.с.)ни ўз кўзи билан кўрган саҳобаларни кўрган кишилар.

Сўнги йилларда Нурота зиёратгоҳига Европа давлатларидан кўплаб туристлар келишмоқда. Чунки, Нурота зиёратгоҳида зиёратгоҳ бўйлаб маълум бир йилларда нур таралиши ҳам тасдиқланган ва суратга олинган. Бу хабарлар дунё бўйлаб тарқалган. Олдиндаги мақсад ва вазифалар халқимизнинг бу муқаддас зиёратгоҳини халқаро зиёратгоҳ марказларидан бирига айлантирилиши керак.


Араб ота зиёратгоҳи

Ўзбекистоннинг катта чўлларида бўлган Қарнобчўлнинг марказидаги Тим қишлоғида 1000 ёшли арча дарахти ва шу қишлоқнинг қабристонида 1000 ёшли Араб ота мақбараси бор.

Қишлоқдаги кекса кишилар ва тарих ўқитувчиларининг хабар беришича ўтмишдаги «Буюк ипак йўли» айнан ана шу қишлоқдан ўтган. Тим қишлоғининг ҳозир чўл шароитидаги ўртача катталиқдаги қишлоқ дейиш мумкин. Лекин арча ва мақбаранинг 1000 ёшдалиги билан боғлиқ кўплаб ривоятлар айтилиб келинмоқда.

Мақбаранинг ўзи ҳам ва унинг ичидаги дахма ҳам ҳозиргача ўрганилмаган. Маҳобатли бу мақбара замонанинг не-не тўфонли йилларига ва иқлимий ўзгаришларига бардош бериб, 1000 йилдан бери мустаҳкам ҳолатда сақланиб қолганлигининг ўзи ҳам тарихчиларимизни қизиқтириши керак эди.

Мақбара билан арчанинг чўл марказида эканлиги ҳам, аксарият ҳолларда «Буюк ипак йўли»даги карвонсаройлари бўлган кичик шаҳарчанинг Тим қишлоғи атрофида жойлашганлиги ҳақида кўплаб афсоналар ҳам бор. Ҳар ҳолда Араб ота мақбарасининг қурилиши Тим қишлоғининг қадимда аҳоли сони жиҳатидан йирик қишлоқлардан бўлганлигидан далолат беради. Бу иккала тарихий ва табиий ёдгорликни мукамал тадқиқот қилиш ҳам «Буюк ипак йўли»нинг чўлдаги маршрутларидан хабар бериши мумкин.



Султон Увайс ота зиёратгоҳи

Беруний туманининг Қоратоғ даҳасидаги бу тарихий-меъморий обида ислом оламида ўзига хос ўрин тутди. Султон Увайс обидаси текис харсанг тошлардан терилган асосга бунёд этилган. Девор билан асос ўртасига уч қатор қилиб бордон жойлаштирилганки, у деворларни нурашдан химоя қилади. Деворлари пишиқ ғиштдан.

Тўғри бурчакли бино масжид хонақоси бўлиб, у хочсимон шаклга эга. Шунга кўра, бутун деворлар бўйлаб токчасимон шакл пайдо бўлган. Жануб томонда билинар-билинмас меҳроб бор. Унинг орқа томонида ошхона, кетидан айвон, меҳмонхона жойлашган. Масжиднинг жануби-шарқий бурчаги бўйлаб йўлак ҳосил бўлиб, у меҳмонхонага олиб боради.



Султон Увайс–асл номи Суҳайл бин Омир бин Румон бин Ноҳия бин Қаран бин Мурод. У Яман мамлакатининг Қаран қишлоғи муродий қабиласида милоднинг 625 йили туғилган. 659 йили (37 ҳижрий йилнинг 17 шаввол куни) Ҳазрати Алининг Форс мамлакатига исломни ёйиш учун қилган юришда Сиффин жангида 40ёшида шаҳид бўлган.



Увайс Қараний номи билан машҳур бўлган Суҳайл бин Омир Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёт вақтида дунёга келган. Пайғамбар(с.а.с.) умматнинг сарвари, авлиёлар султони Увайснинг таваллуди ҳақида хабар берган. Лекин у Пайғамбар билан дийдор кўриша олмаган. Ривоятларда Расулulloҳ



билан кўриша олмаганликларига иккита сабаб келтирилади. Биринчиси, кўзи ожиз (кўр) онаси бўлиб, уни уйда ёлғиз қолдириб кела олмаган. Иккинчиси—шариат амрини тутиб, оналик ҳаққини адо этган. Расулulloҳнинг васиятларига кўра, қолдирган табаррук хирқалари **чоҳорёрлар** тарафидан Султон Увайсга топширилганлиги тўғрисида ривоят бор. Ҳазрати Умар дарҳол: “Ўша одамни менга кўрсатинг!” дея ёнларига Ҳазрати Алини олиб, Увайс турган жойга қараб кетди.

Улар Увайснинг бир дарахт соясида намоз ўқиётганини кўриб, тугатишини кутиб туришди. Намозини битирган Увайсга салом беришди. Увайс алик олгач, ундан: “Кимсиз?” деб сўрашди. Увайс: “Ҳақ олиб ишлайдиган чўпонман”, деб жавоб берди. Ундан исмини сўрашганида эса “Абдуллоҳ” эканини айтди. Бироқ Ҳазрати Умар эътироз билдириб: “Ҳаммамиз Абдуллоҳ (Аллоҳнинг бандаси)миз. Онангиз қўйган исмини айтинг”, деганларида: “Увайсман”, дея жавоб берди.

Сўнгра икки буюк саҳобий Ҳазрати Увайс билан бир оз суҳбатлашиб, муборак омонатни — хиркаи шарифни унга топширишади ва ҳақларига дуо қилишини сўрашади. Увайс ҳам уларнинг Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Али эканини билиб, жуда севинади ва ҳақларига дуо қилади. Кейинроқ бу хирқа кўлдан-кўлга ўтиб, Усмонли султонлари томонидан Туркияга олиб кетилади. Ҳозир у Туркияда сақланмоқда.



Ислом оламида Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғойибона ошиқ бўлганларнинг сардори сифатида машҳур бу зот «Абу Амр» куняси билан танилган. Ривоятларга кўра, унинг отаси Омир яманлик бўлиб, Мурод қабиласининг қарн уруғига мансуб эди. Ҳазрати Увайс “муҳазрамлар”дан эди. Ҳадис истилоҳига кўра, “муҳазрам” жоҳилия даврини кўрган, Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларига етишгани ҳолда, у зот билан кўриша олмай, ғойибона имон келтирган кишидир. Саҳобаи киромнинг кўплари билан кўришган Ҳазрати Увайс тобеинларнинг улуғларидан. Чунончи, Ҳазрати Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ора-сира Яман тарафга юзларини буриб, бундай дер эдилар: “Яман томондан раҳмат шабадалари эсмоқда. Эҳсон ва эзгуликда тобеинларнинг энг яхшиси Увайс Қаранийдир”.

Орадан йиллар ўтди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳаётлари сўнгида муборак хирқаларини ечиб, Ҳазрати Умар билан Ҳазрати Алига бердилар ва: “Буни Увайс Қаранийга беринглар!” дедилар^{29, 30}.

Оллоқулихон Петербург сафаридан қайтиб келаётганда ўша жойда тунайди. Султон Увайс унинг тушига кириб хон бўлиши ҳақида башорат қилади. Оллоқулихон шайхга таъзим бажо айлаб, унинг шаънига катта масжид ва алоҳида ўнта чиллаҳона қурдиради.

Сўфилар анъаналарида Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.с.) билан Увайс Қараний ўртасида рухий алоқа бўлганлигини келтиришади. Шунинг учун ҳам, ислом оламида, Марказий Осиё давлатларида (Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон) Увайс Қаранийнинг шуҳрати, обрўи жуда катта ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги боболаримиз Увайс Қаранийга улуғ ҳурмати ва эътиқоди сифатида унинг ҳозирги рамзий қабрини ва бу қабр устига унинг номидаги макбарани қуришган. Худди шу даврларда ал Раккеда (Сурия давлати) ҳам Увайс Қараний зиёратгоҳи бўлган. 1988 йилда бу зиёратгоҳ зиёратчилар учун замонавий талаблар асосида бутун бир мажмуа ҳолида қайта қурилган. Зиёратгоҳнинг очилишида Эрон ва Суриянинг давлат раҳбарлари

²⁹. © Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф © islom.uz 2003-2018.

³⁰. No‘mon Abdulmajid .“Hidoyat” jurnalining 2008 yil 5-soni.

қатнашган. Бу муқаддас зиёратгоҳни 2014 йил 23-июн куни Суриялик конхўр жангарилар портлатиб, харобага айлантиришган.

Увайс Қараний ҳақида жуда кўп ривоятлар, тарихий воқеалар сақланиб қолган. Бир ривоят бўйича Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.с.)нинг урушда бир тиши синганлигини эшитган Увайс Қараний ўзининг 32 тишини уриб синдирган. Яна бир ривоят бўйича Увайс Қараний вафот этганида унинг тилакларини Олоҳ қабул қилишини билган 7 шоҳ ўз мамлакатида уни дафн қилиш учун жанжалашиб қолган ва 7 та тобутни тайёрлашган, яни у қайси тобутда бўлса ўша мамлакатда дафн қилинади. Тобутларни очиб кўришса 7 та тобутда ҳам Увайс Қаранийни кўришади. Ҳозирги кунларимизда Увайс Қаранийнинг 7 та қабри борлигини ҳам шу ривоятга боғлашади.

У кишининг мақбараси турли даврларда таъмирланган ёки бузиб янгидан қурилган: 998 милодий йили Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан қурилган. Чингиз итилоси даврида хароб бўлган. 1805–1806 йили Хива хони Элтўзархон қайта қурдирган ва учинчи маротаба 1837–39 йиллари Хива хони Оллоқулихон қурдирган. Мустақилликнинг илк йилларида мақбара қайта таъмирланиб, ўз ҳолига келтирилди.

Халқимиз азалдан ватанимиздаги барча зиёратгоҳларни азиз ва муқаддас билиб келишади. Зиёрат туризмни ривожлантиришда халқимиздаги бу улуғ одатни ва хусусиятларни этиборга олишимиз, Чўл минтақаларидаги барча зиёратгоҳлар ҳақида ахборотларни, маршрутлар, зиёрат шароитларини яратиш талаб қилинмоқда.

3.4. Чўлларнинг ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси -экотуризм ресурслари

Чўлларимизнинг ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси ўзига хос бўлган экотуризмнинг ресурсларини ташкил қилади. Экотуризмнинг экосафари (ов ва балиқ овлаш) ресурслари ҳам чўл минтақаларида ғоят биологик хилма-хилликга эга. Овчилик мавсумида чўлларнинг ҳудудлари бепаён бўлганлигидан бу минтақаларга ички ва ташқи турист овчиларни таклиф қилишнинг катта имкониятлари бор.


Шу ўринда эътибор бериш лозимки, мамлакатимизда ички экосафари туризмни ривожлантиришни кучайтириш керак. Овчилик жамиятида турган, овчиликга қизиқган ватандошларимиз ҳайвонот оламини муҳофаза қилишда кўплаб хайрли ишларни амалга ошириши мумкин. Илмий адабиётлар маълумотларидан маълумки, Овчилик жамияти рўйхатида турган овчилар сони қанчалик кўпайса браконьерлар-(дайди овчилар) сони тобора камайиб борар экан.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидан Амударё ва Сирдарё дарёлари оқиб ўтади. Сирдарёнинг сувлари ҳозирда тўлиқ суғоришга олинганлигидан унинг сувлари қуриб битаёзган Орол денгизига етиб бормади. Амударё қишки мавсумларда ўз сувини Орол денгизига қисман қуяди. Республикамизнинг чўл ҳудудларидаги барча сув ҳавзалари ва сув ресурслари ана шу икки дарё манбаи натижасида ҳосил бўлган. Шу сабабли чўлларимиздаги балиқ ресурслари республикамиздаги бошқа ҳудудларнинг балиқ ресурсларидан деярли фарқ қилмайди. Фақат булоқлардаги, тоғлардаги кичик ва ёзда қуриб қоладиган майда дарёларининг балиқ ресурслари бошқа турларни ҳосил қилади.

Шу сабабли чўл ҳудудларида туризмни ривожлантиришда ва қайд қилганимиздек экосафари туризмни ривожлантиришда чўллардаги сув омборлари, кўллар ва ташлама сув ҳавзаларидаги балиқ ресурслари муҳим аҳамият касб этади. Фақат экосафарининг балиқ овлаш йўналишида ҳукукий-меъёрий ҳужжатларни, экосафари талабларини пухта ишлаб чиқиш лозим бўлади. Айниқса, мамлакатимизда овчилик мавсумида чўлларимиздаги сув ҳавзаларига кўплаб тур қишлоғчи қушлар учиб келади. Бу ҳолатлардан ҳам экотуризмни ривожлантиришдаги имкониятларни ўранишимиз керак.

Илмий ахборотлардан маълум бўладики, ватанимизга келиб-кетаётган ҳар 100 туристнинг 50-60 таси мамлакатимизнинг табиатига ва ундаги биологик хилма-хилликга қизиқишмоқда. Шул нуқтаи-назардан ҳам чўллар минтақаларидаги мавжуд экотуристтик ресурслардан айниқса алоҳида муҳофазадаги экологик ресурслардан экотуристтик мақсадларда фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

Чўлларимизнинг ўтмишида миллионлаб сонларга эга бўлган ва ҳозирда оз сонлари қолган сайғоқлар давлат муҳофазасига олинган ва кўпайтирилмоқда. Ҳозирга келиб «Нурота» давлат табиат қўриқхонасида



қарийиб ярим асрдан бери кўриқланиб келинаётган ёввойи кўйлар-архарлар сон жиҳатдан кўпайиши ҳисобига кўриқхона чегараларидан чиқиб қадимий Қизилқумнинг қолдиқ тоғлари томон силжиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу жойлардан экотуристлик мақсадларда фойдаланиш бу ёввойи кўйларнинг аста-секинлик билан одамлар кўзига ўрганишини ташкил қилиб бориш экотуризмни ташкил қилишни осонлаштиради.



Қизилқум эчкемари эса халқаро «Қизил китоб»га киритилган бўлиб ватанимиз табиатидаги бу ноёб судралувчи яшаётган жойларга ҳам экотуристлик маршрутлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Қизилқум эчкемари одамларга бошқа судралувчиларга қараганда анча осон ўрганади.

Ўзбекистоннинг чўлларидаги ўсимликлар дунёси -экотуризм ресурслари.

Экотуризмнинг экологик билимни шакллантиришда ва табиат муҳофазасидаги ўрни, талабаларга ўсимликлар ҳақида маълумотлар бериш нуқтаи-назаридан ўсимликлар оламига бироз кенгрок тўхталиш зарурати бор. Ўсимликлар-Ердаги ҳаёт манбаи. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг яшаши учун Ерни атмосфера кислороди билан таъминлайдиган ўсимликлар карбонат ангидрид ютиб атмосферани тозалаб туради. Фотосинтез жараёнида ўсимликлардаги яшил хлорофил пигменти куёш нурларини ютиб оддий углевод-узун ишкорини синтез қилади. Бу жараёнда куёш энергияси-кимёвий моддалар энергиясига айланади.


Ер юзида ҳаммаси бўлиб 265000 тур ўсимлик бор. Шулардан 92% и қуруқликда 8% и сувларда ўсувчи ўсимликлардир. Ўсимликлар турларининг 50% и гулли ўсимликлар, 27% и замбурғлар, қолганлари мох ва лишайниклардир. Қуруқликдаги ўсимликлар тузилишига қараб 6 гуруҳга ажратилади. Дарахтлар, буталар, ярим буталар, ўт ўсимликлар, мохлар, лишайниклар.

Ўзбекистоннинг ўсимлик ресурслари-4148 тур ўсимликлардан иборат. Шулардан 390тури эндемик тур ҳисобланади, 577тур шифобахш ўсимликлардир, 115 тури илмий таботатда ишлатилади, 47 тури халқаро давлатлар фармокалогиясига киритилган. Ўзбекистон ўрмонлари асосан тоғ, тоғ олди, воҳалардаги дарёлар қайирларидаги тўқайзорларда ва қисман чўлларда жойлашган. Чўлларимизда -498 тур, адирларимизда -638 тур, тоғ ва баланд тоғларимизда - 1048 тур ўсимликлар ўсади.

Флорамиздаги 1500 тур ўсимлик чорва учун озуқавийлик хусусиятига эга. Шундан 550 турини чорва моллари аъло даражада ейишади, 180 тури дастурхонимиздаги озиқ-овқатимизда, 20 тури зараворчиликда, 400 тури ошловчи, 150 тури турли бўёқчиликда ишлатилади. Бу Ўзбекистонда ўсимлик дунёсининг турлари бойлигини кўрсатади. Бироқ ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга масъулиятсиз муносабатда бўлиш ва ундан нооқилона фойдаланиш, унинг камбағаллашишига олиб келади.

Ўзбекистоннинг қўйидаги ўсимликлари халқаро "Қизил китоб"га киритилган ва қаттиқ муҳофаза қилинади. Улар қўйидагилар; тоғ пиёз, омонқара, балқурай, коврак, сумбул, товсағиз, пахмоқ ковар, етмак, хурмо, қизил лола, тарғил лола, чинор, анор. Ўзбекистонда 301 тур ўсимликнинг йўқолиб кетиши хавфи бор. Масалан, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига 163 турдаги ўсимликлар, 1999 йилда 301 тури, 2006 йилда эса 305 тури киритилди. Ўсимликларнинг кўпчилик турлари ёввойи ўсади, бу ўсимликлардан жадал суръатларда хом ашё тайёрлаш ёки манзарали турларини оммавий тўплаш ва тайёрлаш (лола, саллагул, қуёнлаб, ширач, ровоч) сабабли "Қизил китоб"га тушиб қолди.

*Фақат сугориладиган ҳудудларда
ўсадиган бу дарахтлар ўтмишида
Қизилқум чўлларида
гуллаб-яшнаган воҳалар
бўлганлигининг гувоҳи
сифатида қум барханлари
орасида ҳамон
кўкариб турибди*



Доривор ва озуқа хом ашёсини тайёрлаш ҳажмини ихтиёрий белгилаш қизилмия, андиз, зирк бутаси, сарикчой, чирмовуқгул, эфедра каби ва бошқа ўсимлик турлари захиралари кескин камайишига сабаб бўлди.

Мамлакатимиздаги ўсимликлар оламидаги эндемиклар хатто қўшни давлатлар ўсимликлар қатламида ҳам учрамаслиги табиатимиздаги ўзига хос ноёб ҳодисадир. Экотуризмни ривожлантиришда бу имкониятдан фойдаланишимиз лозим. Бунинг учун эса бу эндемик ўсимликларнинг биологик ва хўжалик хусусиятларини, халқ хўжалигида фойдаланиш усулларини ва уларнинг ўсиши ареалларини яхши ўрганишимиз ва экотуризмда фойдаланиш хариталарини ишлаб чиқишимиз лозим бўлади. Ушбу харитага асосланиб, экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишимиз ва бу экотуристик маршрутларнинг рекламасини ички ва ташқи экотуристик бозорга чиқариш ҳам ватанимизда экотуризмни ривожлантиришда катта имкониятларни яратади.

Қайд килинган маълумотлардан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг чўл ва адир ҳудудларида келгусида туризмнинг асосий объектлари, ресурслари бўладиган масканлар, табиат гўшалари, биологик хилма-хил ресурслар, манбалар кўп экан. Чўл ва адир ҳудудларимиздаги бундай туристик ресурслардан фойдаланиш муаммоларини хал қилинишини талаб қилади.

Чўлнинг ўсимликлари



Қумли чўл яйловлари



Қумли чўл яйловлари баҳорда



Гипсли-тошлоқ чўл яйловлари: об-ҳаво қуруқ ва сернам келган йиллари

Чўлларимизда ўсадиган қора ва оқ саксовул чўл яйловларидаги асосий озуқа ва чўл халқининг асосий ўтини ҳисобланади.



Саксовулзорлар қишда нам тўплаб баҳорги ўтларнинг ривожланишига шароит яратади



Чўлнинг дарахти бўлган саксовул ўта қуруқ чўл иқлимида ҳам ўсишга мослашган



Саксовулнинг гуллаш давридаги новдаси ва тупи



Қумли чўлдаги балиққўз ва чўлларнинг иккинчи дарахти қандим гуллаши даврида



Катта қандим-жузгун




Медузабош қандим



Чўл бутаси борджоқ ва бир йиллик шўра ўт гуллаши даврида



*Чўлнинг шифобахш ўсимликлари қумпиёз ва ферула
-каврак гуллаши даврида*



*Чўлдаги бу лолаларнинг номлари бизларга жасур малика Тўмариснинг
авлодларини ва буюк Туроннинг қадимий номи-Сўғдиёни эслатиб
келмоқда (Tulpa Massgetova, Tulipa Cogdiana)*



Чўлларимиздаги мўъжизалардан бирининг фақат баҳорда кўриниши.

3.5. Чўллардаги табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмахоналари- экотуризм ресурслари

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида экотуризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Чунки, халқаро экотуризмнинг асосий ресурслари алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, миллий парклар, табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмахоналари ҳисобланади.

Ўзбекистон республикасида ҳам ҳозирга келиб 4 та миллий парк, 8 та давлат табиат қўриқхонаси ва 10 та давлат буюртмаси(заказник) ташкил қилинган³¹. Бу қўриқхоналар ватанимизда экотуризмни ривожлантиришда асосий экотуристтик объектлар ҳисобланади. Шулардан, мавжуд 8 та табиат қўриқхонасидан 3 таси чўллар ва чўллар табиати билан боғлиқ ҳудудларда, мавжуд 10 табиат буюртмахонасининг барчаси чўлларда жойлашган. Чўлларимизда ягона бўлган «Сармиш миллий боғи» бор.


«Сармиш миллий боғи» Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.1997 йилдаги қарори билан маҳаллий даражада ташкил қилинди. Ҳудуд сахро пастоғликларини, уларнинг флора ва фаунасини муҳофаза қилади. Бу ерда 10000 дан ортиқ қояга туширилган қадимий расмлар-петроглифлар мавжуд. Бу жаҳон миқёсида ҳам жуда ноёб ҳисобланади ва турли мамлакатлардан олимлар ва туристларда катта қизиқиш уйғотади. Миллий боғнинг майдони 5000 га ва Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратида.

Навоий вилоятдан 40 км масофа узокликда дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган Сармишсой қоятошларидаги ибтидоий одамларнинг 7 минг йил олдин чизган расмлари жойлашган. Жами 10 000 расмлардан 650 таси антик давр расмлари деб топилди. Ҳозиргача мавжуд расмларда 35 тур ҳайвонлар тасвирланганлиги аниқланди. Аксарият расмларда ўша давр одамларининг яшаш шароитлари ва ҳаёти тасвирланган. Сармишсой ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон халқларининг маданий меъроси рўйхатига ҳозирча номзод бўлиб турибди. Сапмишсойга ички ва халқаро туристик



³¹ Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи, Тошкент, 2007

оқим кучаётганлиги учун ҳозирда бу ерда, чўлнинг бағрида «Сармишсой» замонавий дам олиш уйи фойдаланишга топширилди.



Ўзбекистон Республикасининг чўлларида қуйидаги кўриқхоналар мавжуд: Бадай-тўқай; Қизилқум; Нурота; (3-жадвал). Жадвал маълумотларидан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг чўлларидаги табиат кўриқхоналари мамлакатимизнинг чўллари табиати, чўллар билан улашган паст тоғлар ва чўллардаги тўқайзор минтақаларида жойлашган. Бундай қулай салоҳият, шароитдан экотуризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш имкониятларни табиатнинг ўзи бизга яратиб берган. Чўлларимиздаги Давлат табиат кўриқхоналаримиздан на фақат халқаро туризмда балки, ички туризмда ҳам фойдаланиш масалаларини ҳал қилишими лозим.

3-Жадвал

Ўзбекистон Республикасининг чўллари ва адирларидаги давлат табиат кўриқхоналари.

Кўриқхоналар	Ихтисослашуви	Майдони, га
1.Нурота тоғ-ёнғок ўрмонлари кўриқхонаси	Тоғ-ёнғокзор ўрмонлари ва чўлларнинг ландшафтлари, Грек ёнғоғининг табиий популяциялари, ёввойи архарларнинг табиий популяциялари муҳофазаси.	21137,5
2.Бадай- тўқай биосфера резервати	Тўқайзорлар ландшафти.Халқаро Қизил китоб»даги Бухоро буғусининг табиий популяцияси, тўқайзорлар ва чўл ўрмонларининг муҳофазаси.	6462,1
3.Қизилқум кўриқхонаси	Тўқай- қум ландшафтлари. Бухоро буғусининг табиий популяциялари.	10311,06

Афсуски, ҳозиргача бу кўриқхоналарнинг табиати ва уларда муҳофаза қилинаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини ватандошларимизнинг бармоқ билан санарли миқдордаги илмий мутахассислари, олимларигина билишади. Олий ва ўрта махсус таълимдаги талабаларимиз табиат кўриқхоналарининг номларинигина билишади холос. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда халқаро ЭКОНЕТ таклиф қилган энг қулай моделлардан фойдаланиш муаммоларини тезликда ҳал қилишими лозим

бўлади. Қуйида Ўзбекистоннинг Республикасининг чўл худудларидаги табиат кўриқхоналари ҳақидаги маълумотларга тўхталамиз.

Нурота давлат кўриқхонаси

Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбида Жиззах вилояти Фориш туманидаги Нурота тизмасининг марказий қисмида жойлашган. 1975 йилда ташкил қилинган. Кўриқхона майдони 17752 га, шундан 2529 га ўрмон билан қопланган, шимолий қисми Қизилқум чўлларида иборат. Ёнғоқнинг қадимий турларини сақлаб қолиш ва Северцов кўйининг ноёб



популяциясини ҳимоялаш кўриқхонанинг асосий мақсади ҳисобланади. Помир-Олой тоғ тизими ва Қизилқум чўлининг оралиғида жойлашган кўриқхонада тоғли, чўлли ва бореал турлар, шунингдек кўп миқдорда эндемикларни ўз ичига олган ўзига хос флора шаклланди. Асосий муҳофаза қилиш объектлари эндемиклар, реликт ва ноёб ўсимликлар ва ўсимлик ҳамжамиятлари ҳисобланади.

Кўриқхона флораси 600 дан ортиқ (27 эндемик) турни қамраб олган. Авваллари Нурота тизмаси арча ўрмонлари билан қопланганди, лекин улар ўтган асрдаёқ кесиб ташланган. Кўриқхонада атиги 30 га яқин арча қолган. Кўриқхона фаунаси 183 турдан иборат, шундан 13 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган.

Нурота давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади. Кўриқхонанинг Осрафсойида қадимги қоятошларга чизилган қадимий расмлар сақланиб қолган. Мужрумсойида эса 1000 ёшли арчалар бор. Ухум, Синтобсой, Устун қишлоқларида ҳам Александр Македонский номи билан боғланиб қолган жойлар, 1000 ёшли дарахтлар давлат муҳофазаси рўйхатига олинган.

Қизилқум давлат кўриқхонаси

1971 йилда ташкил топган, Бухоро вилоятида жойлашган. Кўриқхона майдони 10311 га ни ташкил қилади, шундан 5144 га ўрмон билан қопланган, 6964 га қумли зонада ва 3177 га Амударё бўйида жойлашган.

Кўриқхона худудида 250 турдаги ҳайвон мавжуд, шундан 10 дан ортиқ тури ТМХИ «Қизил китоби»и ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган; 160 турдаги ўсимлик учрайди, шундан 2 тури Ўзбекистонда.



Республикаси «Қизил китоб»ига кирган. Бухоро буғуси алоҳида эътиборга молик, унинг сони 1991 йилдан бери 200 бошгача кўпайди. Қизилқум давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади. Ҳозирда сони 5 мингдан ошган Амударё тустовуғи ҳам асосий муҳофазадаги қушлардан ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудларида ҳозирда жайрон ҳам кўпайтирилмоқда.

«Бадай-тўқай» халқаро биосфера резервати

1971 йил октябрь ойида тўқай ландшафтини ва унинг ҳайвонот оламини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида олтинчи ва Қорақалпоғистонда биринчи қўриқхона сифатида ташкил топган. Қўриқхона Қуйиамударёнинг ўнг соҳил тўқайзорларида ватанимиз ҳайвонот оламида эндемик бўлган халқаро «Қизил китоб»даги Бухоро буғусини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсади да Қорақалпоғистон Республикасида Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудларида ташкил қилинган. Қўриқхонада 91 тур қушлар яшайди шулардан 18 тури қишлоқчи қушлар ҳисобланади. 1975 йилда қўриқхонага 4 бош Бухоро буғуси келтирилган эди, ҳозирда уларнинг сони 350 бошдан ошди. Қўриқхона БМТнинг Ўзбекистондаги тараққиёт лойиҳаси бўйича халқаро биосфера резерватига айлантирилган.



Майдони 6462 га, хусусан, ўрмон билан қопланган ери 3975 га. Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудида, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган. Тўқай чангалзорлари майдоннинг 70 фоизини эгаллайди. Ҳайвонот олами 91 турдан ортиқ қуш, 15 турдаги сут эмизувчи ва 15 турдаги балиқларни ўз ичига олади. «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси ТМХР Қизил китоби, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»и, СИТЕС II Иловасига киритилган Бухоро буғусини (хонгулни) кўпайтириш ва муҳофаза қилиш билан шуғулланади. «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

Майдони 6462 га, хусусан, ўрмон билан қопланган ери 3975 га. Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудида, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган. Тўқай чангалзорлари майдоннинг 70 фоизини эгаллайди. Ҳайвонот олами 91 турдан ортиқ қуш, 15 турдаги сут эмизувчи ва 15 турдаги балиқларни ўз ичига олади. «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси ТМХР Қизил китоби, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»и, СИТЕС II Иловасига киритилган Бухоро буғусини (хонгулни) кўпайтириш ва муҳофаза қилиш билан шуғулланади. «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

Ўзбекистоннинг табиат буюртмахоналари. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда яна бир салоҳиятли экотуристтик объектларнинг бири-табиат Буюртмахоналари ҳисобланади³². Ватанимизда турлари камайиб кетаётган

³². Фуломов П., ва бошқ., Туркистон табиий географияси. Тошкент, 2000, 192 б.

ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиий ландшафтларни маълум бир муддатларда муҳофаза қилувчи 10 та табиат буюртмахоналари бор.

Бу буюртмахоналарлар мамлакатимиз чўллар ва тўқайлар ҳудудларининг барча табиий ландшафтлари мажмуаларини қамраб олган бўлиб флора ва фаунамиздаги кўплаб ноёб биологик хилма-хилликни, табиий ландшафтларни, сув ҳавзаларини ва уларда муҳофаза қилинаётган ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсини, ватанимизда қишлаб кетадиган қушларни муҳофаза қилади(4-Жадвал). Бугунги кунда Ўзбекистоннинг чўллари ҳудудларида фаолият юритадиган 10 та табиат буюртмахонаси мавжуд.

4 -Жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг чўл ҳудудларидаги табиат
Буюртмахоналари**

Буюртмахоналар	Ихтисослашуви	Майдони, га
1. Арнасой буюртмахонаси	Сув ҳавзаси табиати, Қушлар ва қишлоғчи қушларнинг муҳофазаси.	63300,0
2. Денгизкўл буюртмахонаси	Сув ҳавзаси табиати, Қушлар ва қишлоғчи қушларнинг муҳофазаси.	50000,0
3. Қорақир буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Жайрон ва қишлоғчи қушларнинг муҳофазаси.	30000,0
4. Қарнобчўл буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Тувалоқ, қорабовур ва жайронларни ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси.	40000,0
5. Қўшрабод буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Тувалоқ, қорабовур ва жайронларни ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси.	16500,0
6. Нуробод буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Саксавулзорлар, тувалоқ ва кобрани муҳофаза қилиш.	29000,0
7. Оқтоғ буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни муҳофаза қилиш.	2500,0
8. Сайгачи буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари. Сайғоқларни муҳофаза қилиш.	1000000,0
9. Судочье буюртмахонаси	Сув ҳавзалари табиати. Балиқлар ва кўчиб ўтувчи қушларни муҳофаза қилиш.	50000,0
10. Муборак буюртмахонаси	Чўл ландшафтлари, биохилмаҳиллиги ва асосан йўрға- тувалоқни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш.	219534

1. «Денгизкўл» давлат орнитологик буюртмахонаси ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йилдаги 530-сонли қарори билан ташкил қилинган, фаолияти муддати Бухоро вилояти ижроқўмининг 26.06.90 йилдаги 157-11-сонли қарори билан (муддатсизга) узайтирилди. Буюртмахона майдони 50 минг га. Ташкил қилишдан мақсад—учиб ўтадиган сувда сузувчи қушларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, қишлаш ерларини, яшаш муҳитини сақлаб қолишдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси ихтиёрида.

2. «Қорақир» давлат буюртмахонаси Бухоро вилояти ижроқўмининг 25.01.92 йилдаги 15-1-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртма хонанинг

муддати чекланмаган. Майдони 30 минг га. Ташкил қилишнинг мақсади—учиб ўтадиган қушлар ва бошқа ҳайвонларни, улар яшаш ва кўпайиш ерларини муҳофаза қилишдан иборат. Давлат табиат қўмитаси, Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

3. Арнасой орнитологик буюртмахонаси Жиззах вилояти Фориш туманидаги Тузкон кўлида ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 9.09.83 йилдаги 521-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахона майдони 63,3 минг га. Буюртмахона муддати чекланмаган. Ташкил қилишдан мақсад—учиб ўтадиган ва уя қурадиган қушларни муҳофаза қилишдир.

4. «Сайгачи» давлат буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 311/42-сонли қарори билан ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарори билан буюртмахона тартибининг амал қилиш муддати 2020 йилгача узайтирилди. Буюртмахона майдони 1 млн. га. Буюртмахона сайғоқлар CITES II ва улар яшаш жойлари—миграция йўллари, қишлоқ ва кўпайиш ерлари, шунингдек, бошқа, биринчи навбатда, «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар—тувалоқ, йўрға-тувалоқ кабиларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўйсунди.

5. «Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 311/42-сонли қарорига мувофиқ ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарорига мувофиқ буюртмахона тартибининг амал қилиш муддати 2020 йилгача узайтирилди.

Буюртмахона майдони 50 минг га. Орнитологик буюртмахонасини ташкил қилишдан мақсад—Амударё соҳилбўйидаги сув-ботқоқлик жойлари биологик комплексини сақлаб қолиш, учиб ўтадиган қушларни, улар кўпайиши ва дам олиши жойларини муҳофаза қилишдан иборат. Ҳар йили кўлда юз минглаб сувда сузувчи ва сув яқинида яшайдиган қушлар дам олади ва кўпайишади. Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўйсунди.

6. «Муборак» давлат буюртмахонаси Қашқадарё вилояти ҳокимиятининг 5.12.98 йилдаги Х-344/12-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони ўзгартирилган—219534 га. Ташкил қилиш мақсади—йўрға-тувалоқ, унинг яшаш жойлари ва бошқа ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларини сақлаб қолишдан иборат.

7. «Оқтоғ» давлат буюртмахонаси Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Навоий вилояти Нурота туманидаги Оқтоғ тизмасида жойлашган. Буюртмахона майдони 15420 га. Ташкил қилиш мақсади— «Оқтоғ» тоғли мавзеси табиий комплексини сақлаб қолиш.

8.«Қарнабчўл» давлат буюртмахонаси Навоий вилояти ҳокимияти нинг 9.07.98 йилдаги Ф-90-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 25 минг га. Ташкил қилишдан мақсад– биринчи навбатда, йўрға-тувалок ва унинг яшаш жойлари, шунингдек, бутун Қарнабчўл биологик комплексини сақлаб қолиш. Буюртмахона йўрға-тувалок кўплаб учиб ўтадиган йўлда жойлашган.

9.«Кўшрабод» давлат буюртмахонаси Самарқанд вилояти ижроқўми нинг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 16 минг га. Ташкил қилишдан мақсад– «Қизил китоб»га киритилган хайвонлар–йиртқич қушлар, Нурота кўриқхонасидан буюртмахона ҳудудига кирадиган Северцов кўйини (*Ovis ammon severtzovi*) муҳофаза қилишдир.

10.«Нуробод» давлат буюртмахонаси Самарқанд вилояти ижроқўми нинг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 40 минг га. Ташкил қилишдан мақсад– ёввойи хайвонлар, жумладан, йўрға-тувалок ва унинг яшаш жойлари, бутун табиий чўл комплексини муҳофаза қилишдир.

Қайд қилинган табиат кўриқхоналарига, буюртмахоналарига турмар шрут орқали бориш ҳам экотуристлар учун зерикарли бўлмайди аксинча, табиат ландшафтлари, табиий минтақалар ўзгариб борганидан экотуристлар кўз ўнгиде хилма-хил ўсимликлар дунёси ва хайвонот олами ҳам ўзгариб боради.

Экотуризмни ривожлантириш дастурларини режалаштириш ва тайёрлашда биринчи навбатда, мамлакатимизда ички экотуризмни ривожлантиришга катта эътибор беришимиз лозим бўлади. Чунки, давлат табиат кўриқхоналарига туристларнинг, табиатга қизиқувчиларнинг кўйилмаслиги натижасида аҳолининг, талабаларнинг, мактаб ўқувчиларининг кўриқхоналаримиз ҳақидаги билимлари жуда кам. Шунинг учун ҳам халқаро экотуризм ривожланган давлатларнинг айниқса, экотуризм ривожланган Европа давлатларининг бой тажрибаларини кўриқхоналаримизда қўллаш вақти келди. Бунинг учун биринчи навбатда ватанимизда алоҳида муҳофазадаги ҳудудлардан экотуристлик мақсадларда фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқишимиз лозим.

Экологик парваришхоналар (Питомниклар)- халқаро “Қизил китоб” рўйхатига тушган бутунлай йўқотилиш арафасига келган ноёб хайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун махсус табиий шароитларда ва махсус режимда давлатлар томонидан ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилотлари томонидан ташкил қилинади. Мамлакатимизда Бухоро вилоятида халқаро “Жайронхона” парваришхонаси ва Тошкент вилоятида “Сайхун табиат хўжалиги” парваришхона мақомига тенглаштирилган “Сайхун табиат хўжалиги” табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро талаблар даражасида фаолият кўрсатмоқда.



1976 йилда республикада биринчи марта Бухоро вилоятида 5145 га майдонда жайронларни боқиш бўйича ихтисослаштирилган питомник ташкил қилинди. 1989 йилда питомник ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш маркази-«Жайрон» экомарказига айлантирилди.

«Жайрон» экомаркази ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ихтисослашган жаҳон миқёсида ўзига хос бўлган табиат кўрикхонаси ҳисобланади. 1977 йилда ташкил этилганида экомарказ «Бухоро жайронларни кўпайтиришга ихтисослашган питомник» деб номланарди ва унда 42 та жайрон, 4 та кулон ва сайғоклар боқиларди.

Кейинчалик унда халқаро ва миллий «Қизил китоб» ларга киритилган хонгул (Бухоро буғуси), гепард, йўрғатувалоқ ҳам боқилди. Питомникнинг олдида жайронларни кўпайтириш, улар биологиясини ўрганиш ва популяцияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазифаси кўйилди.

Ижобий натижалар олинганидан кейин питомник бошқа ноёб турлар- кулон, Пржевальский оти, йўрғатувалоқни кўпайтириш билан шуғулланди, бу ерда сайғоклар подаси ҳам бор. Фаолиятини кенгайтириш ва ҳайвонларни кўпайтириш соҳасидаги муваффақиятлари туфайли 26.12.98 йилда Вазирлар Кенгашининг фармойиши билан питомник «Жайрон»

экомарказига айлантирилди. Экомарказ майдони 7153 га бўлиб, шундан 5145га браконьерлар ва йиртқичлардан ҳимояланиш учун металл тўрли тўсиқ билан ўралган.

Питомникда тутқунлик шароитида ҳайвонларни ўрганиш ва зарурат туғилганида ҳайвонлар болаларини қўлда овқатлантириш имконини берадиган вольерлар тизими қурилган. Ҳозирги пайтда 2007 йилдаги ҳисобга кўра



жайронлар миқдори 549 бош, Пржевальский отлари 35 бошгача, Ўзбекистон табиатида йўқолиб кетган кулонлар 55 бошгача етган. Жайронни вольтерда кўпайтириш соҳасидаги ишлар энг муваффақиятли кетмоқда. Экомарказ фаолият юритган вақт давомида тутқунликда кўпайтирилган ҳайвонларнинг 30 та авлодини олишга муваффақ бўлинди. Бунда ҳайвонот боғлари ва хусусий коллекцияларга 200 дан ортиқ жайрон, 5 та Пржевальский оти сотилган, 822 бош жайрон тарқатилган, овчилик маҳсулоти (жайрон) 128 бошни ташкил қилди. Ҳозирги пайтда унинг майдони 7,1 минг га гача кенгайтирилди.



Унинг ҳудудида Ўзбекистон “Қизил китоб”и ва ТМХИ “Қизил китоб”ига киритилган жайрон, Пржевальский оти, кулон, йўрға тувалоқ ва бошқа ҳайвонлар яшайди. «Жайрон» экомарказида Бухоро қўйини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ёввойи ҳайвонлар сонининг сўнги ҳисобига кўра, экомарказ ҳудудида 549 та жайрон, 55 та кулон, 35 та Пржевальский оти, 9 та Бухоро қўйи ва битта морхўр мавжуд. 2007 йил апрель ва август ойларида Москва ҳайвонот боғи ва Тожикистон миллий боғига тегишли равишда 15 тадан жайрон юборилган.

Ўзбекистон Республикасида табиатшунос тадбиркорлар иккита хусусий питомник ташкил қилди. Бу Ўзбекистонда кўриқланадиган ҳайвонлар ёки ўсимлик турини хусусий мулкга беришда дастлабки истиқболли йўналишдир. Табиат ва унинг биологик ресурсларини муҳофаза қилишда хусусий мулкчилик бутун жаҳонда самарали йўналишлардан ҳисобланиб келинмоқда. Мамлакатимиздаги дастлабки хусусий питомниклар қуйидагилар:

1. Бухоро вилоятида (Пешку тумани) йўрға-тувалоқни кўпайтириш бўйича «Emirates Birds Breeding» МЧЖ питомниги (2007 й.);
2. Навоий вилоятида (Кармана) йўрға-тувалоқни кўпайтириш бўйича «Emirates Centre for Conservation of Houbara» МЧЖ питомниги (2008 й.).



Чўлнинг йўрға тувалоқ қуши йил мавсумларида

3.6. Чўлларда овчилик туризмнинг ресурслари

Ўзбекистоннинг чўл ва адир худудлари мамлакатимизнинг овчилигидаги асосий майдонлар ҳисобланади. Чунки, чўл ва адир худудларининг майдонлари бутун худудларимизнинг 70% ини ташкил қилади. Чўл ва адирлада жойлашган табиат кўриқхоналари ва табиат буюртмахоналаридан ташқари чўлнинг ва адирлар майдонларидан овчиликда фойдаланишга рухсат берилган. Ов қилиш учун Ўзбекистон овчилик жамиятининг аъзолигига кириш талаб қилинади ва Ички ишлар вазирлиги рухсати билан ов милтиғи олинади. Овга чиқиш олдидан овламоқчи бўлган ҳайвонлар ёки паррандалар учун рухсатнома олиш лозим.

Ўзбекистоннинг чўл ва адир худудларидаги ов майдонлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Чўл ва адир худудларида овчиликга рухсат берилган майдонлар;
- Денгизкўл сув омбори;
- Тўдакўл сув омбори;
- Аёзкўл сув омбори;
- Амударё соҳиллари;
- Айдаркўл-Арнасой сув ҳавзаси;
- Шўркўл сув ҳавзаси;
- Чўлларнинг ичидаги тўқайзорлар;

Овчилик туризмини чет элларда *экосафари* туризми деб номлашган. Мамлакатимизда овчилик туризмини ривожлантириш масалаларини ўрганишга ҳанузгача киришилган эмас. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари ватанимизда овчиликнинг оммайвийлашмагани, овчиликнинг рекламаси ва зарурий ташвиқотлари, тадқиқотлари деярли йўқ ҳисобланади. Шунингдек, овчилик туризми ҳақида ҳаттоки, илмий-амалий мақолалар ҳам чоп қилинмаяпти. Лекин овчилик жамияти фаолият кўрсатмоқда, овчиликнинг ҳолати ҳақида ахборотлар камлигидан овчилик ҳақида тўлиқ маълумотларни келтириш анча мураккаб.

Овчилик ов мавсумида ёввойи ҳайвонларни шахсий манфаат йўлида қириш эмас балки, маълум бир овчилик минтақаларида ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг ўша минтақа худудларида сонининг кўпайгани ва сонларни яшаш минтақаларидаги озуқа миқдорига мослаштириш, мувозанатлаштириш учун ва одамларнинг қузғи-қишки мавсумларда дам олишлари учун ташкил қилинади.

Иккинчидан, маълум бир табиий минтақаларда ёввойи ҳайвонларнинг шу минтақадаги табиий озиқ-овқат миқдоридан кўп бўлиши уларнинг қишнинг суронли кунларида озиқ-овқат етишмаслигидан ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлади. Бу табиий минтақаларда албатда овчиликка рухсат берилади. Ов натижасида ушбу табиий минтақадаги ёввойи ҳайвонлар ва қушлар сони меъёрлашади. Бундай режалаштиришни Ўзбекистон Республикасининг овчилик жамияти бошқариб боради.

Мамлакатимизда 3,8 млн.га овчилик майдонлари бор. Аниқроғи, ватанимиздаги маҳаллий овчилар ҳозирги кунда ушбу кўрсатилган майдонларда ов қилишмоқда. Таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда овчиликнинг

ривожланганлиги ёки овчилик қандай даражаларда эканлиги ҳақида оммавий ахборотларда мақолалар деярли чоп қилинмайди.

Дастлаб шу ҳолатни қайд қилиш керакки,режасиз ов қилиш натижасида овланадиган ҳайвонларнинг сони кескин қисқариб кетади ва бу ҳайвонлар дарҳол давлат муҳофазасига олинади. Бундаин турларни яна тиклаш учун кўплаб маблағлар ва узоқ вақт муддатлари талаб қилинади. Экосафарининг-овчилик туризмнинг биринчи навбатдаги вазифаси эса табиатда ов қилишдан завқланиш ва дам олишдир.

Экосафари табиатда ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларни фақат овга рухсат берилган муддатларда режали,рухсатли ов қилишга тарбиялайди ва ўргатади. Овчиликнинг энг ашаддий душманлари-бу браконьерлар-дайди, овчилик жамиятига аъзо бўлмайдиган ва рухсат берилмаган вақтларда ҳам ов билан шуғулланадиган,рухсат берилмаган ҳайвонлар ва паррандалар турларини ҳам овлайдиганлар-табиатнинг ашаддий душманлари ҳисоб ланади. Уларнинг яширин фаолияти натижасида жамиятга ҳам зарар етади. Ҳайвон турларини режасиз ов қилиш натижасида ушбу ҳайвондан олинадиган маҳсулотларнинг нархи кўтарилиб кетади ёки умуман йўқолади.

Масалан, 1950 йилларда мамалакатимизга ондатра келитирилди ва иқлимлаштирилди (Қорақалпоғистон,Орол денгизи қамишзорларида). Иқлим шароитларига қулай мослашаган бу мўйнали ҳайвон жуда тезлик билан кўпайди ва Республикаимизнинг деярли барча сув ҳавзаларига тарқалди. Натижада 1960 йиллар охири ва 1970 йилларда Қорақалпоғистонда ондатра мўйнасини тайёрлаш юз минглаб донага етди.

Кейинчалик сув пасайиши, қуриши ва браконьерлар фаолиятининг кучайиши натижасида ондатра мўйнасини тайёрлаш ҳажмлари кескин пасая бошлади: 1988 йилда -30,8 минг дона, 1989 йилда-17,5 минг дона, 1990 йилда-7,5 минг дона, 1991 йилда-6,7 минг дона, 1992 йилда-9 минг дона, 1993 йилда-6 минг дона, 1994 йилда-5 минг дона, 1995 йилда-6 минг дона, 1997 йилда-1 минг дона. Ҳозирги пайтда ондатра овлаш тўхтатилган. Жуда нафис бўлган ондатра мўйнасидан тайёрланган иссиқ кийим бошларнинг нархи бу ҳайвон сони кескин камайиши билан бозорларда кўтарилиб борди. Ҳозирда браконьерлар тайёрлаётган ондатра мўйнасидан тикилган кийим- бошлар эса жуда қиммат ҳисобланади.Республикаимизда асосий овланадиган ҳайвонлар ва ёввойи паррандалар: тўнғиз, каклик, ўрдаклар, тулки, қирғовул, қуёнлар, бўрсик, жайра, каптарсимонлардир.

Республикаимизда овчилик туризмни ривожлантиришда биринчи навбатда овчилик ҳудудларидан ҳар йили овланадиган ҳайвонлар ва паррандаларнинг сони овчилик майдонлари бўйича таҳлил қилиниши лозим. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг чўл ва адир ҳудудларида овчилик туризмни ривожлантириш нинг маҳаллий дастурларини, режаларини тайёрлаш ва бошқа кўплаб ташкилий–иқтисодий ишларни амалга оширишга тўғри келади.

Чўлларимизда овчилик туризмни ривожлантиришнинг энг мақбул йўллари бу-овчиликнинг рекламаси ва ахборотлари ҳисобланади. Институтларда «Экология» ва «Экологик туризм» фанларидан ўқиладиган

маърузаларда ва шу фанларнинг амалий машғулотларида талабалар Республикамизда овчиликнинг тартиб-интизомлари ва ҳуқуқий меъёрлари ҳақида жуда кўплаб саволлар беришади.

Бу ҳолатдан хулоса чиқариш мумкинки, Республикамиз туманлари ва вилоятларидаги овчилик жамиятлари институтлар, университетлар ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари, шаҳарлардаги маҳаллалар аҳолиси билан доимий равишда овчилик, унинг дам олиш ва фойдали томонлари ҳақида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишлари талаб қилинмоқда. Иккинчидан, овчиликнинг моддий жиҳатлардан фойдали томонлари- гўшт ва мўйна олишга эга бўлишлигининг тартиботлари, ҳуқуқий меъёрларини тушунтириш ҳам рўйхатда турувчи овчиларнинг кўпайишига замин яратади.



Ўзбекистоннинг чўл ва адирларида овладиган ҳайвонлар



Экосафарини ривожлантириш учун биринчи навбатда Ватанимизнинг чўл ва адир ҳудудларида овчилик туризмни ривожлантиришнинг истиқболли имкониятлари мавжудалиги ва бу имкониятлардан туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-меъёрларини яратиш талаб қилинади.

Иккинчидан, чўл ҳудудларида овчилик туризмнинг ташвиқот-тарғибот йўналишини ташкил қилиш, чўл ҳудудларида овчилик туризмни ташкил қилишнинг вилоятлар ва туманликлар ҳокимликларида кўнгилчилар, ҳаваскорлар иштирокида ахборотлаш марказларини ташкил қилиш ҳам яхши натижаларни бериши аниқ.

Учинчидан, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг вилоятлардаги Бошқармаларининг бу йўналишда ташаббускорлигини ошириш вақти келди.

Тўртинчидан, овчиликнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва табиатнинг биологик ресурсларни муҳофаза қилишдаги муҳим аҳамиятини аҳоли орасида доимо ташвиқот қилиш ҳам, чўлларимизда овчилик туризмнинг тадбиркорларини тайёрлаб беради.

Бешинчидан, овчилик дайди овчилар (браконъерлар) сонини кескин камайтириш овчилик туризми ривожланган давлатларининг тажрибаси натижалари ҳисобланади.



*Ўзбекистоннинг чўлларида
овладиган қушлар*

3.7. Чўллардаги сардобалар -туризмнинг ресурслари

Маълумотлар, манбалар бўйича Ўзбекистонда ва унга чегарадош худудларда 57 та сардоба рўйхатга олинган. Шулардан биттаси Тошкент вилоятида, бештаси Сирдарё вилоятида, бештаси Жиззах вилоятида, учтаси Навоий вилоятида, саккизтаси Бухоро вилоятида, шулардан учтаси Бухоро шаҳрида, 31 таси Қашқадарё вилоятида, тўрттаси Хоразм вилоятида, биттаси Қорақалпоғистон Республикасида ва учтаси Туркманистон худудида мавжуд бўлган. Ҳозирги кунгача 28 та сардоба сақланиб қолган, шундан 9таси давлат муҳофазасига олинган. Тошкент вилоятидаги Қайнар сардобаси ҳозирча Республикамизда суви ичишга яроқли бўлган ягона сардобадир³³.

Сардобалар ҳақидаги тўлиқ манбалар ва илмий-амалий таҳлиллар ватанимизнинг мустақиллик йилларидан кейин мукаммал тадқиқотлар ўтказган, ватанимиз булоқларининг муҳофазаси билан кўп йиллардан бери шуғулланиб 12000 нусхада-“Ҳисор булоқлари”ни³⁴ нашр қилган заҳматкаш олим, геология-минералогия фанлари номзоди Асрор Низомовнинг “Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси” китобида келтирилган. Китобдаги маълумотлар бўйича сардобалар бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, асосан Осиё мамлакатларида, Шимолий Африка мамлакатларида ҳам кенг тарқалган.

³³.А. Низомов. Ўзбекистоннинг қадимий гидротехник иншоотлари географияси.Тошкент, 2008,235 б.

³⁴.А. Низомов, Ҳисор булоқлари, Тошкент-«Меҳнат»-1989, 83 б.



*Рассомнинг сардобани
таъсирлаши*




*Мирхайдар Султон
сардобаси*



Майманоқ сардобаси



Муборак сардобаси



*Роботи Малик сардобасининг 1920
йилдаги ҳолати*



Роботи Малик ҳозирда

Шу китобдан “Ўзбекистоннинг сардобалари тўғрисидаги маълумотлар” ни ва олимнинг сардобалар ҳақидаги хулосасини келтирамиз - “Тарихий қадриятларимиз барча қадимги гидротехник иншоотлар каби сардобалар ҳам табиий-географик муҳит билан ниҳоятда уйғунлаштирилиб қурилганлиги учун ҳам асрлар оша табиат танловига дош бериб келган. Уларнинг ўлкамизни чуқук сув билан таъминлашдаги роли беқийс бўлган ва бу аҳамият ҳозир ҳам йўқолган

эмас. Тарихий қадриятларимиз биз учун нафақат санъат, архитектура ёдгорлиги ёки осори-атиқа, балки уларни тиклаш, чучук сув ресурсларини бойитиш йўлидаги омилкор юмушлардан биридир”.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, жами 57 та сардобалардан 48 таси чўлларимизда жойлашган. Чўлларимизда ички ва айниқса халқаро туризмни, халқаро маданий-тарихий туризмни ривожлантиришда қизиқарли туристик ресурс бўлган сардобалардан фойдаланиш муаммоларининг ечимларини топиш қанчалик зарур эканлигини англай олсакгина, ўзимизни мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг фидойи мутахассислари деб номласак бўлади.

5-Жадвал

Ўзбекистон сардобалари тўғрисида маълумотлар

<i>Номи</i>	<i>Қурилган вақти</i>	<i>Қурдирган кишилар</i>	<i>Географик ўрни</i>	<i>Маъмурий жойи(вилоят)</i>	<i>Тўйиниш манбаи</i>	<i>Сақланиш ҳолати</i>
1	2	3	4	5	6	7
Қайнар	XIX-аср	Маллахон	Тоғ олди	Тошкент	Булоқ	Ёмон сақланган
Янтоқ			Чўл	Тошкент	Булоқ	Сақланмаган
Жонбулоқ			Чўл	Сирдарё	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Мурзаработ			Чўл	Сирдарё	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Якка(Жикка) Сардоба			Чўл	Сирдарё	Ариқ-Сирдарё	Сақланмаган
Мирзоработ			Чўл	Сирдарё	Ариқ-Сирдарё	Сақланмаган
Шохрухия			Чўл	Сирдарё		Сақланган
Калтепа I	X-XI аср		Чўл	Жиззах		Қисман сақланган
Калтепа II	X-XI аср		Чўл	Жиззах		Қисман сақланган
Роботи ҳадис			шаҳар	Жиззах	Булоқ	Сақланмаган
Ёғочли(Жиззах сарой)			Чўл	Жиззах	Қудуқ-арик	Сақланган-сувсиз
Жиззах Ўрда			шаҳар	Жиззах	Булоқ	Сақланмаган
Роботи Малик	XI аср	Қорахонийлар, Шамсулмулк (1068-1080)	Чўл	Навоий	Қор-ёмғир ариқ	Сақланган
Дориу Шифо	XVII аср	Субхонқулихон	шаҳар	Бухоро		Сақланган
Халифаи Худойдод	XIX-аср	Халифаи Худойдод	шаҳар	Бухоро	Булоқ	Яхши сақланган
Эшони Имло	XIX-аср	Охунд мулло Муҳаммад Эшони Имло	шаҳар	Бухоро	Қор-ёмғир ариқ	Сақланган
Саллахона			шаҳар	Бухоро	Булоқ, ер	Яхши

(Порадўз)					ости суви	сақланган,суви бор
Қоравул-бозор	XVI аср		Чўл	Бухоро	Қор-ёмғир	Сақланган,суви бор
Сардоба Тоз			Чўл	Бухоро	Қор-ёмғир	
Юлғун оғиз			Чўл	Бухоро	Қор-ёмғир	
Раимбек			Чўл	Бухоро	Қор-ёмғир	Ташландик
Пўстиндўз			Чўл	Бухоро	Қор-ёмғир	
Бузург сардоба			Чўл	Қашқадарё		Сақланмаган
Эшқул Ҳожи		Эшқул Ҳожи	Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Майманок			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Мирхайдар			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Султон Кўхна			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Қақир сардоба	XIX-аср	Насруллохон	Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Бехбудий			Қарши	Қашқадарё	Ариқ	Сақланган
Бегичак			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик
Яккасардоба			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	
Фаттасардоба			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик
Аккапа			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Шохсувор			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Чарча			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик
Сурхи(Шурча)			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик усти очик
Чилгумбаз			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Эгизак			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик
Нишон		Абдуллахон	Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик
Сангисувлоқ		Абдуллахон	Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Ташландик
Толлимаржон			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Усти очик			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Сақланган, гумбази йўқ

Рахим			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	
Чаган			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	
Юсуф			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Ўраси			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	
Исфантада			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Абдуллахон		Абдуллахон	Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Қуш			Чўл	Қашқадарё	Қор-ёмғир	Яхши сақланган
Бўзачи			Чўл	Қашқадарё	Арик, Қор-ёмғир	
Талайхон ота	X-аср	Хоразмшоҳ	Чўл	Хоразм	Дарё	Археологик
Окайла	X-аср	Хоразмшоҳ	Чўл	Хоразм		Археологик
Қизқалъа	XII-XIII аср		Чўл	Хоразм		Археологик
Номсиз			Чўл	Мирзачўл Славянск посёлкаси	Қор-ёмғир	Сақланмаган
Хива			Чўл	Хоразм	Ер ости суви	Сақланган
Устюрт			Чўл	Қорақалпоқ		Сақланган

Шунингдек, жадвалнинг келтирилиши мамлакатимиз вилоятларида туризмни ривожлантиришда сардобалардан фойдаланиш йўналишида дастлабки маълумотлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Чўлларимизда сардобалардан ташқари ўтмиш авлодларимизнинг сувга бўлган олий даражалардаги меҳри-этиқодини, муҳаббатини, муҳандислигини билдирувчи қадимий ҳовузлар, Марказий Осиёга уч минг йил олдин келган Александр Македонский ва унинг лашкарларини, қадимдаги сайёҳ олимлар, савдогарларни ҳайратларга солган қоризлар сувлари тизими, қудуқлар, тўғонлар, бандларнинг жойлари жуда кўп.

Ватанимизнинг чўллари қадимги сув иншоотлари бўлган сардобалардан туризмни ривожлантиришда фойдаланиш учун бизнингча қуйидаги муаммоларнинг ечимларини топиш лозимдек бўлмоқда;

- Чўлларимиз ва адирларимиз ҳудудларидаги сардобалардан туризмда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалар ҳақида барча маълумотларни ўрганиш, тўплаш, ахборот-тарғибот буклетларини яратиш ва туризм бозорига чиқариш;

- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларга туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва бу туристик маршрутларда туристик хизматлар кўрсатиш имкониятларини ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларда чўлларнинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олиб дастлабки ҳолатларда туристик лагер-туристик палатка ёки туристик юртлар(чўпон уйи) инфратузилмаларини яратиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларда туристларни овқатлантириш имкониятларини ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалардан туризмда фойдаланиш вақтларини(фасллари) ўрганиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалар ҳақида инглиз, француз, рус ва араб тилларида туризм рекламаларини яратиш ва халқаро туризм бозорига, халқаро туризм кўргазмаларига, халқаро туризм ташкилотларига, интернет тизимига чиқариш;
- Чўлликлар орасида сардобалардан туризмда фойдаланиш бўйича туризм тадбиркорларини қизиқтириш ва тайёрлаш учун бепул тарғибот-ахборот манбаларини яратиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобалар ҳақидаги рекламаларни, ахборотларни шаҳарларимиздаги туристик фирмалар ва туристик ташкилотларга тарқатиш;
- Туризмда фойдаланиш режалаштирилган сардобаларга боришдаги туристик маршрутларнинг чўл табиатининг ўзига хос бўлган биологик хилма-хил ресурслари-флораси, фаунаси, турли-туман табиий ландшафтларидан ўтишлигини туристик маршрутлар рекламаларида тасвирлаш;
- Чўлларимиз ва адирларимиздаги сардобалар, қудуқлар ва коризлардан туризмда фойдаланиш бўйича илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш учун давлат грантларини, инновацион лойиҳаларни ажратиш.

3.8. Чўллардаги аҳолининг миллий маҳсулотлари ва миллий ўйинлари -туризм ресурслари

“Туризмдаги махсус турлари”³⁵ услубий қўлланма нашр қилинганда жуда кўплаб ўринсиз ва исботсиз фикр-мулоҳазлар ва тақризлар айтилганди. Миллий ишлаб чиқариш соҳалари, халқ ҳунармандчилиги, миллий ўйинлар ва миллий маданият кўринишларини туризмдаги махсус турлар деб атаган эдик ва бу турлардан туризмда фойдаланиш тавсия қилинганди. Маълумки, турнинг ўтказилиш вақти айнан турнинг аҳамиятини ва унинг салмоғини белгилайди. Шу нуқтаи-назардан асосий турлар кўп вақтларни сарфлайди. Бу турлар кўп ҳолларда туризмнинг барча хизматларини сўрайди.

³⁵.Хайитбоев Р., Амриддинова Р., Туризмнинг махсус турлари, Самарқанд,2008.-60 б.

Туризмдаги махсус турлар эса асосан туристларнинг бўш вақтларини, кўп ҳолларда туристнинг қизиқиши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ва элатлардаги сақланиб қолган маданий меърос кўринишларини, миллий ўйинларини ва миллий ишлаб чиқариш соҳаларини туризмга жалб қилишда ушбу соҳаларнинг номи билан туризмнинг махсус турлари деб атасак бизнингча тўғри бўлади.

Мамлакатимизнинг чўл ҳудудларидаги аҳолининг миллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва миллий ўйинлари ҳақида маълумотларни келтиришдан аввал туризмни ривожлантиришдаги ушбу туристик ресурслар ҳақида кенгроқ тўхталиш зарур.

Туризмдаги махсус турларнинг Республикаимизнинг деярли барча ҳудудларида манзиллари бор. Республикаимиздаги махсус турларнинг аксарият турлари шаҳарларимизда ва туманларда жойлашган. Айниқса Бухоро, Самарканд, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида бошқа халқларда, мамлакатларда учрамайдиган мўъжизавий, инсонни ҳайратга соладиган, совғабоп ва умумий фойдаланишга жуда зарур бўлган осори-атика буюмлар, қадимий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқдаки, ички ва халқаро туризмда бундай имкониятлардан ҳанузгача фойдаланилмай келинаётганлигининг ўзи афсусланарли ҳолдир.

Туризмдаги махсус турлардаги миллий ўйинларимизни туристик фирмалар ёки туристик ташкилотлар ташкил қилишига асло ҳожат йўқ. Бу ўйинларни халқимиз йилнинг мавсумларида ўзлари доимо ташкил қилмоқдалар. Туризм соҳасидаги мутахассисларнинг вазифаси туристларни бу миллий ўйинларга таклиф қилиш ҳисобланади. Таклифгача эса ўйинларга етиб бориш маршрутлари аниқланган ва туристларга кўрсатиладиган барча хизматлар кўрсатиш мажмуалари, шароитлари яратилиши талаб қилинади.

Туризмдаги махсус турларнинг тавсифи, таснифи ва географияси билан танишганимиздан сўнг туризмда фойдаланишда бу турлар деярли тайёр ҳолатдалигини кўрамиз. Бу ҳолатда махсус турлардан фойдаланишда биринчи навбатдаги вазифа махсус турлардан фойдаланишда хизматлар кўрсатишнинг ташкил қилиш ва ишлаб чиқиши ҳисобланади. Туризмдаги махсус турларни ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги вазифаси бу турлар ҳақидаги реклама маҳсулотлари Республикаимизнинг барча меҳмонхоналарида, туристик фирмаларида ва туристик ташкилотларида кўп тиражда бўлишлигини таъминлашдир.

Республикаимизда туризмнинг махсус турларини ривожлантириш учун жаҳон талабларига мос келадиган, илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган, кутиладиган натижаларни режалаштириш бўйича турли муддатларга мўлжалланган грант лойиҳалар ва бизнес режалар ишлаб чиқишини амалга оширишни бошлаш лозим бўлади.

Туризмдаги махсус турларни реклама қилиш йўналишида жаҳоннинг турли тилларида Ўзбекистон халқининг ижодкорлиги, яратувчанлиги, миллий маданияти ва санъати, хунармандчилиги, бетакрор-мўжизали буюмлар яратишдаги қўли гул устачилиги ва бошқа давлатларда учрамай диган турли

туман, қизиқарли миллий ўйинлари борлиги ҳақида интернетда сайтлар очиш махсус туризм турларини ривожлантириш йўлидаги фаол меҳнатлардан бўлади.

Туризмдаги махсус турларни ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятларига кенг йўл, имкониятлар очиб бериш вақти келди. Шу жумладан реклама мақсадида туризмнинг махсус турлари ҳақида брошюра, букловлар, варақа, плакат-рекламалар, рангли маълумотларни катта тиражларда чоп этиш, тарқатиш мақсадли бўлади. Туризмдаги махсус турларнинг жаҳон талабларига мос келадиган моддий-техник, ахборот-маълумотлар базасини яратиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш энг муҳим аҳамиятга эга бўлишни ҳозирдан бажармоқ керак.

Туризмни оммавий ривожлантириш учун катта имконият ва салоҳиятга эга бўлган туризмнинг махсус турларининг истиқболдаги ўрнини белгилаш учун албатта ташкилий -ҳаракат дастурини тузиш соҳа учун зарурий, мажбурий талаб эканлигини ҳозирданок англамоғимиз лозим. Энди, Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларидаги аҳолининг миллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва миллий ўйинлари тавсифига тўхталганимизда уларнинг умумий гуруҳланиши қуйидагилардан иборат:

1. Чўлликларнинг миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариши:

1.1. Миллий палос ва гиламлар ишлаб чиқариш.

1.2. Қоркўл тери, пўстин, қоракўл палто ва камзуллар, қоракўл телпак, мўйнали қалпоқлар, гўшт ва жун (қўй, эчки, туя) ишлаб чиқариш.

1.3. Туя сутидан қимиз-шубат тайёрлаш (нафас олиш йўллари ва сил касаллигига қарши).

1.4. Шифобахш ўтлар (чўл кийик ўти, доривор ўсимликлар, чўлялпиз, коврак, кўзиқорин ва бошқ..).

Чўл ҳудудларида туризмни ташкил қилишда ва чўлликларнинг миллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан танишишда Самарқанд шаҳридаги Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш яхши натижаларни бериши мумкин. Бу институтнинг саксон ёшли фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиёдаги чўл минтақаларида ўтди. Ноёб қоракўл терилари яратишда ва Марказий Осиёдаги чўлларнинг табиий ресурсларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва бойитиб боришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича Институт на факат Ўзбекистонда балки, жаҳонда танилган илмий марказ ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг чўллари ҳудудларида туризмни ривожлантиришда бу институтдаги экспедициялар маршрутларини ўрганиш, чўлнинг биологик ресурсларини ўрганиш деярли тайёр материаллар ҳисобланади. Айниқса, экотуризмга қизиқган ва ушбу йўналишга мослашаётган ёш гид-бошловчилар, туристик фирмаларнинг мутахассислари институтнинг илмий ҳисоботларини ўрганиш натижасида ҳам чўлдаги туризмга оид кўплаб манбаларни ўрганиб олиши мумкин. Шунинг учун ҳам қуйида ушбу институт ҳақида қисқача маълумотларни келтирамиз.



Самарқанд шаҳридаги Қорақўлчилик ва чўллар экологияси илмий-тадқиқот институтининг биноси. Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй



*Институтнинг музейи ва музейдаги қорақўл терилари коллекцияси
Чўлликлар бу хилдаги ноёб териларни ҳар бир оилада тайёрлашади
ва бозорга чиқаришади*




*Музейдаги қорақўл ва қорақўлча терилар. Чўлликлар тайёрлаётган
қорқўлча терилар ички ва жаҳон бозорида энг қимматбаҳо
мўйналардан ҳисобланади.*





Ўзбекистоннинг жаҳонда машҳур қоракўл терилари сиз кўриб турган қоракўл қўйлари ва қоракўл қўзилардан олинади

Институтнинг ҳовлисидаги бу ҳайкал 1930 йилда Москва шаҳрида тайёрланган ва институтга келтирилган. Қоракўл қўйига қўйилган жаҳондаги ягона ҳайкал ҳисобланади



Чўлликлар туя зотини минг йиллар давомида сақлаб келмоқдалар. Бу туялардан қимматбаҳо гиламлар, иссиқ сақловчи шифобахш белбоғлар ва нафас олиш йўллари, ички касалликларни даволовчи қимиз- шубат тайёрлашади.

Шаҳарликларнинг чўлларимиз табиатига қизиқишлари йилдан-йилга кучаймоқда. Бундай имкониятлардан туризмда фойдаланиш зарур



Қарнаб чўлда 1930 йилларда сунъий саксовул ўрмонзорларини яратган машҳур олима, давлат мукофоти билан тағдирланган Г.Сергеевага ўрнатилган ёдгорлик.



Институт олимлари чўлликлар ёрдамида оқ қоракўл қўйларини яратдилар

Чўлликларнинг миллий маҳсулотлар тайёрлашида асосан жун маҳсулотларига эътибор берилади. Чунки, чўлликларнинг барчасида қоракўл қўйи ва эчкилар сақланади. Шунинг учун ҳам чўлликларнинг палос, гиламларига, қоракўл теридан тайёрланадиган бош кийимлари, пўстинлар, камзулчаларга талаб катта ҳисобланади. Ҳозирги давр сўзи билан атаганимизда бу маҳсулотлар экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар ҳисобланади. Туя жунидан тайёрланган палос ва гиламлар ички бозорларимизда ҳам, ташқи бозорларда ҳам жуда харидорбоп ҳисобланади. Айниқса, туя жунидан махсус тайёрланган белбоғлар белни иссиқ сақлайди ва шифобахшлик хусусиятлари ҳам бор.

Туя сutiдан тайёрланадиган шифобахш қимиз-шубатга ҳозирги вақтда талаб шунчалик кўпайдики, тадбиркорлар туялар учун озуқа захиралари камроқ бўлган суғориладиган жойларда ҳам туяларни сақлаб шубат тайёрлашмоқда ва ички бозорларга чиқаришмоқда. Чўлликларнинг асосий ишлаб чиқаришида қоракўл териларидан тайёрланадиган бош кийимларга ички бозорларимизда талаб катта. Қайд қилинган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш учун, халқаро туристларнинг эътиборига тушиши учун чўллик тадбиркорлар Тошкент шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган “Халқаро туризм кўргазмаси” ташкилотчилари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйишлари керак.

2. Чўл халқининг миллий ўйинлари. Чўлликларнинг миллий ўйинларининг турлари жуда кўп ҳисобланади. Бу ўйинлар туризмда фойдаланиши бўйича энг оммабопларидан, туристларни қизиқтирадиганлари куйидагилар ҳисобланади.

- 2.1. Кўпқари-улоқ.
- 2.2. Кўчқор уриштириш.
- 2.3. Миллий кураш.
- 2.4. Бухороча кураш.
- 2.5. Бургут ва қирғий билан ов қилиш мусобақаси.
- 2.6. Паррандалар жанги.

Ватанимизда кўпқари миллий ўйини вилоятларимизнинг барчасида ривожланган ва ҳозирда кўпқари ўйинлари тўлиқ тикланган. Чўлда очиқ майдонларнинг кўплиги ва от сақлашнинг имкониятлари анча яхшилигидан

чўлликлар бу ўйинни оила тўйларида, байрамларда ташкил қилишади. Чўл минтақаларида туризмни ташкил қилишда бу ўйиндан самарали фойдаланиш режаларини тадбиркорлар мукамал қилиб ишлаб чиқишлари керак. Чўлликларнинг яна бир миллий ўйинлари кураш ҳисобланади. Бу ўйин чўлнинг барча туманларида жуда ҳам оммавийлашган ҳисобланади.



Кўпқари- улоқ чўл ва адирликларнинг қадимдан ардоқланиб, улугланиб келаётган энг севимли миллий–спорт ўйини ҳисобланади



Марказий Осиё чўл халқларининг барчасида бургут ва қирғий билан ов қилиш ҳозиргача сақланиб келинмоқда. Бунинг сабаби уларбу миллий ов турини фарзандларига ўргатиб келаётганлигидадир



Паррандалар ва қўчқорлар жанги



Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида байрамлар ва суннат тўйлари курашсиз ўтмайди. Бундай йиғинларда дастлаб ёш болалар курашга тушишади, кейин катталар. Шу йўл билан қайд қилинган вилоятларда миллий кураш асрлардан бери сақланиб келинмоқда. Ушбу вилоятларнинг кўплаб полвонлари жаҳон ва ватанимизнинг чемпионлари ҳисобланади.



Чўлликларнинг от ўйини

4-БОБ.ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛЛАРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

4.1. Европа давлатларининг туризм соҳаси билан ҳудудларни бир текис ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда жаҳоннинг кўплаб давлатлари Европа моделидан, дастурларидан, стратегик режаларидан нусха олмоқдалар. Чунки, ҳозирда қишлоқ туризми фақат Европа давлатларида мукамал, барқарор ривожланмоқда. Бундай ютуқларнинг бош сабаби шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни, ҳамдўстликни яхши йўлга қўйганлар. Европа ҳамкорлиги натижасида 1990-йилда қишлоқ туризмни ривожлантириш мақсадида “УмумЕвропа “Лидер” дастурини” ишлаб чиқдилар.

Дастурнинг лойиҳалари “Европа Иттифоқи” фондидан лойиҳалаштиради. Дастур лойиҳалари бўйича Европадаги давлатларнинг 200 та регионларида қишлоқ туризми мақсадли стратегик режа бўйича ривожлантиради. Ҳозирга келиб маълумки, Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантириш ва ундан даромадлар олиш бўйича жаҳондаги мамлакатлар ичида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирга келиб Европа давлатларининг қишлоқ туризмни ривожлантириш дастурларини жаҳондаги кўплаб давлатлар қабул қилмоқда. Чунки, бу дастурлар қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини кўтаришда, қишлоқлар аҳолисини иш билан таъминлашда жуда устивор имкониятларни яратиши маълум бўлди. Қуйида ана шу дастурлардан намуналар келтирамыз³⁶. Бу келтирилган Дастурларни мукамал ўрганиб, Чўл туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришда қўллашимиз мумкин.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Франция давлатининг Дастури:

1.Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар; ноқулай ва кам маҳсулдор ерларнинг борлиги; қишлоқ туризмнинг билиш, спорт ва даволаш туризмлари билан қўшилиш имкониятларининг борлиги.

2.Асосий вазифалар; қишлоқ туризмни ривожлантириш даражаларида ҳудудий фарқларни йўқотиш; гастрономия ва виночилик туризмларини ривожлантириш.

3.Асосий инструментлар; шимолий-ғарбий департаментлар туристик маҳсулотларини ҳаракатга келтириш; фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини яқка тартибда қувватлаш.

4.Молиялаштириш манбалари; давлат ва хусусий инвесторлар.

³⁶/Александрова А.Ю. География туризма, Москва, КНОРус, 2010, 594 с.



.... Чизма. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Германия давлатининг Дастурининг бажарилишини ҳам давлат бошқаради ва қувватлайди.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Италия давлатининг Дастури:

1. Қишлоқ туризмини ривожлантиришга асослар; жанубдаги аграр районларнинг депрессив ҳолати; қишлоқ туризмининг чўмилиш-пляж, спорт ва даволаниш туризмлари билан қўшилиши имкониятларининг борлиги.

2. Асосий вазифалар; фермерлик ва гастрономия туризмларини ривожлантириш.

3. Асосий инструментлар; коттежлар қурилиши ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш; қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинсияларга йўналтириш. Худудларни иқтисодий-ижтимоий жиҳатлардан бир текис ривожлантириш.

4. Молиялаштириш манбаалари; давлат ва хусусий инвесторлар.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Испания давлатининг Дастури

1.Қишлоқ туризмини ривожлантиришга асослар; жанубдаги аграр районларнинг ривождаги сустлик;қишлоқ туризмининг чўмилиш-пляж, билиш, спорт ва даволаниш туризмлари билан қўшилиш имкониятларининг борлиги.

2.Асосий вазифалар; болалар лагери тармоқларини ривожлантириш; қадимий тош қалъалар базасида меҳмонхоналар тизимини яратиш; гастрономия туризмини ривожлантириш.

3.Асосий инструментлар;коттежлар ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш; қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинсияларга йўналтириш;

4.Молиялаштириш манбалари; давлат ва хусусий инвесторлар.



..... **Чизма.** Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Польша ва Руминия давлатларининг Дастурининг молиялаштирилиши ва бажарилиши тўлиқ давлатнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Келтирилган дастурларнинг асослари ва асосий вазифаларини диққат билан таҳлил қилганимизда бу асослар ва вазифаларда-«қишлоқларнинг

нотекис ривожланиши»; «қишлоқларнинг депрессив ҳолати»; «қишлоқ деҳқонлари ва фермерларнинг даромадини ошириш»; «қишлоқ жойларда инфра тузилмаларни ривожлантириш»; «деҳқоннинг тадбиркорлик маданиятини ошириш»; ва «қишлоқ туристик маҳсулотларини ҳаракатлантириш»; деҳқонларни Европа стандартлари бўйича хизмат кўрсатишига ўқитиш; каби режаларни кўрамиз. Бу режаларни фақат давлатнинг сиёсий-иқтисодий дастурлари билангина бажариш мумкинлигини ҳам Европа давлатлари ўз вақтида тушуниб етган эди. Энг муҳими шундаки, маҳаллий ҳокимиятлар давлат бошқарувига олдига ўзларининг қишлоқларидаги жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўндаланг қилиб қўя билганлар.

Европа давлатлари биринчи навбатда қишлоқликларнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишида иш билан бандликни фақат туризм ҳал қилади деган тўғри хулосага келишган эди. Чунки, жаҳондаги барча давлатларнинг қишлоқларида маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш анча оғир масалалардан бўлиб келмоқда. Қайд қилинган дастурларнинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, Европа давлатларининг қишлоқ туризмни ривожлантиришда ягона дастурга, ўзаро ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш дастурига эга эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича Европа давлатлари жаҳонда лидер ўринларда бормоқда.

Мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатлардан бир текис ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон миллий туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилган фармонлари ва қарорларида мукамал келтирилган. Давлатимизнинг бу ҳужжатларида Европа давлатларидагидек қишлоқ туризмни ривожлантириш дастурларидаги асослар, вазифалар ва йўналишларидаги муҳим режалар белгиланган. Айниқса, Президентимизнинг «Ички туризмни ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз иқтисодиётини ҳудудий ва табиий-иқлимий фарқларга қарамасдан бир текис ривожлантириш белгиланган ва бу ривожлантиришда туризм соҳасидаги ката имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги кўрсатилган. Ҳаммамиз ушбу кўрсатмалар ва дастурларнинг минтақавий ва ҳудудий чегараларда бажарилишига маъсул бўлишимиз талаб қилинмоқда.

4.2. Европа давлатларининг туризм соҳаси билан ҳудудларни бир текис ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш моделлари

Ғарбий Европа давлатларида қишлоқ туризмни ривожлантириш давлат сиёсатида молик масала деб қаралади. Чунки, бу давлатлар ҳар бир қишлоқни унинг маданий, моддий ва табиий ресурслари, маданий ландшафтлари, қишлоқ ҳаёти ва бошқа ресурсларни нодир, бетакрор деб қабул қилишга ўрганган. Ғарбий Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантириш билан бирга ўз мамлакатининг энг муҳим, энг оғир ва долзарб ижтимоий–иқтисодий муаммоларини ҳал қилади. Бу долзарб муаммолари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқларда иш билан бандликни ҳал қилиш;
2. Қишлоқ аҳолисининг иқтисодини кўтариш;
3. Қишлоқда ишлаб чиқаришни кўпайтириш;
4. Шаҳарликларнинг руҳий, жисмоний дам олишини таъминлаш;
5. Қишлоқ маданияти, урф–одати ва табиатини муҳофаза қилиш.


Европа давлатлари ўзларидаги қишлоқларнинг туризмда фойдаланиш имкониятларига қараб қишлоқ туризмни ривожлантириш стратегик режаларини ишлаб чиқадилар ва қишлоқ туризмни бир хил усул ёки шаблонда ривожлантиришга йўл қўйишмайди. Шунинг учун ҳам Европа Иттифоқи қишлоқ туризмни Европа давлатларидаги ривожланишини мувофиқлаштириб бошқариб борувчи “УмумЕвропа Лидер” ташкилотини доимо қувватлайди ва молиявий ёрдамлар беради. Мавзунинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги Европада қишлоқ туризми кучли ривожланган ва жаҳонда қишлоқ туризмни ривожлантиришда халқаро моделлар деб тан олинган моделларнинг таърифларини келтирамыз.

Франциянинг қишлоқ туризмни ривожлантириш модели. Франция давлати ўтган асрнинг 1960 йилларидан бошлаб қишлоқ туризмни давлат дастури асосида шиддат билан ривожлантира бошлади. Бу қарорнинг асосий сабаби қишлоқ хўжалигининг саноатдан орқада қолабошлаганлиги эди. Давлат ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кучайтириш, қишлоқдаги ишсизликни ҳал қилиш мақсадида қишлоқ туризмни ривожлантиришга киришди. Натижада дастлаб қишлоқ туризмни ривожлантириш концепцияси, сўнгра концепция ва стратегик режага асосан қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг “Франция модели” ишлаб чиқилди. Бу моделдаги энг муҳим омил қишлоқ туризмни бошқаришнинг ишлаб чиқилганлигидир (1-Чизма).

Франция моделининг таърифи, мазмунига келсак, дастлаб қайд қилиш керакки, Франция дунёда биринчилардан бўлиб XX асрнинг ўрталарида қишлоқ туризмни ривожлантиришга киришган давлат ҳисобланади. Хозирда қишлоқ туризми Франциянинг бутун департаментини қамраб олган. Франция моделида қишлоқ туризмни ривожлантириш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг кўплаб вариантлари ишлаб чиқилган. Масалан, жанубда пляж туризми қишлоқ туризми билан биргаликда ташкил қилинган. Шунинг учун ҳам қирғоқ, соҳилларда кўплаб замонавий катеджлар қурилган ва қурилмоқда.

Марказда қишлоқ туризмнинг боғдорчилик ва виночилик йўналиши муваффақиятли ишламоқда. Бу жойларда туристлар боғдорчиликда, узумзорларда ишлашади, қайтишда маҳсулотлар олиб кетишади. Шунингдек, Франция гастрономия ва виночилик туризмларини ривожлантириш бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Гастрономия туризмнинг маъноси шундаки, туристлар маҳаллий овқатланишни хоҳлайдилар ва қишлоқлардаги миллий таомларни тайёрлашади, дам олади. Улар маҳаллий таомлар тайёрлашни ўрганадилар, узумдан вино тайёрлаш технологияларини ўзлаштириб олишади, улар вино, шампан виноларининг турли маркаларини

синовчи бўлиб катнашадилар, ҳатто дастурхонга вино қўйишни, меҳмонхонага вино қўйишни, қўйишни ўрганадилар.



1-Чизма. Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Франция модели.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Британия модели. Британия моделида асосий эътибор туристлар учун жойлаштириш воситаларини яратишга берилади. Шу билан бирга бу моделни кўплаб Европа давлатлари қабул қилмоқдалар, қўлламоқдалар. Бу моделда 4 хил жойлаштириш усули тавсия қилинган:

- Туристлар фермернинг уйига жойлашадилар ва нонуштани фермер оиласи билан бирга қиладилар (farm B&B). Бу ҳолатда туристлар фермер оиласи билан дўстона муносабатларни ўрнатишга интилишадилар;
- Туристлар қишлоқдаги алоҳида бинода жойлашадилар ва ўз-ўзига хизмат қиладилар (self catering unit).
- Деворлар ёки четанлар билан ўралаган, ўртача 8–15 туристни жойлаштира оладиган (bunkhouse) бинода туристлар жойлашадилар. Бу усулда жойлашиш ҳар бир турист учун 10 евро туради ва асосан ёшлар учун жуда оммавий ҳисобланади. Туристлар бу жойда жойлашиб фақат тунаш учун келадилар, кундузи кунлари асосан саёҳат, экскурсияларга чиқадиладар;
- Бой туристлар учун бой фермерлар ва бой қишлоқликлар замонавий каттеджлар қуришади. Бундай каттеджлардаги туристик хизматлар ҳам анча қиммат туради.

Британия моделида экологик тарбия ва экологик билим бериш қишлоқ туризмида жуда оммавий ҳисобланади. Қишлоқ фермерлари махсус (сим тўр билан ўралган) майдончаларда чорва молларининг ёш болаларини кўйишади (тойчоқлар, улоқчалар, кўзичоқлар, қуёнчалар ва бошқалар). Туристларнинг болалари бу ёш кўзичоқ ёки улоқчалар билан ўйнашадилар, овқат беришадилар, кичик қушлар паркида қушларга дон берадилар, гулларга сув қуядилар. Бу ҳолатда болалардатабиатга, ҳайвонот оламига меҳр, асраб- авайлаш туйғулари ҳосил бўладилар.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Германия модели. Германия ликларнинг моделида бу халққа хос бўлган оддийлик, табиат ва жамият қонунларини тушуниш ва ҳурмат қилиш мужассамлашган. Уларнинг шаҳарлик туристлари асосан қишлоқ уйларига жойлашиб туристик фаолият юритадилар, замонавий каттеджларда дам олишни унчалик хуш кўришмайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқларда замонавий каттеджлар кўпам қурилмайди.

Германияда қишлоқ туризмини фермерлик туризми деб аташади. Шу сабабли, Германиялик фермерларнинг туристларга хизматлар кўрсатиш даражалари жуда юқори. Немис туристлари қишлоқларда, фермерларнинг хўжаликларида унга ёрдам бериш, ҳайвонларни парваришlash, меҳмондорчилик қилиш ва балиқ овлашни хуш кўришадилар. Германияда қишлоқ туризми воқеалар, учрашувлар туризми билан маҳкам боғланган. Чунки Германияда халқ байрамлари, фольклор фестиваллари, халқаро кўргазмалар жуда кўп ташкил қилинади ва ўтказилади.

Энг диққатли жойи шундаки, қишлоқ туризмнинг ташкил қилиниши битта мақсадда—шаҳарликларнинг қишлоқларда ўз режаси ва ўз ҳоҳиши бўйича дам олдиришига қаратилган. Немис халқининг интеллектуал тайёргарлиги, билимли, маданиятли бўлишлигига ҳам кўп жихатдан аҳолининг дам олиш шароитларининг яратилганлиги билан изоҳланади.

4.3. Ўзбекистоннинг чўлларида туризми ривожлантиришда хориж давлатларининг дастурлари ва моделларидан фойдаланиш

Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларининг тажрибаларидан маълум бўлдики, ушбу давлатлар қишлоқ туризмини ривожлантиришга бундан 50 йил олдин киришган. Франция давлатининг қишлоқ туризмини ривожлантириш моделини, Буюк Британия моделини, Германия моделини ва Италия моделини қишлоқ туризмини халқаро моделлар деб тан олишининг сабаби ҳам шунда.

Энди, Ўзбекистонда қишлоқ туризми ривожлантириш учун қайд қилинган моделларнинг қайси бири ўнғайроқ ва қулайроқ?

Агар бу моделларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини ўрганганимизда уларнинг барчасини қишлоқ туризмини ривожлантиришимиз учун қўллаш ҳеч қандай муаммоларни келтириб чиқармайди, шу билан бирга осон ҳам. Чунки, қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги асосий манба—

туристик ресурсларнинг хилма–хиллиги бизда юқорида қайд қилинган Европа давлатларидагидан ҳам кўп.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги асосий муаммолар шундан иборатки, биз ҳанузгача қишлоқ туризмнинг асл моҳияти ва мақсади, вазифаларини тушуниб олганимиз йўқ. Европа давлатларининг қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги асосий мақсади ва вазифаларини юқорида келтирдик.

Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантириш учун, дастлаб қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишган, сўнгра қишлоқ туризмини ривожлантиришга жавоб берувчи, давлат ваколатини олган ташкилот тузишган (масалан, Францияда–“Туризм ва қишлоқ ерлари ассоциацияси”; Британияда–“Британия туристик кенгаши” ва “Қишлоқ ерларини ривожлантириш агентлиги”; Австрияда–“Австрия фермерлик туризми ассоциацияси” ва бошқалар).

Ўзбекистоннинг чўл минтақаридаги қишлоқларда туризмни ривожлантиришда дастлабки босқичда қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ташкилий–иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Иккинчи босқичда эса ана шу ташкилий–иқтисодий механизмлар асосида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ҳуқуқий- меъёрий қонунларини ишлаб чиқиш мақсадли йўналиш бўлади.

Учинчи босқичда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий–меъёрий қонунларига асосланиб қишлоқларимиздаги туристик ресурсларимизни рўйхатга олишимиз, уларнинг таъриф–тавсифларини тайёрлашимиз, фойдаланиш имкониятларини ҳисоблаб чиқишимиз, туристик объектларда туристик инфратузилмалар яратишимиз лозим.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда биринчи ўринда туристик талаб, туристик таклиф ва туристик истеъмолни ўрганишимиз жуда зарур ва бу масала ўта долзарбдир. Масалан, Европа иттифоқининг статистик маълумотлари бўйича 30 % аҳоли қишлоқ туризмида дам олишни хоҳлайди. Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларидаги ушбу усул–ижтимоий сўровни ўтказишимиз ҳам мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда кўплаб ижобий хулосаларни бериши мумкин.

Хулоса қилганимизда чўлларда қишлоқ туризмини ривожлантиришда халқаро моделларни қўллашнинг катта имкониятлари қишлоқларимизда мавжуд. Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз:

- Ўзбекистонда табиий географик минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг давлат дастурини ва стратегик режаларини ишлаб чиқиш;
- Вилоятлар ҳокимликларида қишлоқ туризмини ривожлантириш билан шуғулланадиган таркиблар ташкил қилиш;
- Қишлоқ туризмини ривожлантиришда махсус ахборот тизимини ташкил қилиш.

5-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛЛАРИДА ТУРИЗМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

5.1. Чўлларда туризм фаолиятини ташкил қилиш ва туризмнинг асосий турларини ривожлантириш

Кузатувлар ва ахборотлардан маълум бўладики, чўл ва адир минтақаларидаги туристик ресурсларга ички ва халқаро туристик ташрифлар амалга оширилмоқда. Аксарият ҳолларда бу туристларни илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-тадқиқот марказлари кутиб олиб, ўзаро ҳамкорлик қилишмоқда.


Муаллиф 1998-2005 йилларда Ўзбекистон қорқўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг олимлари билан халқаро грант лойиҳалари бўйича АҚШ, Франция, Австралия, Суриялик олимлар билан ҳамкорликда ишлади. Чет эллик олимлар илмий экспедициядан ташқари бўш вақтларда асосан чўл табиатига қизиқишарди. Шунингдек, экспедициялар вақтида кўплаб чет эллик туристларнинг чўлларда, айниқса чўллардаги йўлларнинг атрофларида фотоаппарат билан томоша қилиб юрганлиги кўзга ташланган. “Қизилқум” давлат табиат кўриқхонаси ва “Жайрон” халқаро экомаркази ҳисоботларида ҳам чет эллик туристларнинг ташрифлари ҳақида қайдлар бор.

Худди шундай қайдлар “Қарнобчўл”, “Нурота” дала тажриба станцияларида ҳам жуда кўплаб рўйхатга олинган. Чўлга яқин шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси баҳор ойларида атайлаб чўлнинг хуштам оқ кўзикаринини териш ва чўлдаги ўрмонларда дам олиш учун чиқиши одатий ҳоллардан бўлиб бормоқда.

Бу ҳолатларда хулоса қилиш мумкинки, чўл ва адирларнинг туристик ресурсларидан ички туристлар ҳам халқаро туристлар ҳам фойдаланишмоқда. Афсуски, чўл ва адир минтақаларидаги туристик ресурслардан фойдаланувчи туристик фирмалар, туристик ташкилотлар ва меҳмонхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқаришнинг йўқлиги натижасида чўл минтақаларига ташриф буюраётган ҳар қандай даражалаги туристларнинг рўйхатини ва бу туристларнинг қайси туристик ресурслардан фойдаланаётганлигини тадқиқ қилиш қийин.

Қайд қилинганлардан хулоса шуки, бепаён чўл ва адир худудларидаги туристик ресурслардан фойдаланиб туризмни ривожлантиришни бошқариш марказлашган бўлиши ва бу бошқарувда вазирликлар, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, давлат қўмиталари, туризм соҳасига мутахассислар тайёрлайдиган университетлар, институтлар, коллежлар турфирмалар, туристик ташкилотлар, меҳмонхоналар ва туризм мутахассисларининг биргаликдаги, ягона ҳамкорлиги талаб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти



Ўзбекистоннинг чўл ва адирларида туризмни ташкил қилиш ва бошқариш тизими

Чунки, ижтимоий-иқтисодий соҳа бўлганлигидан давлатимиз бошқарувидаги жуда кўплаб таркиблар билан ишлаб тараққий этиши

мумкин. Чўл ва адир минтақаларидаги табиий ресурслар, биологик хилма-хиллик ресурслари, ер, ўрмонлар ва сув фондлари турли хил вазирликлар тасарруфида ҳисобланади. Табиат қўриқхона ва буюртмахоналари, табиий ландшафтлардан фойдаланиш, табиий бойликлар устидан назорат қилиш Ўзбекистон республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маъсуллигида.

Чўлдаги тўқай ва ўрмонлар Ўзбекистон Республикаси ўрмончиликни ривожлантириш давлат қўмитасига қарайди. Сув ҳавзалари, дарёлар ва сув омборлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ихтиёрида. Бу улкан ҳудудлардаги туристик ресурслардан туризмда фойдаланиш учун қайд қилинган давлат қўмиталари ва вазирликларнинг рухсатлари, келишувлари лозим бўлади. Бу эса вақт ҳисобидан жуда чўзилувчан жараён дир.

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришда мураккаб муаммоларнинг яна бири бу минтақалардаги табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмахоналарида экотуризмни ривожлантириш ҳисобланади.

Фикримизча Чизмадаги бошқарув ва туризм соҳасидаги ташкилотлар, институтлар, ҳокимликлар ва Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги улкан чўл ва адир минтақаларида туризмни ягона мақсад йўлида ривожлантиришга асос бўлади.

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмнинг турларини ривожлантириши. Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор албатда туризмдаги турларнинг ресурсларига берилиши керак. Иккинчидан, чўл минтақаларида ички туризм соҳасини ривожлантиришда жуда мураккаб муаммолар келиб чиқмайди. Чунки, ватанимиз аҳолисининг мамлакатимиз бўйлаб ҳоҳлаган вақтда сайёҳатларга чиқишида ҳеч қандай чекловлар қўйилмаган.

Чўл минтақаларида халқаро туризмни ривожлантиришда эса анча тўсиқларга дуч келишимиз мумкин. Бу тўсиқлардан ўтиш учун биринчидан, чўл минтақаларида халқаро туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилган бўлиши керак. Бу ҳуқуқий меъёрлар туризмнинг турлари бўйича чўл минтақаларидаги қайси туристик ресурслардан халқаро туризмда фойдаланиш мумкинлигини ва фойдаланиш имкониятларини аниқлаб бериши лозим.

Чўл минтақаларининг катта ҳудудларни эгаллаганлиги қазилма конларнинг ишлаётганлиги ва стратегик минерал ресурсларнинг олинаётганлиги туфайли бу минтақаларнинг баъзи бир ҳудудлари туристлар учун ёпиқ бўлиши мумкин. Чўл минтақаларида халқаро туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари чўл ҳудудларида туризмда фойдаланадиган туристик объектлар ва бу туристик объектларга ишланадиган туристик маршрутларнинг ўтиши ва фаолият кўрсатиши йўллари ва манзилларини аниқ кўрсатиб бериши керак.

Мазкур ишнинг 3-бобида чўл минтақаларидаги туристик ресурсларнинг тавсифи ва таснифлари келтирилган ва туризмнинг турлари бўйича гуруҳланган эди. Улар қуйидагича:

1. Чўлларда археология туризмнинг ресурслари.
2. Чўлларда зиёрат туризмнинг ресурслари.
3. Чўлларнинг ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси -экотуризм ресурслари.
4. Чўллардаги табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмахоналари-экотуризм ресурслари.
5. Чўлларда овчилик туризмнинг ресурслари.
6. Чўллардаги сардобалар -туризмнинг ресурслари.
7. Чўллардаги аҳолининг миллий маҳсулотлари ва миллий ўйинлари - туризм ресурслари.

Сўнги йилларда мамлакатимизга келаётган хорижий туристлар оқимида археологик туризмнинг талабгорлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидаги қадимий шаҳарларнинг қолдиқларига кўпроқ қизиқишмоқда. Айниқса, Тошкентдаги туристик фирмаларнинг “Тарих ва замонавийлик” мавзуларидаги халқаро туристик маршрутлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги қадимий қалъаларга ишлаб чиқилган бўлиб тобора жақон миқёсларида оммавийлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам чўл минтақаларида халқаро археологик туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари катта. Бу йўналишга мамлакатимизнинг чўл ҳудудларида сақланиб қолган қадимий сув иншоатлари сардобаларни ҳам қўшиш мумкин.

Чўл минтақаларида 3 та табиат қўриқхоналари, битта Сармишсой миллий парки ва 10 та табиат қўриқхоналари мавжуд. Шунингдек, чўлларнинг ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар олами, халқаро “Қизил китоб” ва Ўзбекистон республикасининг “Қизил китоби”даги ҳайвонларни халқаро миқёсларда қизиқарли туристик ресурслар ҳисоблаб чўл минтақаларида халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Иккинчидан экосафари ресурсларини ҳам экотуризм йўналишига қўшиш мумкин.

Навоий вилоятидаги “Сармишсой” қоятошларидаги қадимий расмлар ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон миқёсида тобора халқаро туризм масканига айланиб бормоқда. Чўл минтақаларида зиёрат туризмнинг ресурслари ҳам келтирилди. Келтирилган фикр, мулоҳазалар бўйича дастлабки вақтларда Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмнинг қуйидаги турларини ривожлантириш мақсадли бўлади:


1.Ички туризмда:

- Экотуризмни(чўлнинг табиати, флора ва фаунаси, Сармишсой миллий парки, 3та табиат қўриқхонаси, 10та табиат буюртмахонаси, «Жайрон» халқаро экомаркази);
- Зиёрат туризмини (Нурота зиёратгоҳи, Араб ота зиёратгоҳи, Султон Увайс ота зиёратгоҳи);

- Археологик туризмни (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги қадимий қалъалар, сардобалар);
- Овчилик туризмни(чўл ҳудудларидаги овчилик майдонлари)
- Экскурсия туризмни(чўл минтақаларидаги барча туристик ресурслар

II. Халқаро туризмда:

- Экотуризмни(Сармишсой миллий парки, 3та табиат қўриқхонаси, 10та табиат буюртмахонаси, «Жайрон» халқаро экомаркази));
- Зиёрат туризмни(Нурота зиёратгоҳи, Султон Увайс ота зиёратгоҳи);
- Археологик туризмни(Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги қадимий қалъалар, сардобалар);;
- Миллий маданият туризмни(чўл минтақаларидаги аҳолининг миллий, маданий меъроси.



Чўл минтақаларида туризмнинг турларини ташкил қилиш ва ривожлантириш тизими

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ривожлантиришда чўл минтақаларида жойлашган вилоятлар ҳокимликлари ҳукуматимизнинг туризмни ривожлантиришдаги ҳуқуқий-меъёрий асослар доирасида иш кўришлари ва ташаббускор бўлиши лозим. Чўл минтақалари улкан ҳудудларни қамраб олганлигидан туризмни ривожлантириш бошқармасининг туманлар ҳокимликларида ҳам штат бирлигидаги вакили бўлиши керак.

Келтирилган мулоҳазалардан маълум бўладики чўл минтақаларида ички туризмни ҳам, халқаро туризмни ҳам ривожлантирувчи туристик ресурслар мавжуд. Шунинг учун ҳам чўл минтақаларида фаолият кўрсатувчи ва ташкил қилинувчи туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар туризмнинг қайд қилинган йўналишларига ва туризмнинг турларига ихтисослашган бўлиши талаб қилинади.

Мамлакатимизнинг миллий туризмида ўзаро ҳамкорлик ва бири-бирини қўллаб қувватлаш жуда суёт даражаларда ҳисобланади. Европа давлатларида бу ҳолатни акси. Шунинг учун ҳам, «Чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш» ихтиёрий-ташаббус маркази (чўл туризми тадбиркорлигини тайёрлаш, чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш ҳамкорлигини ташкил қилиш, туристик фирмаларни тезкор ахборотлар билан таъминлаш, чўлнинг қишлоқларида «турист уйлари»ни ташкил қилиш, «чўл туризми бозори»ни ташкил қилиш ва бошқ..) ни ташкил қилиш вилоят ҳокимликларининг ўз вилоятлари ҳудудларида туризмни бир текис ривожлантиришига ёрдам беради.

5.2. Чўлларнинг туристик ресурсларидан фойдаланиш моделини яратиш

Ватанимизнинг табиати ва табиий ресурсларидан туризмда фойдаланишнинг жуда суёт кечаётганлигининг асосий сабабларидан бири бу-экологик туризмни ривожлантиришга ихтисослашаган туристик фирма лар ва туристик ташкилотларнинг ҳанузгача ташкил қилинмаганлигидир. Туризмнинг турлари бўйича ихтисослашув мамлакатимиз миллий туризми даги энг оғриқли масалалардан бири ҳисобланиб қолмоқда. Туризмни ривожлантиришдаги бу муҳим масалани ҳал қилишга киришмаётганлигимизнинг ўзи туризм соҳасидаги муаммоларни илмий-амалий жиҳатлардан тадқиқ қилишга бефарқлигимиз ҳисобланади.

Биз илмий мақолаларимизда, яратаётган услубий, ўқув қўлланмаларимизда туризм кучли ривожланаётган давлатларнинг ривожланиш рақамларини келтирамиз, бу рақамларни таҳлили қиламиз. Лекин, бу давлатларнинг туризмни ривожлантириш дастурларини, улардаги туристик фирмалар ва туристик ташкилотларнинг фаолиятларини ўрганмаймиз.

Ваҳоланки, туризм жадал ривожланаётган мамлакатларнинг туризмни ташкил қилиш ва туризм хизматларини кўрсатиш тажрибаларини биринчи навбатларда ўрганишимиз ва уларнинг туризмдаги самарали фаолиятларини, илғор технологияларини миллий туризмга тадбиқ қилишга жиддий эътибор беришимиз керак эди. Қишлоқ туризми йилдан-йилга ривожланаётган Европа

давлатларининг туризмни таҳлил қилганимизда улардаги туристик фирмаларнинг ва туристик ташкилотларнинг туризмга, туризмнинг турларини ривожлантиришга ихтисослашганлигини кўраимиз.

Масалан, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси” ишлаб чиқилганлигига қарамасдан, экотуризмни ривожлантиришга ҳамон дадил қадамлар қўйилган эмас. Шу ўринда Германияда экотуризмни ривожлантириш фаолиятларида қуйидагиларни келтирамиз. Германияда туризм мутахассисларини асосан туризмга ихтисослашган махсус коллежлар тайёрлашади. Экотуризм мутахассислиги бўйича алоҳида туризм коллежлари ташкил қилинган. Бу коллежларга абитуриентлар махсус комиссия (экология, табиатни муҳофаза қилиш, география, табиатшунослик, биология ва кимё фанлари ўқитув чиларидан иборат)сухбатлашувидан ўтганларидан кейин тест имтиҳонларига қўйилади.



Чўл минтақаларида қишлоқ атрофдаги барча туристик ресурслардан фойдаланиш модели

Германияда 122та туристик фирмалар фақат экотуризмни ривожлантиришга ихтисослашган. Ушбу туристик фирмаларнинг Германиядаги иш фаолиятлари қуйидагича:

- 50% туристик фирмалар дунё бўйича экологик турларни ишлаб чиқади ва халқаро экотуристик бозорга чиқаради (халқаро экотуристик хизматларни ҳам ўзлари ташкил қилади);
- 1/5 экотуризм операторлари Европа давлатлари бўйича экологик турларни ишлаб чиқади ва Европа давлатларига чиқаради (экотуристик хизматларни ҳам ўзлари ташкил қилади);
- 1/3 экотуризм операторлари Германиянинг табиати ва биологик хилма-хил ресурсларига экотурларни ишлаб чиқади ва экотуристик хизматларни ташкил қилади;
- 44та туроператорлар халқаро миқёсдаги экотур операторлари ҳисобланади. Бу туроператорларни АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Африка давлатлари ва Австралияликлар жуда яхши билишади.
- Экологик турларга махсус тайёргарлик бўйича давлат аттестация имтиҳонларини топширган гид-экскурсиячилар таклиф қилинади.

Германияликларнинг экологик турларни таклиф қилишида экотуристик ресурслардан максимум фойдаланиш моделларини ишлаб чиқишади. Бу моделларни яратишда экотуристик операторлар экотуристларни қизиқтирадиган асосий экотуристик объектлар атрофларидаги барча туристик объектларни жуда яхши ўрганишади. Шу усулда улар экотуристларнинг экотурларда белгиланган вақтларини узайтиришади.

Биз ҳам мамлакатимизнинг чўллари ва адирларига экотурлар ёки мажмуали турлар ташкил қилишда асосий туристик объектлар ва уларнинг атрофларидаги туристик ресурслардан фойдаланиш моделини ишлаб чиқдик (.....Расм). Расмдаги тасвирлардан маълум бўлмоқдаки, чўлларда туристларни қизиқтирадиган туристик объектлар жуда кўп экан. Расмдаги туристик объектларни аниқлаш учун Тим қишлоғи атрофи 5 км радиусда ҳафта давомида ўрганилди.

Чўллардаги қишлоқлар ва овулларнинг атрофларидаги туристик объектларни туристлар ёки экскурсиячиларга кўрсатиш учун бу объектларни кўриш мавсумларига эътибор берилади. Масалан, чўлликларнинг кўпкари-улоқ миллий спорт ўйини кеч куздан февралнинг ўрталаригача ўтказилади. Илонлар ва калтакесакларнинг баъзи бир тулари апрел ойининг бошларидан ер юзасига чиқишади, бургут ва қирғийлар билан ов қилиш кеч кудан то февралнинг ўрталаригача давом этади. Моделдаги қолган туристик объектларни туристлар ва экскурсиячиларга йил давомида кўрсатиш мумкин.

Расмда келтирилган Тим қишлоғи Қарнобчўлнинг “Қарноб ота” жамоа хўжалиги да жойлашаган (Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида). Тим қишлоғида 1000 ёшли арча дарахти ва 1000 ёшли Араб ота мақбараси туристларни ўзига чорловчи асосий туристик объектлар ҳисобланса, расмдаги бошқа тасвирлар қишлоқнинг атрофларидаги туристик объектлар ҳисобланади.

Мавсумларда эса бу қишлоқ аҳолисининг миллий ўйинларини ҳам турмаҳсулотларга қўшиш мумкин. Шунингдек, мавсумларда қишлоқ атрофларига экосафари турларини ҳам ташкил қилиш мумкин. Бундай моделлар яратиш учун экотуризм операторлари чўллардаги қишлоқлар ва овулларни ва уларнинг атрофларидаги ресурсларни ресурсларни яхши ўрганиши талаб қилинади.

5.3. Чўлларда туризм хизматларини, туризм инфратузилмаларини яратиш

Кейинги йилларда республикамизда туризм инфратузилмасини замон талабига мослаштириш мақсадида кўпгина ишлар қилинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1995 йил 2 июндаги «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишни юксак даражага кўтариш муаммоларини ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлди.

Фармон ғоят муҳим, халқаро туризм йўналиши «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш, бунга хорижий сармоядорларни кенг жалб этиш, шунингдек, замонавий туризм сиёсатини вужудга келтиришга асосий мақсадини қаратди. Бунинг учун эса қуйидаги ўта муҳим ва долзарб масалалар ўз ечимини топиши лозим. Масалан, «Буюк ипак йўли» даги шаҳарлар– Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил этиш, мазкур шаҳарларнинг аэропортлари ва темир йўл вокзалларида туристлар учун божхона расм-русумларини халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, шунингдек, транзит туристлар учун махсус божхона минтақалари жорий қилиш кўзда тутилди.

Ушбу шаҳарларда янги ташкил этиладиган туристик ташкилотлар ва корхоналар барпо этилган пайтдан бошлаб, дастлабки фойдани олгунга қадар ўтадиган даврда, лекин рўйхатга олинган санадан кейин узоғи билан уч йил мобайнида барча турдаги солиқлардан озод қилиш имконияти туғилди. Шу мақсадда мазкур ташкилотлар ва корхоналар фойда (даромад) олган биринчи йили (даромад) солиғининг 50% ини, иккинчи йили 75 % ини, учинчи йилдан бошлаб 100 % ини тўлашлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этувчи хорижий сармоядорлар, илгари берилган имтиёзларга қўшимча равишда, олиб кетадиган фойдадан 5 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилиниши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, тижорат банкларига тадбиркорлар хусусий меҳмонхоналарини ва меҳмонхона инфратузилмаси иншоотларини барпо этишлари чоғида уларга камида беш йил муддат ичида тўлаш шарти билан кредитлар берилиши ҳамда ўша вақтдаги «Ўзбектуризм» МКнинг Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда инвестиция банки-«Ўзсаёҳатинвестбанк» ни ташкил

этишларининг белгилиб қўйилиши соҳа ривожини учун олиб борилаётган давлат сиёсатининг нечоғли тўғри эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Шунингдек, халқаро туризмни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этиш учун жавобгарлик «Ўзбек туризм»МК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларининг, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликларининг, чегара ва божхона хизматларининг раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 3 июнда «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда Президент фармони бўйича яна қуйидаги муҳим масалалар амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди: тегишли ташкилотлар билан биргаликда туристларни авиа ва темир йўл транспорти орқали ташишда имтиёзлар бериш тартибини ишлаб чиқиш, махсус божхона ҳудудларини ташкил этиш, уларни замонавий назорат техникаси билан жиҳозлаш вазифаси юклатилди. Қарорда туризм тизимидаги хусусийлаштирилаётган объектлардан тушган маблағлар «Ўзбектуризм» МК бўлинмаларини қайта қуриш ва техника билан жиҳозлаш мақсадида «Ўзсаёҳатинвестбанк»ка ўтказиш белгилаб қўйилди.

Валюта операцияларида имтиёзлар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч-Хива йўналишларида йўлларни ободонлаштириш, сервис хизматларини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, шаҳардан ташқарида жойлашган туристик объектлар учун коммуникация тармоқлари тўлови бўйича имтиёзлар бериш, туристик иншоотлар қурилиши бўйича тендерлар ўтказиш, туристлар бўладиган жойларда амалий ва тасвирий санъат, халқ ижодкорлиги буюмлари, реклама маҳсулотларини тайёрлаш-сотишда шаҳобчалар ташкил этиш, хорижда туристик ваколатхоналар очиш ҳам мазкур қарорда белгилаб қўйилган вазифалар эди.

Қайд қилинганлардан маълум бўладики, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг барча йўналишларида, соҳаларида давлатимизнинг имтиёзли қарорлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда замонавий туризм инфратузилмаларининг яратилишига ва яратилаётганлигига мустаҳкам замин яратди.

Фикримизча, ҳукуматимизнинг бу қарори Республикаимиздаги барча вилоятлар ва вилоятлардаги туманлар ҳокимликлари учун бажарилиши мажбурий бўлган қарор эди. Лекин, бу муҳим қарор ҳам, то ҳозирги кунгача асосан шаҳарларимиз туризмида бажарилмоқда. Республикаимиздаги туманлар ҳокимликлари дастлабки вақтда ўз туманларидаги халқаро туристик ресурсларда, объектларда туризм инфратузилмаларини яратишга киришганларида эди, ҳозирга келиб бу туманларда туризм тадбиркорлиги юзага келиб маҳаллий, ички туризмда туризм инфратузилмаларини яратиш анча

кучайган бўлар эди.

Республикамизда ички туризмни ривожлантиришнинг асоси бўлган қишлоқ туризмнинг ривожланмаётганлигининг асосий сабаблари ҳам шу ҳолатнинг, имкониятнинг бой берилганлиги ҳисобланади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 2 июндаги «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда “Буюк ипак йўли” маршрутидаги барча туристик ресурслардан фойдаланишни кўзда тутган эди.

Ўзбекистоннинг марказий шаҳарлари ва марказий чўлларида ўтган “Буюк ипак йўли”нинг чўлларимиздаги йўллари, қўналғаларини, карвон саройларини аниқлаш, тиклаш ва туризмга жалб қилишда чўл минтақа ларидаги маконларни, археологик топилмаларни, қудуқлар, сардобаларни, катта-катта қишлоқларни аниқлаш, тарихни суриштириш ишларини бошлашимиз талаб қилинмоқда.

Туризм инфратузилмаси тушунчаси-туристик фаолиятни амалга оширишда туристларнинг туристик ресурсларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бино ва иншоотлар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан йўллар, туризмнинг турли хизмат кўрсатиш корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиш ва таъминлаш тушунилади.

Инфратузилма аҳоли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган хўжалик ва маданий объектлар, унинг хизматлар кўрсатиш тармоқларини ташкил қилувчи (йўллар, кўприклар, каналлар, омборлар, транспорт, алоқа, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалиги, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, молиявий ташкилотлар ва бошқ.) маҳаллий бошқарув мажмуаси бўлиб хизмат қилади³⁷.

Бу автомобил ва темир йўллар, йўл ҳаракатини, ҳаво йўллари, денгиз ва дарё йўлари ҳаракатини тартибга солувчи, иссиқлик, сув, электр ва телефон алоқалари билан таъминлаш ва бошқа коммуникация тизимларидир. Маълумки, туризм соҳасида туристик ресурслари, яни табиий-иқлим, тарихий-маданий, маърифий, ижтимоий-маиший туризм объектлари бўлган ҳудудларда керакли инфратузилмани яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Чўл ва адир минтақаларидаги туристик ресурслардан туризмда фойдаланиш учун дастлабки ҳолатларда қуйидаги туристик инфратузил маларни яратишга киришиш чўлларда туризмни ривожлантиришдаги мақсадли йўналиш бўлади:

- Транспорт-коммуникация инфратузилмаларини яратиш;
- Жойлаштириш, тунаш ва дам олиш инфратузилмаларини яратиш;
- Овқатлантириш ва қўнғил очар ўйинларни ташкил қилувчи туристик инфратузилмаларни яратиш.


Чўллардаги дастлабки туристик фаолиятларда айниқса баҳор, ёз ва куз ойларида юқорида қайд қилинган инфратузилмаларни йиғма-кўчма яъни палатка усулида ҳам ташкил қилиш тизимларини ишлаб чиқишимиз керак. Чўл

³⁷. Маматкулов Х.М.Туризм инфратузилмаси,Самарқанд, 2009.-260 б.

минтақаларида аҳолининг қишлоқ ва овуллари ораларидаги масофалар жуда узок бўлганлиги учун чўлларда туристик инфратузилмаларни туристик объектнинг атрофларида палатка усулида яратиш мумкин.

Чўлнинг табиати ўзига хос кўринишларга, қизиқ экотуристлик объектларга бой бўлганлигидан бу улкан худудларда экотуризмни ривожлантиришнинг катта имкониятлари бор. Масалан, чўлдаги табиат кўриқхоналарига туристик маршрутлар ташкил қилинганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Кўриқхоналардан туристик фаолиятда фойдаланиш учун рухсатномалар олиш;
- Кўриқхона фаолияти ҳақида батафсил тавсифнома тайёрлаш;
- Кўриқхонанинг иш режими ва фаолияти билан туристларни таништириш;
- Кўриқхонадаги ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини, кўриқхонадаги табиат манзараларини кўриш мумкин бўлган 2 та қайтарилмас туристик сўқмоқлар ишлаб чиқиш;
- Кўриқхонадаги туристик сўқмоқларда(маршрутларда) дам олиш жойларини белгилаш;
- Кўриқхонада тунаш жойларини белгилаш.



Нурота табиат кўриқхонасида маҳаллий туризм инфратузилмаларининг ташкил қилинаётганлиги

Ҳозирги вақтда давлат табиат кўриқхоналаридан туристик мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаганлигидан юқорида қай қилинган режаларни кўриқхона маъмурияти билан келишилган ҳолда кўриқхона ташқарисида ҳам ташкил қилса бўлади. Иккинчидан, чўл минтақаларидаги кўриқхоналарнинг

майдони катта ҳудудларни эгаллагани учун ҳозирдан бу кўриқхоналарга туристларни кўйишга рухсат бериш бизнингча ҳеч қандай хавф-хатарларни келтириб чиқармайди.

Чўл минтақаларида туристик инфратузилмаларни яратиш дастлабки вақтларда оддийликни, камхаражатларни ташкил қилса, туристик оқим кучайгандан кейин албатда замонавий туристик инфратузилмаларни яратишга асос бўлади.



Чўлларимизда туризм инфратузилмалари ўзига хослиги билан ажралиб туради



Халқаро туризмда ҳам, ички туризмда ҳам энг қизиқарли меҳмонхоналар-чўпон уйлари- юрталар ҳисобланади.

Республикамизда энг кўп юртали меҳмонхоналар Айдаркўлда жойлашган.





5.4. Чўлларда туризмни ривожлантиришда «Буюк ипак йули»нинг Ўзбекистон чўл ҳудудларидан ўтган маршрутани тиклашдаги вазифалар

“Буюк Ипак Йўли”нинг ўтмиши ва ҳозирги кунини жонлантиришда чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятлари борлигини билганимиз учун “Буюк ипак йўли”даги карвонлар маршрутларини, бу маршрутларнинг кўналғаю–карвонсаройларининг манзилларини аниқлашимиз талаб қилинади. Чунки Буюк ипак йўлининг шимолий қисми Ўзбекистоннинг чўлларидан ўтган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 2- июндаги 1162 рақамли «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида Осиё ва Европани бирлаштирган, савдо-сотик йўллари ўтган давлатларнинг бири-бирига сиёсат, дипломатия, иқтисод, ўзаро дўстона алоқаларни ривожлантиришда муҳим рол уйнаган, мамлакатимиз ҳудудларидан ва сайёрамиз қуруқлигидан ўтган энг узун, қадимдан машҳур «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда давлатимиз иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари аниқ белгиланган³⁸.

Хитойликларнинг Марказий Осиёга ва Ўзбекистонга йўл очиши хитойлик машҳур дипломат ва элчи Чжанг Сяннинг милоддан аввалги биринчи 100 йилликда Марказий Осиёга келиб ушбу минтақадаги йўллар, мамлакатлар ва халқлар ҳақида маълумотлар тўплаб Хитойга қайтганидан кейин бошланганлиги тарихий манбаларда тўлиқ келтирилган. Афросиёб деворий расмларида Суғд Вархуман саройига бораётган Хитой, Чоғониён, Чоч элчиларининг расмлари ҳам ҳозиргача яхши сақланган.

Хитойлик Чжанг Сяннинг Фарғонага бир неча бор келиб кетганидан кейин ва Фарғона ҳокимининг Чжанг Сянни дўстона кутиб олганлиги сабабли

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 2- июндаги 1162 рақамли «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

элчи Хитойга қайтганидан сўнг Чин юртининг савдо карвонлари Фарғона водийсига ёпирилиб кела бошлаган. Тарихдан ҳам, ҳозирдан ҳам маълумки, савдогарлар учун давлатлараро сиёсий мухитнинг яхшилиги ва янги бозор керак.

«Буюк ипак йўли»нинг Ўзбекистонинг қайси шаҳарларидан ўтганлиги тўлиқ тикланган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қайд қилинган «Буюк ипак йўли»ни тиклаш ҳақидаги фармони (албатта Ўзбекистон давлати ҳудудларида) нинг бажарилиши ҳақида тарихчи, адабиётшунос ва географ олимлар жиддий илмий-тадқиқотлар олиб бормокдалар. «Буюк ипак йўли»нинг Фарғона-Тошкент Самарқанд, Жиззах, Бухоро маршрутлари маълум. Бу маршрутдаги шаҳарларимизнинг ораликларидаги карвон тўхтаб дам олган манзиллар аста-секин аниқланмоқда. (М.Ҳошимов, С.Ҳайдаровларнинг ишланмаси бўйича-Буюк ипак йўлининг Самарқанд вилоятидан IX-XI асрларда ўтган тармоқлари карта схемаси).

Лекин «Буюк ипак йўли» нинг Бухоро-Хоразм йўлидаги тўхташ жойлари ва Бухоро-Туркменистон йўлидаги тўхташ жойлари аниқроғи бу машҳур йўлнинг Ўзбекистон чўл ҳудудларидан ўтган излари ҳозиргача номаълум бўлиб қолмоқда. Бу йуналишда-тадқиқотлар ҳам бошланган эмас. Мазкур тадқиқотларда қитъалараро тарихий йўлнинг Ўзбекистоннинг чўл ҳудудлари дан катта масофаларда ўтганлиги ва бу йўлни тиклаш ҳақидаги фикрлар ва вазифаларни билдириш истагини баён қилмоқчимиз. Шунингдек, «Буюк ипак йўли»нинг тикланиши Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини қайд қилмоқчимиз.



Буюк ипак йўлининг Самарқанд вилоятидан IX-XI асрларда ўтган тармоқлари карта схемаси (Ҳошимов М., Ҳайдаров С., 2008).

«Буюк ипак йўли» ҳозирги хариталарида «йўл»нинг Бухородан кейин икки йўналишда:

Биринчиси-Бухоро-Қоракул-Олот Қашқадарё вилояти (Ғузор) худудларидан ўтиб Туркманистонга; Иккинчиси-Бухородан Қизилқум чўли орқали Тўрткул-Хива-ҳозирги Хўжайли сўнгра Устюрт чўли орқали Волга дарёси куйилиш жойлари бўйлаб Европага йўл олган.

Хўжайлидан «Йўл» икки йўналишда-Қўнғирот орқали Устюрт чўли Волга дарёси куйисига; 2-Хўжайли-Устюрт чўли орқали Каспий денгизига чиқган.

Ҳозирги вақтда тарихчиларни ҳам туризм соҳасидаги мутахассисларни ҳам «Буюк ипак йўли»нинг Ўзбекистоннинг чўл худудларидан ўтган карвон йўллари қизиқтиради. «Буюк ипак йўли» савдо карвонлари чўлларимиздаги қайси манзиллардан ўтганлигини аниқлаш, тиклаш нафақат тарих ёки туризмни ривожлантиришга балки, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги мавқиени оширишга ҳам хизмат қилиши кутиладиган натижадир.

Тарихий манбалар бўйича асосан туялардан иборат бўлган савдо карвонлари ҳар 30-40 км (баъзида 50-60 км) масофадан кейин бутун карвон таркиби (одамлар, туялар) дам олиш учун тўхташган. Қизилқум чўли шароитини ҳисобга олганимизда бу тахминлар ҳақиқатга тўғри келади. Бу йўллардан ташқари Чимкент-Қизил Ўрдагача борган йўл Қизилқум чўли орқали ўтиб яна Хўжайлида тўхтаган. Шунингдек, Қизилўрдадан Россияга кетган йўлнинг бир тармоғи Оролнинг шарқий қисмидан бир тармоқ билан ажралиб, Белтоғ-Қизилўрда йўли билан учрашган ва Хўжайлига келган.

Бухородан Хива шаҳригача бўлган масофа-автомагистрал йўлнинг узунлиги 510 км. Агар карвонлар ҳар 40-50 км масофада дам олиш учун тўхташган бўлса Бухородан қадимги Хорзмгача ўртача 8-10 жойда тўхташган. Маълумки, чўлдаги тўхташ жойлари асосан сувли қудуқлар, сардобалар бўлган. Ҳозир ҳам аксарият ҳолларда чўлдаги илмий экспедициялар ичимлик суви бор қудуқлар атрофида тўхтаб дам олишади. Фикримизча «Буюк ипак йўли»нинг Ўзбекистоннинг чўл худудларидан ўтган (4-тармоқ йўналишида) йўлларини айнан ана шу йўналишлардаги қудуқларни аниқлаш орқали тиклаш мумкин.

Ҳозирги Карнобчўлнинг «Қарнобота» қоракўлчилик, наслчилик ширкат хўжалигида (Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, «Қарнобота» ширкат хўжалиги), деярли майда тупрок тепаликларига айланган «Гумбаз қалъа» харобалари бор. «Гумбаз» қалъа қолдиқларида яқин қишлоқ аҳолисининг қизиқувчилари (ҳозиргача ҳам гоҳи-гоҳида бойлик топиш учун, баъзида 1-2 та тилла тангалар топишади) қазиларни олиб боришади, кимларнингдир тангалар топганини гапиришади.



Қишлоқнинг кекса кишилари бу жойдан «Буюк ипак йўли» савдо карвонлари тўхтаб ўтган карвонсарой бўлганлигини сўзлаб беришади. Ярим эртаксимон бу хикояларда ҳақиқат бордек. Чунки, Бухородан Туркманистонга «Буюк ипак йўли» Қоракўл - Ғузор орқали (чўлдан) ўтган. Гумбаз қалъа эса қайд қилинган икки манзилнинг оралиғида жойлашган.

Ўзбекистоннинг катта чўлларида бўлган Қарнобчўлнинг марказидаги Тим қишлоғида 1000 ёшли арча дарахти ва шу қишлоқнинг қабристонидан 1000 ёшли Аработа мақбараси бор. Қишлоқдаги кекса кишилар ва тарих ўқитувчиларининг хабар беришича ўтмишдаги «Буюк ипак йўли» айнан ана шу қишлоқдан ўтган. Тим қишлоғининг ҳозир чўл шароитидаги ўртача катталиқдаги қишлоқ дейиш мумкин. Лекин арча ва мақбаранинг 1000 ёшдалиги билан боғлиқ кўплаб ривоятлар айтилиб келинмоқда.



Мақбара билан арчанинг чўл марказида эканлиги ҳам аксарият ҳолларда «Буюк ипак йўли»даги карвонсаройлари бўлган кичик шаҳарчанинг Тим қишлоғи атрофида жойлашганлиги ҳақида кўплаб афсоналар ҳам бор. Ҳар ҳолда Аработа мақбарасининг қурилиши ҳам Тим қишлоғининг қадимда аҳоли сони жиҳатидан йирик қишлоқлардан бўлганлигидан далолат беради. Бу иккала тарихий ва табиий ёдгорликни мукамал тадқиқот қилиш ҳам «Буюк ипак йўли»нинг чўлдаги маршрутларидан хабар бериши мумкин. Қайд қилинганлардан қуйидаги фикрлар, хулосалар келиб чиқади;

1. «Буюк ипак йўли» қадимий Хоразмгача Қизилқум саҳросидаги ичимлик сувли қудуқлари орқали ўтган. «Буюк ипак йўли»нинг маршрутларини тарихий манбалардаги чўл халқи фойдаланган қудуқларнинг қадимий номларини аниқлашдан бошламоқ керак бўлади.

Иккинчи фикр бўйича «Буюк ипак йўли» савдо карвонлари ўзлари учун ҳар 40-50 км масофада қудуқлар қаздирган ҳам бўлиши мумкин.

Учинчи фикр бўйича чўл аҳолиси ва чорваси учун маҳаллий аҳоли ёки бадавлат кишилар бу қудуқларни қаздирган.

2. Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларидан ўтган «Буюк ипак йўли» ни тиклаш учун чўл минтақаларига археологлар, тарихчилар ва географлар таркибида бўлган илмий экспедициялар уюштириш қадимий савдо карвони йўлини аниқлашда кўп муҳим маълумотларни бериши мумкин.

3. Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидан ўтган «Буюк ипак йўли»нинг тикланиши бу ҳудудларда туризмнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Иккинчидан, «Буюк ипак йўли»да туристик манзиллар ва туристлар учун туя карвонлари маршрутларини (экологик, экзотик, дам олиш туризмлари) ишлаб чиқиш имкониятлари яратилади.

4. «Буюк ипак йўли»нинг Ўзбекистон чўл ҳудудларидан ўтган маршрутларнинг тикланиши халқаро миқёсда янги рекламаларни, янги туристик ресурсларни ва туристик инфратузилмаларни юзага келишини таъминлайди.

5. Буюк Ипак Йўлидаги кўналғалар, карвонсаройлар, қишлоқ ва овуллар, қудуқлар ва манзилларнинг топилиши ушбу жойларда қишлоқ туризмни ривожлантиришда катта имкониятларни яратади.

6. «Буюк ипак йўли»и ўтган кўп давлатлар ўз ҳудудларида бу йўлнинг карвонсаройларини тиклашиб, дунё бўйича кўплаб туристлар оқимини ўз давлатларига жалб қилишмоқда. Биз ҳам Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида лоақал битта карвонсаройни ипак йўли давридагидек тиклашимиз ва халқаро миқёсларда реклама қилишимиз чўлларимизда туризмни ривожлантиришда мақсадли йўналишлардан бўлиши шубҳасиздир.

5.5. Чўллардаги туристик ресурсларга туристик маршрутлар яратиш ва маршрутларнинг рекламаси

Туризм соҳасини ривожлантиришдаги муҳим масалалардан бири туристик маршрутлар масаласидир. Ҳиндистонга океан йўли билан борадиган маршрутни билмаган денгиз сайёҳи Христофор Колумб Америка қитъасини кашф этди. Янги қитъани кашф қилганини билмасдан оламдан ўтиб кетган Х.Колумб адашган бўлса ҳам, инсониятнинг буюк ўғлонлари сафидан абадий жой олган. Худди шунингдек, ислом оламининг муқаддас маркази бўлган Макка шаҳрига ҳам зиёратга борувчи мусулмонлар давлатлараро аниқ маршрутнинг йўқлигидан кўп асрлар давомида сарсон-саргардон бўлдилар. Ҳаж сафарларида 4-5 йиллаб йўлда юрдилар. Ҳозир дунёнинг барча нуқталаридан ҳаж сафарига чиққанлар замонавий транспорт воситаларида санокли соатлар вақтида Маккага етиб борадилар.

Инсон ўзининг қизуқувчанлигидан олдиндаги ҳаёт-хавфсизлиги таъминланмаганлигини билса ҳам ўтмишда сафарга чиқишдан тўхтамаган. Роберт Скотт маршрутнинг йўқлигидан жанубий қутб музликларида уч ҳамроҳи билан фожиали ҳалок бўлди. Буюк географик кашфиётчи, жасур денгизчи Витус Беринг ҳам шимолий денгизларда маршрут яратиш сафарида кўплаб сафдошлари билан фожиали ҳалок бўлган. Тарихда бундай инсонлар жуда кўп. Биз қайд қилганларни мазкур ишнинг вазифаларини бажаришда маршрутлар яратишнинг аҳамияти туризм соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим асосларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлашдир.

Экотуризм маршрутларининг рекламасини ишлаб чиқишда дастлаб экотуризм маршрутларининг мавзуси аниқланади. Республикаимизда экотуризмни ривожлантиришда табиат қўриқхоналаридан фойдаланиш ҳақида жуда кўплаб мулоҳазалар ва таклифлар, тавсиялар билдирилмоқда. Лекин, юқорида қайд қилганимиздек, табиат қўриқхоналаридан экотуризм мақсадларида фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилмаганидан ҳозирча бу экотуристик салоҳиятдан фойдаланиш имкониятлари йўқ.


Шунга қарамасдан, ҳозирданок табиат қўриқхоналаримиздаги экотуристтик объектларни рўйхатга олишимиз ва уларнинг тавсифларини ёзиб боришни бошлашимиз керак. Албатта, табиат қўриқхоналарнинг ўзига хос бўлган табиат ландшафтларининг рангли тасвирлари каталоглари ишлаб чиқилган. Экотуризм ривожланишидаги ҳалқаро статистикани кўрганимизда ички туризмда ҳам ҳалқаро туризмда ҳам 70–80% туристлар табиат қўриқхоналаридаги ноёб айниқса, тубжой табиатидаги ҳайвонот оламига қизиқишмоқда. Қуйида биз Ўзбекистон чўлларининг табиатидаги ҳайвонот оламини тасвирловчи экотуристтик маршрутдаги асосий ва қизиқарли ҳайвон турларини реклама қилиш лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Экотуристтик рекламанинг мавзуси: **«Қизилқум табиат қўриқхонасига саёҳат»** рекламасида экотуристтик маршрутнинг ўзи ишлаб чиқилмайди. Балки, туристларни қизиқтирувчи ва бу табиат қўриқхонасига бориш истагини ҳосил қилувчи ҳис–туйғуни ҳосил қилади.. Шунинг учун ҳам туризмнинг тижорий сир–асрорларини бирданга эълон қилиб бўлмайди. Дастлаб экотуристтик маршрутнинг жозибадор ва қизиқарли объектларининг бир қисмигина рекама қилинади. Қайд қилинган мавзудаги экотуристтик реклама қуйидагича бўлиши мумкин:

Қизилқум давлат қўриқхонаси Амударёнинг ўрта оқимидаги қирғоқларидаги тўқайзор табиатига қўшилиб кетадиган Қизилқум чўли ҳудудларида жойлашган бўлиб чўлларимизнинг, тўқайзорларнинг типик табиати ва бу табиат билан боғлиқ ҳайвонот оламини тасвирлайди.



Амударёнинг қирғоқ бўйларида жойлашган бетакрор табиати ва ноёб ҳайвонот оламига эга бўлган тўқайзорлар Қизилқумнинг бепоён чўлига улашиб кетади



Ўзбекистон Республикасининг «Қизил Китоб»ига ва халқаро «Қизил китоб»га киритилган ва халқаро миқёсда қўриқланаётган Қизилқум эчкиэмарининг энг кўп сонлари ушбу қўриқхонада муҳофаза қилинади.

Қўриқхона муҳофазаси тўқайзорлар ва чўл табиатидаги экотизим ларнинг ёнма-ён жойлашишидаги қуруқ ва нам иқлимли экологик табиий шароитларга мослашган майда судралиб юрвчи калтакесакларнинг ҳам кўпайишига табиий шароит яратмоқда. Бу калтакесаклар иқлим ўзгариши билан рангларини ўсимликлар қопламига мослаштириб боради. Ёзнинг ҳарорати кўтарилган сари улардаги ранг хилма-хиллиги кучаяди.




Қўриқхона ҳудудлари муҳофазага олингандан кейин бир-икки йиллар муддатида қўриқхонада турли-туман калтакесаклар кўпайиб бормоқда





Қўриқхонада қўриқланаётган ва қўпайтирилаётган, «Халқаро қизил китоб»даги Бухоро бугуси (Хонгул).



Қўриқхонадаги жайронлар



Туристлар қўриқхона ҳудудидаги қумли чўлга туяларда экзотик экскурсияга чиқишлари мумкин.



Туристтик маршрут охирида экотуристлар дарахтлар соясида дам олиб жўшқин Амударёни томоша қилишлари мумкин. Қўриқхонанинг энг муҳим бойликлари-тўқайзор, бутазорли ўрмонларидир. Бу қалин ўрмонларда тўқайзорларнинг ноёб ҳайвонлари яшашади. Тўқайзорларнинг ҳайвонлари экосафари ресурслари ҳам ҳисобланади



Амударё соҳилларида қайта тикланаётган тўқайзорлар

Туристтик маршрутлар ишлаб чиқишда рамзлар ва эмблемалардан фойдаланиш туризм рекламасида муҳим ўринни эгаллайди. Чунки, эмблема ёки рамз қўйилгандан кейин туристик ресурс ёки туристик объект ҳақида қўшимча изоҳларнинг ёзилишига эҳтиёж қолмайди. Бунинг учун туроператорлар билимли бўлиши керак. Дунё экотуризмада экотуристлар миллий парклар ва табиат қўриқхоналарига қизиқишадилар. Бунинг бош сабаби табиат қўриқхоналарида табиий ландшафтларнинг, биологик ресурсларнинг сақланиб қолганлиги ҳисобланади.

5.6. Чўллардаги биологик хилма-хилликни сақлаш, муҳофаза қилиш ва бойитиб бориш туризмни ривожлантиришнинг истиқболлини таъминловчи омил сифатида

Бу бўлимдаги маълумотлар билан танишган азиз ўқувчиларимиздан монографияда қўйилган мавзудан биров четга чиқилибдида деган иккиланувчи хулосаларга келмаслигини сўраймиз. Муаллиф Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида 35 йил ишлади. Ўтган вақтларда чўл-яйлов чорвачилигдаги ижобий ўсиш давлари ҳам, чўл бойликларини оёқ ости, пайхон қилинган давлари ҳам бўлди. Ёзнинг нафасни қайтарувчи, қаҳратон қишининг аёвсиз суронларига чидаб қорақўл маҳсулотларини етиштирган чўлликлар ўзлари етиштирган ноёб маҳсулотларига эгалик қилолмай бири-икки бўлмаган оғир давлари энди ўтмиш бўлиб қолди.

Чўлнинг чорвачилик маҳсулотларини ҳам, қазилма бойликларини ҳам “марказга ташиганлар” нинг бир асрдан зиёд ҳукумронлик қилган йилларида ҳам бир амаллаб оиласини боқган чўлликлар ўзларига азиз бўлган, муқаддас бўлган, ота-боболаридан меърос бўлган чўл ерларини ташлаб кетмадилар, қарамликнинг барча озоб-уқубатларига мардоновор ҳолатда чидадилар, имкони борича чўлларимизнинг ўсимликлар қопламани муҳофаза қилишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилишди.

Лекин, ҳозирда жуда кўпчилигимиз ҳам, ўзини анча маълумотлиман деб ҳисобловчилар ҳам, чўлни табиатан “камбағал”, қуруқ қум, чанг- тўзонлар юрти дейувчилар чўлларнинг барча бойликларининг бойликлари уларнинг ўсимликлари, ўсимликлари қопламлари эканликларини, ҳисобланишини билишмайди, бу буюк-табиат ҳақиқатини тушуна олмайди.

1. Чўлларимизни ҳимоя қилиб, жаҳоннинг энг зўравон, қонхўр ҳокимларидан бири Александр Македонскийнинг енгилмас армиясига қарши ҳаёт-мамонт урушига кирган улуғ Сўғдийлар ва унинг жасур ўғлони Спитамен ҳам чўлларнинг асосий бойлиги унинг ўсимликлари учун жонини жуда эрта ёшда ўзининг чўлига топширди.

2. Чўлларимизни ҳимоя қили, жаҳоннинг энг зўравон, қонхўр ҳокимларидан бири Кир ва унинг енгилмас армиясига қарши ҳаёт-мамонт урушига кирган буюк Массаетлар ва унинг яна ҳам буюкроғи бўлган жасур малика Тўмариснинг ягона ўғли Спарганиз ва минглаб массаетлар ҳам чўлларнинг

асосий бойлиги унинг ўсимликлари учун жонларини жуда эрта ёшда ўзларининг чўлига топширди.

3. Чўлларимизни ҳимоя қилиб, жаҳоннинг энг зўравон, қонхўр ҳокимларидан бири Доро ва унинг енгилмас армиясига қарши ҳаёт-мамот уришига кирган инсониятнинг афсоналаридан устун турувчи жасур ўғлон Широқ ҳам чўлларнинг асосий бойлиги унинг ўсимликлари учун жонини жуда эрта ёшда ўзининг чўлига топширди.

4. Чўлларимизни ҳимоя қилиб, жаҳоннинг энг зўравон, қонхўр ҳокимларидан бири Чингизхон ва унинг енгилмас армиясига қарши ҳаёт-мамот уришига кирган жасур ўғлон-ўзбекнинг тарихий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди ҳам ўзга юртларда фожияли ҳалок бўлди.

5. Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темури ҳам бутун умри давомида чўлларни эгаллаб олган мўғул босқинчилари билан курашди ва уларнинг асрий ҳукмронлиги тугатди.

6. Чўлларимизга асрий эгалик қилган сўнги “қизил империя” ҳам келган жойига кетди.

7. Худди шу чўлларимиз замида бундан 3 минг олдин яратилган “Авесто”да “яйлови борнинг чорваси бор” деган сўзлар шиор қилиниб олтин суви билан ёзилган.

8. Буюк соҳибқирон бобомиз Темурбекнинг 100 минг жанговор, суворий отлари Каспий денгизи қиргоқларидан тортиб то Қозоғистоннинг бепаён чўлларида сақланган, ёзнинг жазирамаси ва қишининг изгирили совуқларига ўргатилган. Бунда чўлларнинг яйловларидан тежамли фойдаланиш режими, ўсимликлар қопламанинг топталмаслиги давлат миқёсида назорат қилинган, йил давомида ва мавсумлар давомида яйловлардан алмашлаб фойдаланиш тизими жорий қилинган.

9. Самарқандимиздаги 90 ёшли Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўллар экологияси илмий-тадқиқот институтининг раҳбарлари, кўплаб забардаст олимлари бутун умрини чўлларимизнинг ўсимликлар қопламани сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва бойитиб боришига бағишлади, захматли, фидойи илмий-амалий меҳнатлари билан чўлларимиздаги аҳолига садоқат билан хизмат қилди. Республикаимизнинг маданий минтақаларида яшаётганларнинг барчаси уларга тазим қилишлари лозим деб ҳисоблайман.

Чўлликлар буюк мустақиллигимиздан кейин яна ўзларининг қадимдан меърос бўлиб қолган чўл-яйлов чорвачилигини муваффақият билан давом эттирмоқдалар. Шу билан бирга уларнинг олдида жуда жиддий муаммолар кўндаланг бўлиб турганлиги юзага чиқди.

Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз қуйида келтириладиган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ҳисобланади. Лекин, таъссуфки, чўлга раҳбар бўлиб келган ҳокимларнинг бири чўлликларга- пахта экасан деса, иккинчиси-ғалла экасан деб зуғум қилади, учинчиси эса-туёқ сонини кўпайтирасан, чорва маҳсулотини кўпроқ берасан деб дағдаға қилади. Ваҳоланки, чўлларнинг ҳокимлари биринчи навбатда чўлнинг ўсимликларини-

яйловларини муҳофаза қилиш, сақлаш, бойитиб бориш ва улардан режали, оқилона фойдаланиш муаммолари билан шуғулланишлари керак эди.

Қайд қилганимиздек, чўлнинг бутун бойлиги унинг ўсимликлар қатламининг бутлиги билан ўлчанади. Ўсимликлар қатлами бут бўлса, муҳофаза қилинса, бойитилса чўлликларнинг ижтимоий–иқтисодий яшаш тарзлари яхшиланиб бораверади ва уларнинг чўл-яйлов чорвачилигидан кутиладиган маҳсулотларни етказиб бериш имкониятлари ошаверади. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов Республикамизнинг 70% майдонини эгаллаган чўл худудларининг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш бўйича дастурий маслаҳатларини берган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида республикада экологик хавфсизликни таъминлашда табиий ресурслардан фойдаланишни тежамкор, авайлаш негизида амалга оширишни куйидагича таърифлаган эди.

«Катта худудларда табиий шароитларнинг табиий захираларидан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзлаштириш лозим»³⁹.

Президентимизнинг бу фикрлари, Ўзбекистоннинг чўл худудлари яйлов ресурсларидан тежамли, самарали фойдаланишимизда экологик–иқтисодий дастур бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг иқлими қурғоқчил бўлган чўл ва адир минтақаларининг ўсимликлар қопламидан маҳаллий аҳоли қадим-қадимдан яйловлар сифатида фойдаланиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам чорвачиликнинг муҳим соҳалари-қорақўлчилик, эчкичилик ва туячилик халқ хўжалигимиз иқтисодида чўлни хўжалик жихатидан ўзлаштириш, фойдаланиш имконини берувчи, бу минтақаларда яшаётган 3,5 млн. аҳолининг иқтисодий-ижтимоий турмуш даражасини белгиловчи, иш билан таъминловчи асосий табиий ресурс сифатида ҳам муҳим ўринни эгаллайди.



*Чўлнинг асосий бойлиги ва чўл ўсимликларининг ҳимояловчиси,
чўл аҳолисининг асосий ўтини саксовулзорларнинг йўқ қилиниши*

³⁹ .Каримов И.А.,Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997.-325 б.

Мустақиллигимизнинг эркин бозор шароитида чўл чорвачилигини ташкил қилиш ва бошқариш тубдан ўзгарди, давлат хўжаликлари негизида хусусий мулкчиликка асосланган янги хўжалик шакллари юзага келди. Бу йўналиш тобора ривожланиб бормоқда. Шунинг билан биргаликда, фермер, деҳқон, ширкатлар тартибига ўтган янги хўжалик бошқарувларида жуда мураккаб, долзарб муаммолар пайдо бўлди.

Бу муаммолар бирданига чиқган эмас. Улар кўп йиллардан бери тўпланиб келаётган эди. Бу муаммолар чўлдаги чорвани йил давомида (айниқса қишда) озуқа билан таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалалардир. Мулоҳазаларимизнинг мазмуни ҳам ана шу саволнинг ечимига бағишланган. Чунки, чўл чорвасининг ривожини яйловларимизнинг ҳосилдорлигига боғлиқ. Яйловларимиз да эса йилдан–йилга чўлланишга кучайиб бормоқда.

Мавзуда қўйилган мақсад–яйловлардаги ҳозирги ҳолатга баҳо бериш ва чўл–яйлов чорвачилигида замонавий бошқарувни ташкил қилишда аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон чўлларида туризмни барқарор ривожлантириш биринчи навбатларда унинг ўсимликлар қопламисининг табиий меъёрлари билан ўлчанади.

Дастлаб қоракўлчиликдаги энг долзарб муаммолардан биринчисини таҳлил қилиш лозим. Чунки, соҳани ривожлантириш режаларида қоракўлчилик яйловлари 17,8 млн.га, ана шунча майдонда шунча бош қўй боқилиши керак деган режалар, фикрлар доимо устивор бўлиб келди. Аслида чўл чорвасининг қанча яйловлари бор?

Бундан 50 йил олдин Ўзбекистонда қоракўлчилик яйловлари 17,8 млн. гектар эканлиги аниқланган. Ярим асрдан кейин бу яйловлар ҳолати қуйидагича ўзгарди:

- Республикамиз ҳудудидаги 1,0 млн.га кўчма, барханли қумлар майдони инсон фаолияти таъсирида эмас балки, табиий-тарихий экологик давр маҳсули бўлиб, бу ҳудудларда ўсимликлар қоплами деярли йўқлигидан чорвачиликда фойдаланилмасам ҳам бу ҳудудлар қоракўлчилик яйловларига қўшиб келинмоқда;
- Ўтган вақт давомида инсон фаолияти таъсирида (кон-қидирув, ишлари, чиқиндилари, бурғулаш ишлари, посёлкалар, қишлоқлар, шаҳарлар қуриш, қовурлар ўтказиш, йўллар солиш ва ҳаказо). Яйлов сифатида яроқсиз ҳолга келган яйловлар майдони–1,0 млн.га;
- Чўлдаги овуллар, қишлоқлар, аҳоли яшайдиган жойлар атрофларидаги ўсимликлар қоплами йўқ қилинган жойлар майдони–500 минг.га;
- Қудуқлар, сув манбалари, шаҳар, посёлкалар, хўжаликлар марказлари атрофидаги чорва моллари емайдиغان, аччиқ какра, кўк мараз, исирикзорлар майдони – 500 мингга;
- Воҳалар (Бухоро, Қарши, Қоракўл) билан қумли чўллар бир-бирлари билан туташган минтақаларда 210 минг га майдонда ҳаракатдаги (барханли) қум шакллари, чўлнинг саксовул, черкез, қандим ва шувохзорларини ўтин учун чопиб олиш натижасида пайдо бўлди.

- Айдаркўл сувлари сатҳи ҳозиргача 600 минг га серҳосил яйловлар майдонини ишғол қилди. Бу майдон тобора кенгайиб бормоқда.
- Қизилқумда мавсумий (отгон) фойдаланишдаги 2,2 млн.га яйловлар ҳозиргача фойдаланилмай келинмоқда.

Маълумотлар таҳлили қоракўлчилик яйловлари 14,0 млн.га эканлигини тасдиқламоқда. Энди, ана шу яйловларнинг сув билан таъминланмаган ҳудудлари республикаимиз бўйича 12% бўлиб, бу кўрсаткич 1,6 млн. гектарга тенг. Демак чўлнинг барча чорваси 12,4 млн. гектар яйловларда боқилмоқда.

Яйловларимиздаги энг долзарб муаммоларидан иккинчиси – яйловларнинг экологик ҳолати (чўлланиш, ҳосилдорликнинг пасайиши, ҳимоясизлиги, эгасизлик, ўсимликлар қопламидаги ўзгаришлар) био-хилма-хилликнинг бузилиши куйидагилардан иборат:

- Коинотдан олинган расмлар маълумоти бўйича яйловлари мизнинг 37% и (17,8 млн.га ҳисобидан) яъни 6,59 млн. гектари турли даражада (кучли, ўртача, кучсиз) чўлланишга учраган;
- Олимларимизнинг маълумотлари бўйича чўлларимизнинг 2,0 млн. гектари кучли шамол эрозияси таъсирида бўлиб, ҳосилдор лиги кескин пасайган;
- Кузатишлардан маълумки, яйловларимиздан ҳар йили 480-500 минг тоннагача асосий (қишки) озуқа ўсимлиги бўлган шувоҳ ўтин ва ипак қурти учун чопиб олиниб, натижада ҳар йили 10-12 минг гектар майдондаги шувоҳзорлар йўқ қилинаёпти;
- Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотлари бўйича яйловларнинг ҳосилдорлиги емирилиш (деградация) натижасида 2,4 ц/га дан 1,84 ц/га (21%) гача пасайган;
- Яйловларнинг ҳозирги инқирози (чўлланиш) адирларда ерни ҳайдаш (ғалла экиш) натижасида (23,3%); режасиз мол боқишда (29,4%); ўсимликларни ўтин учун чопиб олишда (32,4%) юз бермоқда;
- Орол денгизи сув сатҳининг қирғоқдан 100-110 км. узоқлашиши натижасида жанубий Орол хавзасида 300 минг га саксовулзорларнинг қуриб бораётганлиги қайд қилинган;
- Қоракўлчиликнинг асосий миқдордаги чорваси боқилаётган ва келажакда ҳам чорва сонини кўпайтиришга мўлжалланаётган Қизилқум яйловлари ўсимликлар қопламидаги ўзгаришларни экологик мониторинг қилиш куйидаги ҳолатни кўрсатди.

Экспедицияларда қудуқлар атрофи яйловларидаги ўзгаришлар ҳисобга олинди. 74 йилда Конимехчўлдаги қудуқлар атрофидаги яйловларда ўсимлик турлари (шувоқ-барра ўтли яйлов) 3 турга, буталар 12 % га, ярим бўталар 1% га, кўп йиллик ўтлар– 8 % га камайган, бир йиллик ўтлар 19% га кўпайган. Қизилқумдаги қудуқлар атрофидаги яйловлар ўтган 74 йилда кескин ўзгарганлиги, ўсимлик қопламида турлар камайганлиги, ўсимликларнинг ҳаётий шакллари сони, тури ва ривожидида табиий мувозанат бузилганлиги аниқланди.

Конимехчўл яйловларидаги ўзгаришлар (1932-2006 й.й.)

Кузатув йиллари	Ўсимлик турлари сони	Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари, %			
		Буталар	Ярим буталар	Кўп йиллик ўтлар	Бир йиллик ўтлар
1932 йил Конимех экспедицияси	60	28	11	31	30
2006 йил Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти экспедицияси	57	18	10	23	49

Қизилқум яйловларидаги ўзгаришлар (1932-2006 й.й.)

Кузатув йиллари	Ўсимлик турлари сони	Ўсимликларнинг ҳаётий шакллари, %			
		Буталар	Ярим буталар	Кўп йиллик ўтлар	Бир йиллик ўтлар
1932 йил Конимех экспедицияси	44	22	14	33	31
2006 йил Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти экспедицияси	38	11	11	30	48

Яъни қудуқлар атрофидаги яйловларда ўсимликлар 6 турга, буталар 11% га, ярим буталар ҳам 11 % га, кўп йиллик ўтлар 3 % га камайган, бир йиллик ўтлар 17 % га кўпайган.

Иккала чўлнинг қудуқлари атрофидаги ўсимликлар қопламида бир йиллик ўтларнинг кўпайиб (17-19%) бораётганлиги яйловларимизда чўлланиш кучайиб кетаётганлигининг белгисидир. Яйловда бир йиллик (баҳорги) ўтларнинг кўпайиши ушбу яйловларда қўй боқишни чегаралаб қуяди. Бу яйловларда фақат баҳорда қўй боқиш мумкин. Ўтган асрнинг 30 йилларида чўл яйловларининг ҳар 100 м² майдонида умуман ейилмайдиган ўтлар 2-3 донга бўлган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 6-9 донани ташкил қилмоқда. Қайд қилинган маълумотлар яйловларимиздаги инқироз жараёни тобора кучайиб бораётганлигини билдиради.

Чўлларимизда экологик ҳолатнинг кескинлашуви, унинг муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни, яйловдан унумли ва тежамли фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишни тобора қийинлаштирмоқда, бу ҳолда чўл чорваси истиқболини аниқ белгилаш, режалаштириш ишларида ҳам қийинчиликлар, янгилишликлар ва чалкашликлар тўпланиб ўта мураккаб муаммоларга айланиб кетмоқда. Нега яйловларимизда шундай нохуш ҳолат юзага келди?

Бу саволнинг биринчи қисмини чўлларимизда яшаётган чорвадор аҳоли, оқсоқоллари, чўл чорваси хўжаликлари раҳбарлари, мутахассисларига ва туман, вилоят хокимликларига бериш мантиқан тўғри бўлади. Чунки чўл чорвасига ихтисослашган туманларда чорва тармоғидан бошқа соҳа (пахтачилик, боғдорчилик, ғаллачилик ва ҳаказо) йўқ.

Саволнинг иккинчи қисмини қоракўлчиликда ва яйловшунослик фанида 85 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўллар экологияси илмий тадқиқот институти яйловшунос олимларига ҳам бериш зарур деган фикрлар ҳам тўғри хулоса булади.

Ўтган 85 йилда Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўллар экологияси илмий тадқиқот институтида бажарилган тадқиқотлар натижалари бўйича 185 та йирик ишланмалар, услублар, тизимлар, завод типлари, навлар, технологиялар, йўриқномалар ва машиналар яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди, 100 дан ортиқ илмий асарлар тўплами, монографиялар, тавсияномалар нашр қилинди, 4 мингдан зиёд мақолалар чоп этилди. Тадқиқотларнинг илмий янгилиги 63 та патент билан тасдиқланган. Бу даврда Республикаимизда «Қоракўлчилик» ва «Яйловшунослик» фанлари тўлиқ шаклланди. Қайд қилинган илмий ишланмалар соҳага жуда кенг жорий қилинган, афсуски, кейинги 20 йилда бу илмий ишланмалар тўлиқ унутилмоқда.

Ўтган асрнинг 70 йиларида чўл яйловлари ўсимлик қопламани шамоллар таъсиридан ҳимоя қилувчи қора саксовул ихотазорлари яратишнинг илмий-амалий асослари институтнинг тажриба хўжаликларида тўлиқ ишлаб чиқилди.



Саксовул ихотазорларини яратиши

Ҳукумат буйруғи билан бу муҳим тадбир Республикаимиз қоракўлчилик хўжаликларига жорий қилинди. 1980 йилларга келиб чўлларда 177 минг га майдонда қорасаксовул ихотазорлари яратилди. Бу ихотазорлар 1,5 млн.га майдондаги яйловни ёзнинг тўзонли, қуюнли шамолларидан асраб қолаётганлиги аниқланди.

Бир ёшли саксовул ихотазорлари шамол тезлигини 20,5 %, икки ёшли ихотазорлар—34,6 %га кучсизлантиради, беш ёшли ихотазорлар шамоллар тезлигини деярли тўхтатади, 4 ёшли 1 туп саксовул бир йилда 1158 кг углекислота ютиб 835 кг кислород чиқаради, ихотазорларда ҳосилдорлик -8-10 ц/га бўлиб, атроф табиий яйловлар ҳосилдорлиги 25 % га кўпаяди, шунга биноан яйловда қўй сиғими ошади ва ҳаказо.

Чўлларимизда ихотазорларнинг қудуқлар, қишлоқлар, аҳоли яшайди ган жойлар яқинида барпо қилинишидан улуғ мақсадлар режалаштирил ган эди. Биринчидан, чорванинг ёзда иссиқдан, қишда совуқ изғирин лардан сақланишини, иккинчидан, энг муҳими, чўл халқини йил давомида текин саксовул ўтини билан таъминлаш эди. Афсуски чўлда яшовчилар бу улуғ ражаларни, мақсадларни йилдан-йилга унутиб боришмоқда. Ўша вақтда ҳукумат қарори билан 1990 йилларгача ихотазорлар майдонини 500 минг гектарга етказиш белгиланган, бу ихотазорлар чўлнинг 4,23 млн.га яйловларини шамолдан муҳофаза қилиши кутилганди.

Ҳозирги келиб ихотазорлар Қизилқумнинг айрим (аҳолидан узоқ) яйлов массивларида сақланиб қолди. Қолган чўлларимизда ўтин учун чопиб олинди ва йўқ қилинмоқда, ўтин учун чўлнинг тобора узоқ-узоқларга юриш бошланди.

Чўлларда 1980 йилга келиб 80 минг га майдонда изензорлар, 200 минг га майдонда эрма ҳосилдор яйловлар (изен, қуйровук, чўғон, терескен, комфоросма ўсимликлари) барпо қилинганди.



«Чўл бедаси» – изенли ҳосилдор яйловлар яратилиши

Ўша йилларда ҳукумат режасига мувофиқ бундай ҳосилдор яйловлар 1990 йилга келиб 1,0 млн.га майдонда яратилиши белгиланганди. Ҳозирги келиб қоракўлчилик хўжалиқларининг бирортасида ҳатто 1 гектар ҳам изензор ва ҳосилдор эрма яйловлар қолмади. Бу яйловлар доимий мол боқиш ва ўтин учун чопиб олиш билан бутунлай йўқ қилинди. Чўл чорвадорлари ҳам, чўлнинг раҳбарлари ҳам бу вазиятга ҳатто эътибор ҳам беришмади.

Яна бир афсусли ҳолат шундан иборатки, 1985 йилгача Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўллар экологияси институтининг «Қарноб» наслчилик тажриба хўжалигида ҳар йили истиқболли чўл ўсимликлари уруғидан 110-150

тоннагача сифатли уруғ тайёрланиб чўлдаги хўжаликларга экиларди. Марказий Осиёдаги кўшни давлатларга, Озарбайжон, Қалмиғистон ва Россияга сотиларди. Уруғ етиштириш Республикамиз бўйича 1990 йилга келиб 300-350 тоннага етказилиши режалаштирилганди. Ҳозир бу уруғчилик майдонларидан 1 гектари сақланмади.

Чўл яйловларимиздаги энг катта йўқотишлардан энг аянчлиси—сим тўсиқлар билан зағонларга (майдонларга) бўлинган маданий яйловларнинг бутунлай йўқ қилиниши бўлди. Дунё чорваси шундай усулда ривожланмоқда. Маданий яйловларда истиқболли ўсимликлар тўлиқ сақланади, куй сиғими ошади, зағонларда ихотазорлар ва экма ҳосилдор яйловлар яратиш имконияти яратилган.

Бу усул билан ўша вақтда (1980 йилгача) «Қарнаб» тажриба хўжалигида - 32 минг га, «Чорвадор»да – 10 минг га, «Ғозғон»да 15 минг га, «Нишон»да -5 минг га, «Муборак»да – 50 минг га, бошқа хўжаликларда 2-3 минг га дан жаъми 90 минг га яйлов сим тўсиқли яйлов майдонларига бўлиб чиқилган эди. Режа бўйича 1990 йилгача бундай маданий яйловлар майдони 500 минг гектарга етказилиши мўлжалланган эди. Ҳозирга келиб бу зағонлардан Республикамизнинг бирорта хўжалиги да 1 гектар ҳам йўқ. Сим ва темир—бетон устунчаларнинг ҳаммасини чўлликларнинг ўзи талон-тарож қилиб юборди. Бу ҳолатга ҳам ҳеч ким эътибор ҳам бермади.



Зағонларга бўлинган яйловларда қўй боқилиши

Қорақўлчилик яйловларининг қисқариб, бузилиб, чўлланишга учраётганлигининг яна бир салбий сабаби чўл худудларидаги қорақўл чилик хўжаликлари ва чўл аҳолисининг яйловларни шудгор қилиб ғалла экишидир. Ўзбекистон лалмикор ғаллачилик илмий тадқиқот институти олимларининг кўп йиллик илмий-тадқиқотлар натижаларидан маълумки, ўртача йиллик ёғин 300-350 мм атрофида бўлганда лалми ғаллачиликда кутилган ҳосилни олиш мумкин. Лекин чўлликлар ўртача 200-250 мм ёғин тушадиган минтақаларда ҳам катта майдонларда ғалла экинлари экишмоқда.

Таваккалчиликка асосланган бундай деҳқончилик натижасида Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятларининг катта худудларидаги

яйловлари тобора шамол эрозияси таъсирида қолиб кетаяпти. Бу жойларда фақат чўл ўсимликларини қайта экиб ҳосилдор яйловлар яратиш мумкин.

Артезиан сувларидан фойдаланиб Қизилқумда бедадан -120 ц/га, тритикалидан -90-105 ц/га, маккажўхоридан-6,3 т/га, Судан ўтидан -249 ц/га хашак ҳосили олиш мумкинлиги қайта-қайта тадқиқ қилинди.

Институт олимларидан биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти нишондори З.Ш. Шамсутдинов қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Экология ва ҳаёт хавфсизлиги халқаро академиясининг академиги, қишлоқ хўжалик фанлари доктори М.М.Маҳмудов, қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари А.Раббимов, А. Ҳамидов, Т.Муқимов, Ҳ. Халилов ва Б.Бекчоновлар ўтган 30 йил давомида истиқболли озуқабоп ўсимликларининг 16 янги навини яратдилар. Бу навлар чўлларимизда экиш учун районлаштирилган. Бу навлар билан қоракўлчилик хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислари ҳозиргача қизиқишганича йўқ.

Кейинги 20 йилда яйловларнинг ҳозирги ҳолатини хўжалик ва фотоценотик кўрсаткичлар асосида аниқлаш усули ишлаб чиқилди, чўл экосистемасини муҳофаза қилиш, бошқариш асослари яратилди. Яйлов инқирознинг олдини олувчи чора тадбирлар ва инқирознинг олдини олувчи чора тадбирлар, тавсиялар яратилди. Қизилқумнинг яйловларини кадастрлашнинг геоботаник асослари, қоракўлчилик ҳудудлари яйловларининг ҳолатини экологик мониторинг қилиш ташхиси ва илмий-амалий асослари ишлаб чиқилди ва ҳаказолар.



*Чўлда кўп йиллик ҳосилдор сунъий яйловлар
яратиш ва қўй боқиш*

Албатта институт яратган ихтиролар, илмий ишланмаларнинг барчасини келтириш шарт эмас. Бунга ҳожат ҳам йўқ, институт олимлари нинг соҳани раванқ топтириш, чўл яйловларимизнинг ҳозирги эгасиз, инқирозли, муҳофазасиз, ҳолатини яхшилашда, тиклашда институт жамоаси фидойиликни амалга оширган десак тўғри бўлади.

Энди, мавзу бошанишдаги саволнинг биринчи қисми чўлдаги раҳбар ларига берилганди. Энг таасуфли жойи шундаки, чўл чорвадорлари,

оқсоқоллари хўжалик раҳбарлари ҳокимиятдаги маъсуллар яйловнинг бу қадар эгасиз, ҳимоясиз, талон-тарож, пайхон қилинаётганлигига эътиборсиз лик билан томошабин бўлиб турибди. «Яйлов борнинг чорваси бор» (Авестодан). Наҳотки, улар эртани, истиқболни ҳатто уйлаб ҳам кўришмаса. Чўл халқининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётий мезонларини белгиловчи омил чорва молларининг сони эмас, чўл ўсимликларининг бойлиги, ҳосил дорлиги ва сақланиши ҳисобланади.

Ҳар бир даврнинг долзарб масалалари жамиятнинг ривожланиш босқичларидан келиб чиқади. Давлат миқёсидаги долзарб масала—бу жамият эҳтиёжларининг айрим, муҳим талаблари ҳам бўлиши мумкин. Талаб эса ҳолатдан келиб чиқади. Талаб қондирилмаса, ҳолат оғирлашиб хавфга айланади. Хавфдан қутилиш учун ҳимоя тизимини яратиш лозим. Ҳимоя тизимини бирданига яратиб бўлмайди, кўп вақт, кўп меҳнат, кўп маблағ сарф бўлади. Бунда энг афсусли жойи шундаки, инсон ўз хатоларини тузатиши учун умрнинг бир қисмини ҳам беҳудага сарф қилади.



Чўлдаги табиий яйловларнинг ҳозирги ҳолати

Бу ҳолатда бобомиз Амир Темурнинг—«ўйлаб иш қилсанг, тадбирининг тақдирга тўғри келади» деган буюк сўзларини эслашнинг, бу сўзга амал қилишнинг ўзи етарли бўлади. Халқимиз мустақилликга етишгунча не-не фожиаларни азобларни бошидан кечирди, табиий бойлик лари пайхон қилинди. Талон-тарож қилинган табиий ресурсларимизни тиклаш, авайлаш, келгуси авлодларимизга мусаффо, тоза табиатни қолдириш ҳақида уйлашимиз керак.

Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларидан бирида шундай деб ёзилган: «Албатта дунё ширин ва кўркам. Аллоҳ таоло ўша дунёга сизни эга қилиб қўйиб қанақа амал қилишингизни кузатади». Биргина ушбу ҳадисга амал қилишимиз, табиатдаги мувозанатни сақлаб боришимиз, табиатдаги ресурслар фарзандларимиз, авлодларимизга ҳам тегишли эканлигини чуқур хис қилишимиз лозим.

Жамиятимиз ривожининг экологик барқарорлигини таъминлашда чўлларимиз ўсимликлар қопламини сақлаб қолишимиз, бойитишимиз ўта

муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги авлодларга Орол денгизининг ташвишлари ҳам етарли. Чўлларимиздаги ҳозирги инқироз Орол денгизи фожиасига кўшилиб кетса нима бўлади? Орол денгизини жанубдан Осиёнинг энг катта саҳролари Қорақум 35 млн.га, Қизилқум–30 млн.га, Мууюнқум ва Бадбахтдала саҳролари шимол ва шарқдан ўраб турибди. Чўлларимизда саҳролашиш кучайиб кетса Марказий Осиёни сув билан таъминлаб турувчи тоғларимизнинг ҳозирги тароватини сақлаб туриш ҳам оғирлашади, сув таъминотини бошқариш мураккаблашади.

Республикамиз чўл яйловларининг ўсимликлар қоплами ресурслари ни ҳимоя қилишнинг ўта жиддийлиги, чўлларимизда биологик хилма-хилликни, чўл экологиясини авлодлар учун сақлаб қолиш маъсуляти, яйловлардан режали фойдаланиш, инқирозининг олдини олиш, ҳосилдор лигини ошириш, тиклаш чора-тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш мажбурияти ҳаммамизнинг зиммамизда эканлигини ҳисобга олиб қуйидаги лойиҳаларни чўл яйлов чорвасининг кун тартибига қўйиш ва бажариш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз:

- чўлларимиз минтақаларидаги ўсимликлар қопламини ҳимоя қилувчи, чўл яйловлари табиий ресурсларидан экологик муҳофазаланган усулда режали фойдаланиш, сақлаш, ҳосилдорлигини оширишни таъминловчи «Давлат қонуни» ни ва «Давлат дастурини тайёрлаш ва ҳукумат тасдиғига киритиш, чул яйловларига давлат ваколати билан жавоб берувчи давлат ташкилотини белгилаш вақти келди;
- чўл ҳудудларидаги яйловлар майдонини рўйхатдан ўтказиш, ҳосил дорилиги, озуқалар сифати, мавсумларда фойдаланиш муддатлари бўйича паспортлаштириш, хариталаштириш чўл чорвасини келгуси даги истиқболни белгиловчи асосий омил бўлиши аниқ бўлиб қолди;
- чўл яйловларини муҳофаза қилиш ҳосилдорлигини оширишни таъминлаш, инқирозга учраган яйловларда ҳосилдор яйловлар барпо қилиш, истиқболли чўл ўсимликларининг кўчатзорларини яратиш, уруғчилигини ривожлантиришнинг 2015–2020 йилларга мўлжалланган «Давлат дастури» ни тайёрлаш ва бу дастурни бажаришни бошлаш чўл чорвасини ривожлантириш ва яйловлар билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал қилиб боради;
- чўл аҳолисининг ўтинга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун туманлар ҳокимиятларига ҳар йили туман хўжаликларида 500-600 гектар майдонларда саксовул, черкез ихотазорларини экиб боришни мажбурий қилиш, чўл аҳолисини суюлтирилган газ (баллонларда) ва кўмир билан режали, доимий таъминлашни ташкил этишни ҳукуматимиз ўз зиммасига олиши лозим (чунки иклими оғир табиий минтақаларда яшовчи халқларга давлат томонидан енгилликлар берилиши керак). Фақат шундай тадбир билан чўл ўсимликларини ўтин учун чопиб олишни тўхтатиш мумкин. Чунки, чўлдаги ҳар бир оиланинг кундалик тирикчилиги учун ўтин керак;

- йиллик ёғин миқдори 300-350 мм. дан ошмаган чўл ва адир ҳудудларидаги қоракўлчилик хўжаликларида ғалла экишни таъқиқлаш чўлдаги экологик муҳитни сақлашда, яйловларни муҳофаза қилишда мақсадли тадбирлардан бири бўлади. Чўлнинг шудгорланган майдонларида яйловнинг тикланиши 8-10 йилда юз беришини эътиборга олсак, бу тадбир ҳеч кечиктирмаслиги аён бўлади;
- чўлларимизда юзлаб артезиан сувларидан текин фойдаланиб, чўл чорваси учун қишки мавсумга кафолатли, сифатли озуқа етиштиришни ташкил қилиш керак;
- чўл яйловлари ҳимоясида, ҳосилдорлигини оширишда, чўлда ўрмон лар яратишда, яйловлардан режали фойдаланишда, яйловлар инқи розининг олдини олувчи илм-фан ютуқларини соҳага жорий қилиш ўта қониқарсиз ҳолатдалиги, соҳадаги илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва кучайтирилган назоратлар Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўрнатилса чўл чорвасининг режали юксалишида истиқболли натижаларга эришиш тезлашарди;
- ҳозирги ислохатлар даврида тобора кўпайиб бораётган янги хўжалик юритиш шакллари (фермер, ижара, ширкат, деҳқон ва ҳаказо) га яйловлар ажратишда уларнинг зиммасига яйловларнинг ҳимоясини сақлаш, ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини кучайтирилган маъсуллик, жавобгарлик меъзон-меъёрлар билан қонуний мустаҳкамлаш лозим.

Мамлакатимизда шиддат билан ривожланиб бораётган янги истиқболли туризм соҳаси албатда чўл ва адир минтақаларимизда яшаётган аҳолининг ҳаётига ҳам сўзсиз кириб келади. Бу ҳолатнинг юз беришининг сабаблари ва истиқболдаги ривож ҳақида ушбу монографияда қисман айтилиб ўтилди. Чунки, туризм ривожланган давлатларда қандайдир объектив сабаблари бор, шунинг учун ҳам ушбу давлатнинг у ёки бу қисмида туризм соҳаси ривожланмади ёки бу соҳани ривожлантиришнинг имкониятлари йўқ деган хулосаларни топмадик. Туризм ривожланган давлатларнинг барчасида, бу давлатларнинг барча маъмурий ва табиий ҳудудларида туризм соҳаси бир текис ривожланмоқда.

Ҳар қандай давлатда ёки табиий минтақада туризмнинг ривожланиши учун биринчи навбатда туризм ресурслари бўлиши лозим. Мамлакатимизнинг чўлларида халқаро туризм ресурслари ҳам ички туризм ресурсларининг (объектларининг) салоҳиятли заҳиралари борлиги келтирилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, халқаро экотуризм асосан табиат қўриқхоналари, табиат буюртмахоналари, халқаро биосфера қўриқхоналари, миллий парклар, алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар ва «Халқаро қизил» китобдаги ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот турларини сўрайди. Ўзбекистоннинг барча чўлларида қайд қилинган туризм ресурслари борлиги ҳам келтирилди.

Халқаро туризм халқларнинг яшаш тарзига, миллий меъросига, миллий маданиятига, санъати ва миллий ўйинларию миллий урф-одатларига кўпроқ қизиқишади. Бундай ресурслар нома-ном келтирилди.

Халқаро туризм давлатларнинг табиатига унинг бетакрор ландшафтларига, биологик хилма-хил ресурсларига қизиқишади. Ушбу ресурслар ҳам тўлиғича келтирилди. Лекин, туризм учун ҳам, чўлликларнинг бекаму-қўст яшаши учун ҳам, биринчи навбатда чўлларнинг ўсимликлари қопламини табиий-экологик меъёр талабларида сақлашимиз шарт.

Тавсия ва таклифлар

Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризм соҳасини ташкил қилиш ва ривожлантириш йўналишида ўтказилган тадқиқотлар, ушбу ишни тайёрлашда олинган, тўпланган малумотларни таҳлил қилиш, ишнинг ҳар бобидаги натижалар, хулосалардан қуйидаги таклиф ва тавсиялар келиб чиқди:

1. Чўл ҳудудларида туризмни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик масала деб қаралиб “Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмни 2019-2025 йилларда ривожлантиришнинг давлат Дастури”ни ишлаб чиқиш;

2. Чўл минтақаларида яшаётган аҳолининг фарзандларини туризм коллежлари, институт ва университетларнинг туризм таълими йўналишларида имтиёзли ўқитишнинг мезонларини, ташкилий-иқтисодий тизимларини ишлаб чиқиш;

3. Чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш учун бу ҳудудларнинг табиати, биологик хилма-хил ресурсларидан, давлат табиат кўриқхоналаридан ва давлат табиат буюртмахоналаридан, табиатнинг сўлим гўшалари ва дарё сохилларидан туризм мақсадларида фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрларини Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси тегишли Вазирларликлар билан ишлаб чиқиши ва туризм соҳасига жорий қилишни жадаллаштириши лозим;

4. Чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришда туристик ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, чўл табиатини муҳофаза қилишда қўшимча иқтисодий имкониятларни, бу минтақаларда туризмни истиқболда юксалтиришнинг иқтисодиётдаги ўрнини аниқлашни, ўрганишни бошлаш зарур;

5. Чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришда бу ҳудудлардаги туристик ресурслардан фойдаланишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти зиммасига юклаш кутилган натижаларни беради;

6. Чўл минтақаларидаги туристик ресурслардан фойдаланишда туристик ресурсларга ва туристик объектларга туристик маршрутлар яратишни Самарқанддаги қорақўлчилик ва чўллар экологияси илмий-тадқиқот институти (амалий томонлари) ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (маслаҳат томонлари) ҳамкорлигига топшириш чўл ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантиришда мақсадли йўналишлардан бўлади;

7. Чўл минтақаларида аҳоли яшаш жойлари ва аҳолига яқин бўлган туристик объектларда аҳолининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, мазкур туристик объектларни туристик масканларга айлантириш, бу тадбирлардан маҳаллий аҳолини иш билан бандлиги муаммоларни ечишига, оила иқтисоди яхшиланиши, туристлар билан дўстлашув алоқалари муҳити яратилишидек муҳим масалаларнинг тарғиботи, тушунтириш ишларини олиб боришни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти зиммасига юклаш бу ҳудудларда туризмни ривожлантиришда стратегик режа бўлади;

8. Чўл минтақаларида туризмни ривожлантиришда бу ҳудудлардаги туристик ресурсларнинг моҳиятини, туристларни қизиқтирувчи объектларни ахборот воситалари: радио, телевидение ва интернет тизимида реклама қилиш тизимини ишлаб чиқиш:

9. Ўзбекистоннинг чўл минтақаларидан ўтган „Буюк Ипак йули“ маршрутини тиклаш илмий-тадқиқотларини бошлаш;

10. Чўл минтақаларида жойлашган вилоят ва туманлар ҳокимликларида, маҳалла кенгашларида туризмни ривожлантириш бўйича туризм мутахассислари иштирокида давра суҳбатларини ташкил қилиш ва чўл ва адир минтақаларида туризмни ривожлантириш масалалари бўйича услубий қўлланмалар, ахборотлар, буклетларни даврий равишда тайёрлаб чўл ҳалқига бепул тарқатиш режаларини ишлаб чиқиш.

Ишнинг тугалланишида ишда қайд қилинган натижалар асосида қуйидаги асосий хулосамизни алоҳида таъкидлашни жуда муҳим деб ҳисоблаймиз:

- ❖ *Мазкур тадқиқотларда қайд қилинган манзиллар, обидалар, табиатнинг мужизавий хайкаллари, биологик хилма-хил ресурслар, чўл халқи ҳаёти, зиёратгоҳ жойлар, овчилик ҳудудлари, овчилик усуллари, миллий ишлаб чиқариш, миллий уйинлар, археологик манзиллар, табиат қўриқхоналари ва бошқа антропологик тузилмалар тарихий экологик асрлар йилномасидан ўтиб, ҳозирги кўринишини олган тавсифлар, йўналишлар - чўлнинг бағрида яшаётган сабр-тоқатли, чидамли халқнинг асрлар давомидаги ижоди, меҳнати, чўлнинг бутун бойликларини асраб-авайлаб, сақлаб келаётганлиги ва чўлларга садоқати, ўзига хос бўлган турмуш кечириши, ҳаётидир.*

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14-сентябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент, Ўзбекистон, 1996 йил 27 декабр.
3. Ўзбекистон республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент, Ўзбекистон, 1997 йил 27 декабр.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент 2004 йил 3 декабр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонлари, Қарорлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон республикаси президентининг нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16-январ, № 11.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, «Ўзбекистон», НМИУ, 2017,-29 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3510/0668-сон).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3509/0658-сон).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. Тошкент шаҳри, 2018 йил 3 февраль.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш тўғрисида. 2018 йил 7-феврал, № ПҚ-3514. ҚХММБ: 07/18/3514/0672-сон, Тошкент ш., 08.02.2018 й.

II. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг фармонлари, қарорлари ва асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. Тошкент, 1995, 02.06, ПФ-1162.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тўғрисида”ги қарори. Тошкент, 2006 йил 17 апрел.

3. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ. №2286 фармони. Халқ сўзи, № 74, 1999 й, 16 апрел.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатишни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги 2012 й. 10 майдаги ПФ-1754-сонли Қарори.

5. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997.-325 б.

6. Каримов И.А., Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожла нишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. Тошкент, 2009.-280 б. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон», 2009-41 б.

8. Каримов И.А., Ўзбекистон конституцияси-биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабр.

III. Дарсликлар, монографиялар ва китоблар

1. Александрова А.Ю. География туризма, Москва, КНОРУС, 2010, 594 с.

2. Ан.Э.С., Заповедные территории Узбекистана, Издательство «Узбекистан», 1980.-71 с.

3. Бадай-тўқай кўриқхонаси ва Қорақалпоғистондаги тўқайларни сақлаб қолиш. Бадай-тўқай кўриқхонасининг 35 йиллигига бағишланган рисола, Нукус, 2012.-24 б.

4. Долженко Г.П., Экскурсионное дело. Издательский центр «МарТ-Москва-Ростов на-Дону», 2006- 301 с.

5. Дурович А.П. Организация туризма. Минск, «Новое знание», 2006.-632 с.

6. Дурович А.П., Реклама в туризме, «Новое знание», 2008.- 254 с.

7. Ибодуллаев Н., Ўзбекистоннинг туристик ресурслари, Самарқанд, 2008.-142 б.

8. Каримов А., Туризмда коммуникация бозори. Тошкент, 2003. -44 б.
9. Махмудов М.М., Ҳайитбоев Р., Қизилқум яйловлари ҳолатини яхшилаш усуллари. Тошкент, 2008. -34 б.
10. Махмудов М., Ҳайитбоев Р., Эффективное использование степных пастбищ и рекомендации по повышению их продуктивности. УзННПЦСХ-Узбекский научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь. Ташкент, 2000, 26 с.
11. Махмудов М., Юсупов С., Ҳайитбоев р. ва бошқ... Қорқўлчилик яйловлари ва улардан самарали фойдаланишга оид қўлланма. ИКАРДА-ИФАД-Ўзбекистон, Самарқанд, 2001, 51 б.
12. Махмудов М., Ҳайитбоев Р., Халилов Х., Раббимов А. Истикболли чўл фитомелиорантларининг уруғчилигига оид тавсиялар. Самарқанд, 2006, 42 б.
13. Маматқулов Х.М., Туризм инфратузилмаси. Тошкент, Ўзбекистон файла суфлар миллий жамияти. 2011. -336 б.
14. Ғуломов П., ва бошқ., Туркистон табиий географияси. Тошкент, 2000, 192 б.
15. Низамов А., Аманбаева З., Сафарова И., Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари. Тошкент, Фан ва технология, 2014. -104 б.
16. Пардаев М.Қ. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006. -78 б.
17. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р., Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Тошкент, 2007. -28 б.
18. Солиев А., Назаров М., Ўзбекистон қишлоқлари. Тошкент. «Фан ва технология», 2009, 210 б.
19. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент. 2014. -330 б.
20. «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза», Тошкент, 2006. -110-150 б.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2010 йил 25 июндаги “Ўзбекистон туризм салоҳиятини ошириш ва соҳани ҳуқуқий тартибга солиш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материалларидан
22. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси. Экология хабарномаси, № 2, Тошкент, 2007. 5-14 б.
23. Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи, Тошкент, 2007,
24. Оға Бургутли., Жиззах вилоятининг зиёратгоҳлари, Тошкент, «Фан», 2008, 50 б.
25. Khaitboev R. Selection fodder plant and agricultural engineering methods of improvement sandy pasture in Uzbekistan. Abstracts seventh International Conference on Development of Dry Lands. Sustainable Development and Management of Dry lands [n the 21 Century. Tehran. Iran. 14-17 September. 2003
26. Khaitboev R. Indicators and diagnostic estimation of degradation of pasture of Uzbekistan. Abstracts Eighth International Conference on Development of Dryland

Human and Nature-Working Together for sustainable Development in Dry Lands. February 25-28 .2006.Beijing.China

27.Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Худайбердиев У., Табиатдан фойдаланиш иқтисоди., Самарқанд, 2004.-104б.

28.Ҳайитбоев Р., Яйлови борнинг чорваси зўр. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Ж.№7, Тошкент, 2005, 28-30 б.

29.Ҳайитбоев Р., Толипова Л., Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида туризмни ривожлантириш масалалари. СамИСИ илмий анжумани материаллари, Самарқанд, 2008, 8-10 май

30.Ҳайитбоев Р., Саттаров А., Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси, Самарқанд, 2008.-87 б.

31.Ҳайитбоев Р., Амриддинова Р., Туризмда маркетинг тадқиқотлари. Самарқанд, 2009.-64 б.

32.Ҳайитбоев Р., Амриддинова Р., Туризмнинг махсус турлари. “Тонг” МЧЖ, Самарқанд, 2009.-45 б.

33.Ҳайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм. Самарқанд, 2010.-60 б.

34.Ҳайитбоев Р., Пардаев О., Туризмнинг менежменти. Самарқанд, 2010.-46 б.

35.Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н., Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари. Туризм хизматлар бозорини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари, Самарқанд, 2014, 28-29 май, 47-57 б.

36.Ҳайитбоев Р., Даминов М., Ички туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик услубий асослари, Халқаро илмий-амалий анжуман, Самарқанд, 2014, 1-23 апрел.